



СЎФИ ОЛЛОЁР

*Сабот ул-ојизин*

Тошкент — "Меҳнат" — 1991

Таҳрир ҳайъати: АБДУСОДИҚ ИРИСОВ, АБДУЛ АЗИЗ  
МАНСУР, ХОЖИ АБДУЛЛО ИСМОИЛ МАҲДУМ ўғли,  
МАСЪУДАЛИ ҲАКИМЖОН, УЛУҒБЕК ДОЛИМОВ, РУСТАМ МИР-  
ЗАЕВ, НЕЪМАТ ШОНОСИРОВ, МУҲИДДИН НАЗМИДДИНОВ,  
МАҲМУД ТҶҲЧИЕВ, АБДУРАУФ АБДУРАҲИМОВ.

Нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али  
Маҳмуд Ҳасаний  
Мирсолиҳ Қосим  
Масъул муҳаррир – Абдул Азиз Мансур  
Муҳаррир – Абдулборий Зиёдов

Ушбу китоб ЎзССЖ Давлат матбуот қўмитаси қошидаги "Ижод"  
Давлат кичик корхонасининг молиявий иштироки ва унинг буюртмаси  
асосида чоп этилди. Шартнома баҳосида харид қилинган қоғозга  
босилди. Китобнинг нархи ҳам шулар асосида белгиланди.

ISBN 5 – 8244 – 0799 – 1

© "Меҳнат" нашриёти, "Ижод"  
ДКК, 1991



## СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Халқ ичида "Сўфи Оллоёр"<sup>\*</sup>, аслида "Сабот ул-ожизин" деб аталган мазкур китоб Ўрта Осиёда дарслик сифатида ўқитилган. Кавказ ҳамда чет элларда яшайдиган ўзбеклар орасида ҳам кенг шуҳрат қозонган. Ўрта Осиёда одатда савод чиқарилгандан сўнг, албатта, Сўфи Оллоёр" ўқитилар эди. Унда ислом динининг асосий қоидалари (ақойид) баён қилинганидан ташқари, инсонларга хос бўлган ҳақиқий ёқимли хислатлар афоризмга айланган ҳикматлар тарзида ҳамда ибратли ҳикоялар сўзали тараннум этилади. Бунинг устига, у ғоятда раво ва содда тил билан ёзилгани, кишини ўйлантирадиган ва ҳайратлантирадиган сўз ўйинлари мавжудлиги билан ёдлаб олишга ҳамда севиб ўқишга сабаб бўлади. Зотан, муаллиф ёзган китоб муқаддимасида ҳам бу асар форс ва араб тилини билмаган оддий халқ учун ёзилгани ўқитиб ўтилган.

"Сўфи Оллоёр"нинг машҳурлиги ва дарслик сифатида ўқитилиши, шубҳасиз, унинг нусхалари кўп бўлишини талаб қиларди. Шунинг учун ҳам, унинг қўлёзма ва босма нусхалари жуда кўп бўлиб, котиблар томонидан кўп марта кўчирилган, ноширлар томонидан эса қайта-қайта чоп этилган. Кўчириш ва чоп этиш жараёнида эса, шубҳасиз, ундаги баъзи байтлар ўзгартирилган, баъзилари тушириб қолдирилган, баъзи сўзлар китоб кўчириладиган ёки бостириладиган шаҳар халқининг тили ва шеvasининг тақозоси билан ўзгартирилган ёки бошқа сўзлар билан алмаштирилган. Натижада нусхалар орасида ҳар хиллик пайдо бўлган.

Биз мазкур китобни нашрга тайёрлар эканмиз, ҳозирча унинг ягона илмий танқидий матни мавжуд бўлмагани учун,

---

Бу ном аслида Сўфий Аллоҳёр бўлиб, халқ ичида Сўфи Оллоёр сифатида машҳур бўлганлиги учун биз ҳам шу номни қолдирдик.

учта нухани ўзаро солиштириш йўли билан хато ва камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилдик. Шу нухалардан бири Ҳожи Пўлатқорининг шахсий кутубхонасида сақланаётган Саудия Арабистонида Мусо Афанди томонидан чоп этилган "Сўфи Оллоёр"дир. "Ҳидоят ут-толибин" китобининг муқаддимасида ёзилишича, Мусо Афанди чоп этган нухада хатолар кўп, бундан ташқари, мазҳаб тақозоси билан баъзи ўзгартиришлар киритилган. Биз ундан фойдаланаётганимизда ҳақиқатан шундай хатоларни кўрдик ва уларни бошқа нухалар асосида тўғриладик.

Яна бир нуха Покистонда чоп этилган бўлиб, у "Ҳидоят ут-толибин шарҳи "Сабот ул-ожизин" ("Сабот ул-ожизин"ни шарҳлашда толибларга йўлланма") деб аталади. Муаллифи Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон ал-Фарғоний сумма-ал-Кобулийдир. Саййид Ҳабибуллоҳ китобга Сўфи Оллоёрнинг барча асарларини солиштирган ҳолда катта тадқиқот илова қилган. У Мусо Афандини тўғри танқид қилган ҳолда Сўфи Оллоёрнинг қабри Искандарияда эмас, балки Денов яқинидаги қишлоқлардан бирида эканини тўғри кўрсатиб ўтган. Биз фойдаланган Тошкент нухаси эса нисбатан мукамал бўлса-да, бироқ хатолари кўп, қофиялар эса кўпинча бузиб берилган.

Мазкур китобга Бухорода 1329 ҳижрий йилида босилган араб ҳарфидаги нашрдан кўчирилган (репринт) нуха ҳам илова қилинди. Бу араб алифбосини биладиган кишиларга қулай бўлиши билан бирга, шу алифбони ўрганувчиларга ҳам ёрдам беради.

Биз бу китобга луғат ва байтларга тушунтириш илова қилмадик. Чунки бундай қилиш, биринчидан, китоб ҳажмини кенгайтириб юборар эди, иккинчидан эса, нашриёт мазкур асарга ёзилган мукамал шарҳ, яъни "Ҳидоят ут-толибин" китобини ҳам чоп этишни кўзда тутган.

Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" китоби дунёнинг бир қанча жойларида чоп этилиши ва икки марта шарҳ ёзилиб, босиб чиқарилиши унга нисбатан қизиқишнинг кучли бўлганини кўрсатиб турибди. Унинг бугун биринчи марта криль (рус) ҳамда араб ҳарфидз тақдим этилиши кенг китобхонлар оммасига бу китоб билан танишишни осонлаштиради. Сўфи Оллоёрни стук шоир, файласуф ва катта диний арбоб сифатида кўз олдимизда гавдалантиради, яна у ўтмиш адабиётимизнинг бир ноёб мероси сифатида адабиётшунос ва тилшунос олимларимиз учун ҳам фойдадан холи эмас.

*Маҳмуд Ҳасаний*



## МУҚАДДИМА

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

Бизларни ва еру осмонларни яратган, борлиқ мавжудотлар аҳволидан доим хабардор бўлган Аллоҳ таолога беҳад ҳамдлар ва сонсиз санолар бўлсин! Бутун оламга раҳмат ва яхши ахлоқ муаллими бўлган Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламга чексиз салават ва саломлар бўлсин!

Аммо баъд: "Сабот ул-ојизин" китобининг муаллифи ким? Оллоҳёрдур. Қабиласи – Самарқанд атрофларида "Мингия" деган ва зўравонликлари билан машҳур бўлган ўзбек қабиласига мансубдурлар. Туғилиши – Мингиялар жамоасига тобе Сўфий гузарида 1133 ҳижрийда (мелодий 1720) дунёга келганлар. Оталари – Темурий номли солиҳ, тақводор зот бўлганлар. Бу кишини ўзбекзода (турк) эканлиги исмларидан ҳам равшан билиниб турибди. "Мурод ул-орифин" китобида оталарининг исми Оллоҳқули деб ёзилгандур.

Ибтидоий мактабни Самарқандда, ўз қишлоғида тамомлаб, 10 ёшларида Бухорога ўқишга борадилар. У ерда турли илмлар ва касбларни 15 йил давомида ўргандилар. 25 ёшларида Бухоронинг божхонасига амалдор қилиб тайинланадилар. Ўз вазифасида мустаҳкам, шаҳарга кирувчиларнинг молларини текширишда раҳмсиз, қаттиққўл божгир эдилар.

Бир кун Бухоро олимларининг Худога етишганларидан бирлари бўлган Шайх Ҳабибуллоҳнинг бир шогирди Бухорога киришда савдогарлардан ғайри қонуний мол олиб, божхона ходимларидан беркитиб шаҳарга киргизаётганда қўлга тушади. Оллоёр у одамни қамчи билан қаттиқ урадилар, унинг боши ёрилади. У одам ҳамма тарафидин қон оққан ҳолда устозлари Шайх Ҳабибуллоҳга бориб Оллоёрдан шикоят қилади, ул зоти бобаракот шогирдига тасалли бериб, сабр қил, Аллоҳ у кишининг ҳам қалбига юшқоқликни солиб қўйсин, инсофли, раҳм-шафқатли бўлсин, деб Оллоёр ҳақиға яхши дуо қиладилар. Аллоҳ таоло у зотнинг дуоларини баракотидан Оллоёрга инсоф бериб,

қалбини илоҳий илм томонига буриб қўйди. Оллоёр қалбида мулойимлик, очиқ чеҳралик, дин ишларида ихлос ҳосил бўлган пайтда бу байтларни айтган эдилар:

Мани бошимга хуш савдо тушибдур,  
Кўнгил бозориға гавго тушибдур,  
Дедим, эй тан, на савдодур, на ишдур,  
Сипоҳингга қилич бирлон уришдур?


Бир куни Оллоёр Шайх Ҳабибуллоҳ зиёратларига келадилар. Шайхнинг қалқасида тиз чўкиб ўтирадилар. Шунда Шайх Оллоёрга қараб: "Бу жой мансабдорларнинг жойи эмас, толиблар ва ғарибларнинг жойидур" – дейдилар. Шунда Оллоёр таъсирланиб: "Тавфиқ Аллоҳдан, иноят Кибриёдан, ҳидоят Зулжалолдандур, ё Шайх", – дейдилар. Шайх қарасалар Оллоёрда ҳақ йўл учун зўр қобилият пайдо бўлибди. Кўринишларида одоб ва ҳурмат барқ уриб турибди. Шайх бу кишидан ислом аҳлига зўр фойдалар етишини кўнгилларидан кечириб, баъзи шартларни қўйиб, илм ҳалқаларига қабул қиладилар. 12 йил Шайх Ҳабибуллоҳ мадрасасида ўқиб, ҳар томонлама стук олим бўлиб етишадилар. Бу кишидаги ҳиммат катта мансабдорликни, молу дунёни, доврўғни тарк этишга сабаб бўлди. Ман-ман деган улфатлардан кечиб, 12 йил мадрасада таълим олиб, улўғ олим ва авлиё даражасига етган эканлар.

Ёзган китоблари қуйидагилар:

"Маслак ул-муттақин" – фикҳга оид шеърый асар, "Сирож ул-ожизин", "Сабот ул-ожизин", "Мурод ул-орифин", "Махзан ул-мутийъин", "Нажот ул-толибин".

Асл номи "Сабот ул-ожизин" бўлса ҳам Туркистон халқлари бу китобдан ўта таъсирланганларидан ёзувчисининг номини китоб номи қилиб олганлар. Шунинг учун "Сўфи Оллоёр" номи билан халқ орасига ёйилган. Бу китобдаги масалалар сўзга чечанлик йўли билан ояту ҳадисга мувофиқ ёзилган. Ўзлари Аллоҳ томонидан илҳом берилган зот бўлганлари учун, бу китобни ким ўқиса секин-аста юрагига тақво, амал қилиш, яхши ахлоқни ўзига сингдириш, камтаринлик кириб келабошлайди. Натижада Аллоҳ ва Расули хоҳлагандек банда бўлиб қолади. Аллоҳ таоло барча бу китобнинг ўқувчиларини, муҳаббат қилувчиларини, шу китоб насиҳатларига амал қилувчилардан қилсин, ё рабб ал-оламин!

Сўз бошини Мусо Афанди нусхасидаги муқаддима асосида тайёрловчи *Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али ўғли.*



## Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

Сано лилхолиқи ғаброву афлок,  
Яратти қатрайидин гавҳари пок.  
Самовот уйини тутди муаъллақ,  
Жаҳона ҳукмини кўрсатди мутлақ.  
Қилиб ғабро мадорин зиммаи ҳут,  
Баний одамға андин қисм этар қут.  
Падид этди жаҳон ичра фавосил,  
Қилур ҳар фасл турлук нашға ҳосил.  
Ажаб сунъу ажаб аҳкоми тақдир,  
Қилур бир қўрсдин олам кўзин сир.  
Ирода қилса ул Ҳайи тавоно,  
Қилур бир лаҳзада билмасни доно.  
Сафий тупроғин этгач жон ила жисм,  
Начукким айлади доноийи ҳар исм.  
Халос этса бировни рабб ул-афлок,  
Қолур тоғ остида андин чиқар пок.  
Начукким тутти тўфон дашту тоғи,  
Ва лекин бўлмади ҳўл Нуҳ аёғи.  
Халилulloҳ учун ёндирдилар нёр,  
Қадам қўймай ўшал ўт бўлди гулзор.  
Ғазаб ел одиларни қилди нобуд,  
Эди ул ел насими тобиъи Ҳуд.  
Балиқ қорнида бир соҳиб каромат,  
Чилла ўлтирди-ю, чиқди саломат.  
Агар амр этса кимни фориқ ул-фарқ,  
Келур бир лаҳзада Ғарб устидин Шарқ.  
Начукким дўстини султони кавнайн,  
Етурди соатеда қоба қавсайн.  
Агар ҳар кимга берса иззу имдод,  
Келур хизматга жинну одамийзод.

Сулаймонким эгурди инсу жиндин,  
Анинг фармони эрди бир нигиндин.  
Гараз қудратнамолиғ айлади фош,  
Вагарна қадри эрди бир дирам тош.  
Калим илгиндаги қутлуғ асое,  
Гаҳе кўпрук эди, гаҳ аждаҳоёе.  
Гараз қудратнамолиғ эрди, э дўст,  
Вагарна эрди бир қад чўпи бепўст.  
Агар амр айласа кавнайни барпой,  
Бўлур бир пистанинг пўчоғина жой.  
Дедилар, ҳазрати Рухул Аминни,  
Қанот ёйса тутар рўйи заминни.  
Анингдек Жабраили сидра парвоз,  
Муҳаммад энгида айтур эди роз.  
Агар қилса бировнинг ҳақлиғин фош,  
Шаҳодат бергуси гаҳворада ёш.  
Азиз этса қаю қулни ўшал шоҳ.  
Агар чоҳ остина тушса топар жоҳ.  
Сулаймон хизматида қилди парвоз,  
Агарчи сони йўқ шоҳийну шаҳбоз.  
Вале бир муштипар ҳудҳуд эди пайк,  
Деди султониға орий-ю лаббайк.  
Мадад қилса Худойи олам орой,  
Ҳабиб этса ишорат айрилур ой.  
Кишининг рўзисин гар қилмаса кам,  
Етар ҳар ерда меҳнат қилмаса ҳам.  
Калимин чеҳрасин қилмас учун зард,  
Чиқарди лаҳзада Нил остидин гард.  
Начукким ҳазрати Солиҳ учун фош,  
Балолиғ тева туғди ҳукмидин тош.  
Юборди Маряма рўзи малакдин,  
Масийҳа моида тушди фалакдин.  
Азалда ҳар кишини айласа саъд,  
Халил ўғлидек этса содиқ ул-ваъд,  
Агар забҳ этсалар қайтармағай қош,  
Кўрунмас бош анинг олдинда бир мош.  
Кима берса жаҳолат хамридин жом,  
Беҳишт олдийға келса босмағай гом.  
Етар раҳмат суви кўк кавкабийна,  
Етушмас қатрае гумроҳ лабийна.  
Кўринг Бу Толиб ила Бу Лаҳабни,  
Улуғ дарё лабинда хушк лабни.



Агарчи ўт била сувда бўлур фарқ,  
Чиқарди сув маконидин начук барқ.  
Агар чандийки шаъм ўтдин бўлур жамъ,  
Қаро сувдин қилур кўз нуридек шамъ.  
Қаю бир қудратин қилмак керак ёд.  
Эрур қосир уқули одамийзод.

#### ДАР БАЁНИ НАЪТИ РАСУЛУЛЛОҲ

Дуруди беадад ҳодийи динға,  
Расули раҳматан лил-оламинға.  
Худонинг дўсти, мухтор ул-қурайши,  
Мудом уммат учун талх эрди айши.  
Эмас мавжуд анингдек гавҳари пок,  
Далил улдирки, кийди тожи лавлок.  
Ўшал шоҳаншаҳийким шами диндур,  
Онинг царвонаси Руҳул Аминдур.  
Деди Маъбуд анинг отин Муҳаммад,  
Мақомотиға ҳаргиз етмади ҳад.  
Тушурмай ер юзига соясини,  
Етурди арш уйига поясини.  
Қадам босқон манозил эрди пуратр,  
Саҳоб ул-абяз эрди бошида чатр.  
Жамоли неъматини матлуби кавнайн,  
Камолидин муяссар қоба қавсайн.  
Шарофат мундин ўтмас суннату фарз,  
Юруса то хуружи Доббат ул-арз.  
Ҳама диндин бўлубдур дийни боло,  
Гувоҳи ҳазрати вожиб таоло.  
Анинг авсофини йўқ интиҳоси,  
Нағу етмас деса васфин Худоси.  
Худонинг раҳмати бўлсун дамодам,  
Анинг авлодиға, асҳобиға ҳам.

#### ДАР БАЁНИ САБАБИ ТАЪЛИФ

(Китобнинг ёзилиш сабаби баёнида)

Ёзилди форсий тил бирла мактуб,  
Ақийдоти фуруъи қурби маҳбуб.  
Анийким кўрдилар туркий ёронлар,  
Дедилар, гар дуо қилса эронлар.  
Битилса турки тил бирла ақийда,

Кўнгуллар бўлса ондин орабийда.  
Тамаллуқ қилдилар чун бир неча ёр,  
Қалам тортай Худо бўлсун мадаккор.  
Ва лекин айлайин сўзларни ижмол,  
Манга йўқдур муфассал қилғали ҳол.  
Мани бечора чунки омидурман,  
Гирифтори маломат домидурман.  
Эрурман бандаларнинг сарнигуни,  
Тўлай ёру биродарлар забуни.  
Агар чандийки бўлсам мағзи йўқ пўст,  
Ишорат қилдилар чун бир неча дўст.  
Аларнинг сўзларини бузмайин зор,  
Савод этдим неча манзума ночор.  
Ақийда сўзларини қилдим исбот,  
Анга қўйдим "Сабот ул-ожизин" от.  
Ўзимдек хасталар бўлғайму деб шод,  
Насойиҳдин ҳам андак айладим ёд.  
Насиҳат тингламас дилсахт маҳжуб,  
Кўкармас тоша ёмғир ёғса ҳам кўб.

#### АЛЛОҲУ ТАОЛОНИ ТАНИМОҚ БАЁНИДА

Недур қуллуқ анинг муштоқи бўлмоқ,  
Ўзидин фоний, Ҳаққа боқий бўлмоқ.  
Танимоқ Тангрини тонмоқ ҳаводин,  
Кейин турмоқ фиёли нораводин.  
Бўйин сунмоқ, эгилмоқ қул демишда,  
Қазоға рози бўлмоқ барча ишда,  
Умид этмак ўшал қудратли шоҳдин,  
Ёнардин хавф этиб, ёнмоқ гуноҳдин.  
Яқин билмак жамоат этиқодин,  
Кейин солмоқ мухолиф ижтиҳодин.  
Ақийда билмагон шайтона элдур,  
Агар минг йил амал деб қилса елдур.  
Уёлма маърифатни ўрганурдин,  
Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин.  
Уёлмасдур талаф амрийни олгон,  
Қолур яхши уй олгондин уёлгон.

---

Бу сўзни уй ёки ўй деб ўқиш мумкин. Биринчиси – жаннатдан жой олиш, иккинчиси – фикр маъносида.

## АЛЛОҲ ТАОЛО МАЪРИФАТИНИНГ БАЪНИ

Худовандики бирдур бешаку райб,  
Раво йўқдур ана ўртоқ ила айб.  
Анинг фармонидин ҳеч ким қутилмас,  
Тавонодур ҳамиша ўзга бўлмас.  
Эрур ул барча оламнинг Худоси,  
Анинг йўқ ибтидоси, интиҳоси.  
Эрур ҳозир ҳамиша йўқ макони,  
Анга қилган эмас сабқат замони.  
Ўзи бешубҳадур ҳам бенамуна,  
Раво эрмас анга чуну чигуна.  
Кўнгулга кечса, кўзга тушса ҳар шай.  
Эрур андин муназзаҳ Холиқу Ҳайй.  
Удур ҳоқимки, ҳукмин ўзга этмас,  
Анинг зотига ҳеч ким ақли этмас.  
Фаришталар, набийлар етмадилар,  
Бўйун сундилару фикр етмадилар.  
Вале фикр эт Худонинг қудратиға,  
Ажойиб ишлариға санъатиға.

## АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ САККИЗ СИФОТИНИНГ БАЪНИ

Субутийдур анинг саккиз сифоти,  
Сифат зоти эмас, на ғайри зоти  
Ҳаёту илму қудрат ҳам басар, самъ,  
Иродаву калом, таквиндур, э шамъ.  
Ҳаёт улким, тирикдир ўзга бўлмас,  
Ўлар ҳар зийнафс, ҳаргиз ул ўлмас.  
Ўзининг зотидин Ҳаййдур ўшал шоҳ,  
Ва лекин жисм ила жондин муназзаҳ.  
Керакмасдур Худога ҳеч қаю шай,  
Ғанийдур барча оламдин ўшал Ҳайй.  
Эмас муҳтож ҳеч ишга Ҳақ таоло,  
Юбормағил кўнгулни шайбу боло.  
Агар мунда юборурсан кўнгулни,  
Солур шайтон кўнгулга ўзга йўлни.  
Сифотини биридур илм, ёро,  
Эрур доноий ғайбу ошкоро.  
Халойиқдин кичикдур ё улуғдур,  
Бўлубдур ҳарна иш ё бўлуғлуқдур.  
Туришдир ё юришдир, хайру шардин,

Наким текса анга нафъу зарардин.  
Кўнгулга тушса қайси ҳол пеша,  
Эмас пўшида илмидин ҳамеша.  
Билур ҳар кимда бўлса маърифатдин,  
Бири қудрат эрур саккиз сифатдин.  
Нафслик ё нафссиз, буду нобуд,  
Наким икки жаҳонда бўлса мавжуд.  
Зарардур, нафъдур ё хайру шардур,  
Яқин билгил қазо бирла қадардур.  
Халойиқнинг жамиғи феълу қавли,  
Эмас бир зарра бетақдири Мавлий.  
Ирода айлагач Халлоқи олаб,  
Ҳар ишни бўл деди, бўлди ўшал дам.  
На этса эрки бору қудрати бор,  
Қўли бирла яратти дема: зинҳор.  
Тилингни сақла мундоқ қавли баддин,  
Худовандим муназаҳдур жасаддин.  
Каломи ҳақдаким ёд айлади ёд,  
Анинг бир васфидур, э одамийзод.  
Аимма билди Қуръон маънисин туз,  
Кўнгулни қўймағил сан ҳар қаю юз.  
Басар ҳам самъ онинг васфи билошак,  
Басар маъниси кўрмак, самъ эшитмак.  
Наким мавжуд эрур дунёву динда,  
Фалакдин юқори, зери заминда.  
Эшитмак, кўрмаки бешубҳаву райб,  
Эрур бирдек ҳамиша зоҳиру ғайб.  
Эшитмак, кўрмакидур қудратидан,  
Қулоқдин, кўздин эрмас, билгил, э тан.  
Қулоқ, кўз бандага ҳожат эрур бас,  
Худо ҳеч қайсининг муҳтожи эрмас.  
Тирилсанг охиратда, э харидор,  
Худойим кўрсатур дўстларга, дийдор.  
Вале кўрмакни бечуну чунон бил,  
Жиҳатсиз бил, мислсиз бемакон бил.  
Ўшалким, билдирур бешаклигини,  
Билур ул яхши кўрсатмаклигини.  
Билур ҳар одамани бўлса эси,  
Калом эрмиш сифотининг бириси.  
Каломи ҳодис эрмасдур, қадим бил,  
Анинг айғон сўзи бекому бетил.  
Халойиқ сўзламас бекому тилсиз,

Худо муҳтож эмас ҳеч ишга ҳаргиз.  
Битилса ё ўқилса, олса эл ёд,  
Булар ҳодис эрур, эй одамизод.  
Худойимнинг каломин яхши бил боз,  
Сўзининг зотида йўқ ҳарфу овоз.  
Наким маҳлуқида бор эрса, эй шаҳ,  
Худовандим эрур андин муназаҳ.  
Сифотининг бирисидур ирода,  
Буни билган киши етгай мурода.  
Қадалса бир тикон ё тушса бир қил,  
Иродасиз эмас ҳеч иш яқин бил.  
Агар мўре қўяр ер устига по,  
Ва гар бир заррача қум бўлса бежо.  
Булардин ё кичикдур, ё зиёда,  
Эмасдур ҳеч нимарса беирода.  
Сифотининг бирин таквин демишлар,  
Худодин халқа рўзи барча ишлар.  
Яраттиким начук сизни-ю бизни,  
Тақий халқ этди бизнинг феълимизни.  
Агар чандики қўймас эркимизга,  
Берибдур ихтиёри жузъи бизга.  
Муносиб иш эрур ё номуносиб,  
Ани қилмоққа банда бўлди косиб.  
Ўшанча ихтиёри жузъидин боз,  
Топар банда жазо кўп қилса ё оз.  
На ким ризқеки, бўлса шайбу боло,  
Яротибдур ани вожиб таоло.  
Ҳаромидин вале манъ этди бизни,  
Берибдур ихтиёри жузъимизни.  
Худо рози эмас исёнимизга,  
Ризосидур анинг эҳсонимизга.  
Киши рози деса исён қилурга,  
Аимма ҳукмидур кофир бўлурга.  
Худо зулм этмади ҳеч бандаларга,  
Вале туз йўлни кўрсатти аларга.  
Ўшал халқики туз йўлдан тоярлар,  
Алар ўз жонларига зулм этарлар.  
Азоб этса бу олам ё у олам,  
Эрур бул адл, эй фарзанди одам.  
Нафассиз халқ эрур ё зий-нафасдур,  
Анинг ўз мулкидур ҳеч зулм эмасдур.  
Агар афв айласа ўз фазлидур ул,

Будур сидқинг-у ихлосинг, будур йўл.  
Етар биз омийларга бунча билсак,  
Тутиб маҳкам бўйун сунсак, эгилсак.  
Жамоат аҳли суннат тузган эрлар,  
Дедилар турфа нозикдур бу йўллар.  
Улуғ йўлни қўйиб ўлгунча, эй ёр,  
Қадам қўйма тояр ерларга зинҳор.

### ИЙМОННИНГ БАЕНИ

Худодин ҳар на келди рост билдинг,  
Тилинг бирла яна иқрор қилдинг.  
Мусулмонлиғ йўлида булду иймон,  
Муни билмас киши тонгла пушаймон.  
Яқин билғилки, иймон бўлмағай кам,  
Эрур бирдек зиёда бўлмағай ҳам.  
Бу сўздир аҳли суннатнинг тариқи,  
Жадал этди бу сўзда ҳар фариқи.  
Бўлур аммо амал зоиду нуқсон,  
Топар яхши амалдин узра инсон.  
Амал айланг ва лекин аймағайсиз,  
Амалдин доҳили жаннат бўлурмиз.  
Онинг амрин дилу жонинг билан ол,  
Амал қил ҳам ўзининг фазлига сол.  
Насиб этса, беҳишт ўз фазлидир ул,  
Амалга иттико қилмай, амал қил.  
Ғараз улким, амалга бўлма мағрур,  
Амал қилғил, амалга банда маъмур.  
Амал қилмоқдин аҳли истифода,  
Дедилар нури иймондур зиёда.  
Вагарна бўлмас иймон зоиду кам,  
Ақида булду, эй фарзанди одам.  
Амалнинг нафъи ҳам иймон биландур,  
Қачон ёлғиз амал қилгон биландур.  
Наъзу биллаҳ иймонсиз кишини,  
Қабул этмас Худойим ҳеч ишини.  
Агарчи яхшилар аъмолин этса,  
Тасаддуқ ер юзини молин этса.  
Риёзат бирла бўлса эрта-ю кеч,  
Ўшалқим сидқи йўқдур қилғони ҳеч.  
Бўлур дўзах ани охир макони,  
Кутилмас ҳаргиз андин жисму жони

Агар иймон ато қилса кишига,  
Берур ужра, онинг хўб қилмишига.  
Агар чанди кабоир қилса беҳад,  
Тамуғда қолмас иймонлиг муаббад.  
Илоҳо, осиймиз, бечорадурмиз,  
Ҳавойи нафс ила авворадурмиз.  
Қўноқмиз бир кеча дунёи ҳечда,  
На ишлар кечадур биздин бу кечда.  
Бу тунда тут бутун иймонимизни,  
Сабо қутқар тутундин жонимизни.  
Кўнгил сандуқина бир бебаҳо дурр,  
Ўзинг рост айлагил, ё Кошиф-аз-зурр.  
Ўшал дурр қасдина Шайтони бадбахт,  
Тушубдур кўб ҳавохоҳи билан сахт.  
Агар бўлсанг мани ҳолимга ҳомий,  
Тўзар гулдек адувларнинг тамоми.  
Агар сан сақласанг раҳмат йўлидин,  
Адув қул келса не келгай қўлидин.  
Яна иймонда айди аҳли таҳқиқ,  
Худодиндур ҳидоят бирла тавфиқ.  
Худонинг феъли ул махлуқ эмасдур,  
Киши ҳаргиз ани махлуқ демасдур.  
Дедилар маърифат бирла ул иқрор,  
Ўшалким бандасини феълидин бор.  
Начукким бандани халқ этди Мавлий,  
Тақий махлуқ эрур феъли ва қавли.  
Эрур бир маънида иймону ислом,  
Муни билса керак ҳар хоссу ҳар ом.  
Аимма қавлини берк ушла зинҳор,  
Жадални нафъи йўқ бўлса на даркор.

#### ФАРИШТАЛАРНИНГ БАЁНИ

Малоиклар эрурлар олами ғайб,  
Ҳама Ҳақ бандасидур бешаку райб.  
Алар фориг эрур ичмак, емакдин,  
Ёмон қилмоқ, қабоҳат сўз демакдин.  
Хотун эрмас аларнинг васфи, эр ҳам,  
Билошақват яратди шоҳи олам.  
Алар барча худонинг тоатида,  
Эмас гофил алар ҳеч соатида.  
Агарчи барчаси тоат саришта,

Муқарраб баъзидин баъзи фаришта.  
Мусулмонлар ўқур Қуръонки ҳоло,  
Эрур барча каломи Ҳақ таоло.  
Тақий пайғамбаримиздин бурун бил,  
Худовандим кутубки қилди нозил.  
Юборди ҳар қаю пайғамбарига,  
Ки иймон келтирибдурмиз барига.  
Бариси Ҳақ таолонинг каломи,  
Муни билса керак ҳар хоссу омиё.  
Каломи васфидур, эй одамийзод,  
Қилиб эрдим сифоти бобида ёд.

### ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ БАЁНИДА

Санову ҳамд қудратлиг Худога,  
Ки иймон келтирибмиз анбиёга.  
Аларнинг авваликим Одам эрди,  
Муҳаммад барчасига хотам эрди.  
Бариси тангрини суйғон қулидур,  
Бариси жаннати ризвон гулидур.  
Худонинг ҳукмини ҳар феълу сўзга,  
Набийлар қилмади бир зарра ўзга.  
Етушмас ҳеч валийлар жоларига,  
Етушмас балки хоки поларига.  
Алардур зурриёти одами хок,  
Гуноҳдин анбиёнинг барчаси пок.  
Алардин баъзи ишки қилдилар нақл,  
Қилур таъвилини Нўъмони боақл.  
Ул иш қасддан эмасдур анбиёдин,  
Аларга лағзиши подур хатодин.  
Алар қасдила ҳаргиз қилмадилар,  
Буюрғон амридин айрилмадилар.  
Бари дарёи раҳматда эди фарқ,  
Расул ила набийда бўлди бир фарқ.  
Бариси Тангридин топди хитоб ул,  
Набийга шарт эмас, аммо китоб ул.  
Расулига эрур шарт, эй неку ном,  
Вале бўлди барига ваҳйу илҳом.  
Набийдур ҳар расул онглағучи бўл.  
Ва лекин ҳар набий эрмас расул ул.  
Дедилар порайи мўъмин балоси,  
Эрур бир маънида ҳар иккалоси.



Салафким айлади лутфу иноят,  
Эрур аввалгиси машхур ривоят.  
Башар пайғамбарин Султони аъдал,  
Малак пайғамбаридин қилди афзал.  
Бу сўздир мазҳаби суннат, жамоат,  
Алар ҳар на деди қилгил итоат.  
Дедилар оммаи фарзанди одам,  
Малакнинг оммасидин фазли кўп ҳам.  
Китоби "Кофий"ким, кўп босафодур,  
Деди омма бу ерда атқийедур.  
Башарда борки чандон беамалдур,  
Баҳойимдек эрур, бал ҳам азаллдур.  
Паямбарнинг бари одилу аъдал,  
Ва лекин баъзисидин баъзи афзал.  
Савобу рутбада афзал эрур ҳол,  
Мусовийдур нубувват бирла ирсол.  
Барининг меҳтари ул мустафодур,  
Ҳабиби ҳақ, нигини анбиёдур.

#### ПАЙҒАМБАР МЕЪРОЖИН ТАСДИҚИ БАЁНИДА

Муҳаммадким, эрур афзал ва асдақ,  
Эрур бешак шаби меърож барҳақ.  
Ҳарамдин Масжиди Ақсоға ногоҳ,  
Олиб боргонидур оятда огоҳ.  
Ҳам Ақсодин самоға борди ул нур,  
Бу сўзнинг сидқиға ахбор машхур.  
Самодин юқори ҳар қайси жоға,  
Иноят айлади ул бо сахоға.  
Бариға сидқимиз, иқроримиз бор,  
Эмас ҳеч қайси иш Тангриға душвор.  
Мақоми сидраву нажму малакни,  
Беҳишту аршу курси, нўҳ фалакни,  
Агар бир кечада кўрсатса, не кам,  
Вагар бир дамда кўрсатса не шак ҳам.  
Начук ҳукм айласа қодир Худодур,  
Чарову чун демак қулдин хатодур.  
Аниқ билгин анинг меърожин, эй ёр,  
Тани бирла эди, ҳам эрди бедор.  
Ҳабибин ҳар неча қилса сарафроз,  
Худонинг раҳмати кўпдир, эмас оз.

ЧАҲОР ҒРИ ИЗОМ ВА ЖАМИЪИ САҲОБАИ  
КИРОМНИНГ БАЪНИ

Саҳобаи Набийдур барчаси ҳақ,  
Ёмон йўлда эмас ҳеч қайси мутлақ.  
Эрур ҳар қайсиси нажми ҳидоят,  
Худо халқ ўғлиға қилгон иноят.  
Беҳиштийдур алардин қатъи ўн ёр,  
Башорат берди ул султони аброр.  
Абу Бакру Умардур, сўнгра Усмон,  
Алийдур, Талхадур ҳам Абдураҳмон.  
Зубайру, Бу Убайда бўлди ихбор,  
Саиду Саъддур айгон бу ўн ёр.  
Муҳаммадким, эди ҳодийи олам,  
Башорат берди уч фарзандиға ҳам.  
Бириси Фотимадур ҳам Хатира,  
Ҳасан бирла Ҳусайн икки набира.  
Набийлар сўнгидин билгил батаҳқиқ,  
Ки инсон афзали Бу Бакр Сиддиқ.  
Ки андин сўнг Умардур, сўнгра Усмон,  
Ки андин сўнг Али бешубҳа, эй жон.  
Эрур бу тўрт умматнинг нигини,  
Шафоатхоҳимизнинг жонишини.  
Расул айди, ўгурсам дунядин юз,  
Хилофат бўлғай ўттуз йилғача туз.  
Ул ўттуз йилда шаҳ эрди у тўрт эр,  
Алар вақтида бўстон эрди ҳар ер.  
Алардин сўнгра ҳеч олиму одил,  
Қила олмас алардек адли комил.  
Ўшал тўрт эрки Аҳмад ёри эрди,  
Беҳишти маърифат гулзори эрди.  
Расулуллоҳ тариқин эртаю кеч,  
Сари мўйдек тахаллуф қилмади ҳеч.  
Начук бўлсун хилоф ул чор саъда,  
Паямбар қилди ўттуз йилға ваъда.  
Аларнинг васфини ҳеч сони йўқдур,  
Тамом айтай десам имкони йўқдур.  
Саҳобанинг бари ҳам пок диндур,  
Бариси раҳнамои роҳи диндур.  
Алардин сўнгра ҳеч ким жолариға,  
Етушмас балки хоки полариға.  
Киши бўлса набининг суҳбатида,

Гумон йўқдир аларнинг қурбатида.  
Саҳоба баъзисиким Муртазоға,  
Тахаллуф айлади ул босахоға.  
Савоб эрди ул эрларнинг муроди,  
Хато бўлди баногоҳ ижтиҳоди  
Хато қилгон билан ёзди демасмиз,  
Жамоат аҳлидин озди демасмиз.  
Аимма аҳли суннатким эдилар,  
Хатойи мужтаҳид маъфу дедилар.  
Хатоға балки топдилар савоби,  
Бу сўздир аҳли суннатнинг жавоби.  
Битибдур "Мажмаъ ул-ашёда", э шамъ,  
Хатодин балки қайтиб эрди ул жамъ

#### ШАРТИ ИМОМАТ БАЁНИ

Имомат шарт бўлди ҳар диёра,  
Ҳудуди шаръ то тургай қарора.  
Юрутгай то шариятнинг қиёмин,  
Тақий қилгай ёмонлар эҳтимомин.  
Агар чандийки султон бўлса фосиқ,  
Буюрса иш шариятга мувофиқ.  
Қилурмиз жону дил бирла итоат,  
Ўзи бўлса агарчи беқаноат.  
Эмасдур шарт имом, ул бўлса маъсум,  
Қилибдур шарт аммо шийъайи шум.  
Мусулмон, оқилу болиғ, эр инсон,  
Имомат шарти бўлди, эй мусулмон.  
Раводур иқтидо фожирға қилсанг,  
Ҳадиси Мустафодур яхши билсанг.  
Ўқусанг яхшиларни кейнида лек,  
Савоби беададур, хислати нек.  
Билурмиз барча масъи мўзани ҳақ,  
Нечукким, қилди таъйин шоҳи асдақ.

#### КАРОМАТИ АВЛИЁ БАЁНИ

Эрур барҳақ каромат авлиёдин,  
Иноятдур валийларға худодин.  
Каромат хориқи одат эрур исм,  
Бўлубдур хориқи одат неча қисм.  
Набийдин хориқи одатни таъйин,

Дедилар мўжиза, э толиби дин.  
Нубувватдин бурунни дерлар ирҳос.  
Муни билсанг керакдур, аййуҳаннос.  
Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ,  
Кароматдин бўлур бешакку ашбоҳ.  
Кўрунса бир авом муъмин ишидин,  
Маунатдур ўшал айғон кишидин.  
Агар кўрсатса мундоғ кофир инсон,  
Ул истидрож эрур монанди Шайтон.  
Вале ул орифи биллоҳ бўлса,  
Ёмон ишдан қўли кўтоҳ бўлса.  
Авомирни ҳамиша қилса ул қул,  
Тақи қилма дегонни қилмаса ул,  
Яратқон тангрини қўрқинчидин нез,  
Қаю шубҳа дегондин қилса парҳез.  
Тақий лаззат билан шаҳватга, эй ёр,  
Фуру ҳам кетмаса ул яхши кирдор.  
Бу таърифлар кишига бўлса содиқ,  
Валийдур ул ақоидга мувофиқ.  
Шариатсиз киши учса ҳавоға,  
Қўнгил берма анингдек худнамоға.  
Ҳавоға учса монанди чибиндур,  
Ани ҳодий дема Шайтони диндур.  
Шариатсиз киши гар ютса ўтни,  
Ҳаво ўртосида минса булутни.  
Қачон топқон эрур қурбат ҳидини,  
Валий билманг тақий андоқ кадини.  
Бўлубдур мундоғ ишлар кофирийдин,  
Начукким бўлди сеҳри сомирийдин.  
Эшиткил, балки Фиръавн амридин Нил,  
Қуйидин юқориға оқди беқийл.  
Муни билгилки, Ҳиндустонда ҳоло,  
Учарлар кофири санноси боло.  
Шариат ҳукмин этмай истиқомат,  
Таажжуб ишлари бўлмас каромат.  
Шариатни кишиким тутса хўб пос,  
Каромат мундин ўтмас, аййуҳаннос.  
Хилофи нафсу истикмоли тоат,  
Бўлурми андин ортиқ харқи одат.  
Киши деса валийни гайбдондур,  
Наузу биллоҳ ул сўз кўп ёмондур.  
Набий ҳам билмагай ушбу равишдин,

Магар билдирса Тангрим баъзи ишдин.  
Худонинг хоссасидур илми ғайби,  
Бу сўзни бўлмағай бир зарра райби.  
Яқин бил ғайб ишидин фолбинлар,  
Хабар берса агар ё аҳли жинлар.  
Киши чин деса ул ботил сўзини,  
Бўлиб кофир қаро қилғай юзини.  
Наъузубиллоҳ андоғ мўътақиддин,  
Худойим сақлағай бу раъйи баддин.  
Яқин билгилки, баъзи номусулмон,  
Демеш вақтики қурбат топса инсон.  
Кўторур Ҳақ шариат ҳукмин андин,  
Бўлур юзи қаро мундоғ дегондин.  
Бу ботил сўз эрур қавли малоҳид,  
Шариатга эрур ул фирқа жоҳид.  
Шариатга кишиким бўлса мункир,  
Гумон йўқдир бўлур албатта кофир.  
Киши бўлмас муқарраб анбиёдин,  
Алар безор эрур ужбу риёдин,  
Кўторилмоди ўлгунча алардин,  
Худо ҳаргиз кўтармас ўзгалардин.  
Муҳаммадким, муҳаббат кони эрди,  
Ҳабиби Ҳақ, русул султони эрди.  
Кетар вақтида андоғ бўлди ҳоли,  
Вузу айларга йўқ эрди мажоли.  
Эшитди чунки азон бобашорат,  
Деди, ё Оиша қилдир таҳорат.  
Таҳоратдин сўнг ул шоҳи улул-азм,  
Жамоатга борурға айлади жазм.  
Қадам босмай туриб кетти ўзидин,  
Арақ сайлон эди гулдек юзидин.  
Ўзига келди боз этди таҳорат,  
Яна қўптики то топқай жамоат.  
Қадам босмай туриб ул соҳиби роз,  
Ўзидин кетти дармон йўқидин боз.  
Онингдек Мустафо қўрқунчидин ул,  
Вузу қилди ўзидин кетди уч йўл.  
Нафас чиққунча то қутлуғ танидин,  
Хилоф этмоди бир қил айғонидин.  
Суюклик бандаси то бўлса маҳрам,  
Бўлур қўрқунчи ортиқ, ишрати кам.  
Агарчи анбиё бешак амондур,

Муборак диллари хавф ила қондур.  
Вале уммат агар ғавси замондур,  
Эсон кетмоғи охир даргумондур.  
Агар олам ёруса сан сабабдин,  
Қуёшдек титра доим хавфи рабдин.  
Керак олий қадамни хавфи кўпроғ,  
Буюк ердин йиқилгон қолмағай соғ.  
Улуғ тутмас кичикдек мазҳабин кенг,  
Тева тоймоғи эрмас қўй била тенг.  
Таваҳҳумлик бўлур афъоли хўбнинг,  
Сафарда хавфи кўпроқ моли кўбнинг.  
Таваҳҳумдин йироқ ғафлатли банда,  
Кетар ғусса билан ғам ухлаганда.  
Ажал албатта бирдур, ўзга бўлмас,  
Ўлар ҳар зий-нафс, ҳаргиз ул ўлмас.  
Қаю қулға ажалнинг вақти етса,  
Қутилмас ҳар нечаким ҳийла этса.  
Кейин қолмас ажал, эй ибни одам,  
Етушса соате ё илгари ҳам.  
Кишининг илгида ҳам ўлса ҳар жон,  
Ажал бирла ўлубдур ушбу инсон.  
Қаю боис билан ҳар жон ўлубдур,  
Ажалдиндир қазо андоғ бўлибдур.

#### АЗОБИ ҚАБРНИНГ БАЁНИ

Азоби қабр кофирларгадур чин,  
Қўрар гўрнинг азобин баъзи мўъмин.  
Битик кўп нусхаи машҳур ичинда,  
Келур икки фаришта гўр ичинда.  
Сўрар, кимдир Худо бирла расулинг,  
Надур дерлар, яна дининг-у йўлинг?  
Агар кирса фаришталар ғазабдин,  
Чиқар ўт бурни ҳам оғзи-ю лабдин.  
Агар ҳайбат билан қилса назора,  
Бўлур ғамгин кўнгуллар пора-пора.  
Дегай, эй одамий, булдур сенга жой,  
Жавобин бермасанг вой устига вой.  
Урарлар гурзи билан ул ики ёр,  
Эшитур инсу жиндин ўзга жондор.  
Аларнинг зарбига тоб этмағай тоғ,  
Начук тоқат қилур, бир мушт тупроқ.

Тўлар дўзах сарийдин қабр ичи дуд,  
Пушаймон анда ҳаргиз қилмағай суд.  
Иноят айласа донойи асрор,  
Кирар гўрга мулойим ул ики ёр.  
Дегайлар кирсалар хавф этма мандин,  
Сўрарлар меҳрибонлик бирла андин.  
Агар берсанг жавоби босавобе,  
Очар жаннатдин ул манзилга бобе.  
Қоронғу гўр бўлур андоқ фараҳнок,  
Жаҳоннинг шавқи ёдиндан чиқар пок.  
Кўнгилда ғусса қолмас бир чигитдек,  
Ётурсан янги уйланган йигитдек.  
Ки мундин сўнграги неъматларини,  
Худодин ўзга ким билгай барини.

#### МУНОЖОТ

Илоҳо, бандаман, бечорадурман,  
Ҳавойи нафс ила оворадурман.  
Эрурман барча нуқсонимга иқрор,  
Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор.  
Эрурман бандаларни сарнигуни,  
Тўлай ёру биродарлар забуни.  
Манингдек осий бўлғайму жаҳонда,  
Гуноҳим зоҳиримдин кўп ниҳонда.  
Нетай чун айни ақлим бизиёдур,  
Амал ҳам йўқ, агар қилсам риёдур.  
Агарчи ман ёмон қул пой то фарқ,  
Бўлибман маъсият дарёсиға фарқ.  
Вале содиқ эрурман бирлигинга,  
Таёнибман сани ғофирлигинга.  
Лаҳадга кирса бу ёлғиз ғариб бош,  
Ўгурса юз ҳама қавму қариндош.  
Таҳаййур бўлса жони ғам сиришта,  
Етушса сўрғали икки фаришта.  
Сан осон этмасанг андоғ саволи,  
Начук кечкай ғариб бандангни ҳоли.  
Деса, "ман раббук" икки абди даргоҳ,  
Тилимга жорий қилғил "раббим-Аллоҳ!"  
Агарчи осийдур, ёраб, бу банда,

Ўзинг бандам дегил раббим деганда.  
Агар сан қилмасанг қуллик отин жуд,  
Манинг қулман дегонимдин начук суд.  
Илоҳо, лутф ила мунда ва анда,  
Мани банда этиб беркит бу бандда.  
Агар чандийки гўрсиз ўлса инсон,  
Сўролур албатта бешакку нуқсон.  
Агар дарёда ўлсун ё осилсун,  
Азоб этса бани одам на билсун.  
Даранда одам ўғлин қилса хўрок,  
Гумон йўқдур сўрар қорнида, эй пок.  
Агар банда муаззаб бўлса анда,  
Қолур тўймай бу ишни ул даранда.  
Начук қилса эрур қодир у носир,  
Бу ерда бандасининг ақли қосир.  
Наким айди Худойинг ё Паямбар,  
Ани маҳкам тутиб айрилма дигар.

#### ҚИЁМАТНИНГ ҲАҚЛИГИ БАЁНИДА

Қиёмат ҳақ эрур, эй одамизод,  
Худо Қуръон ичинда қилди кўп ёд.  
Бўлур қудрат билан тупроғимиз тан,  
Кирар жон қайтадин бешубҳа, безанн.  
Танинг ҳар турли бўлгон бўлса барҳам,  
Қилур бурноғидек Халлоқи олам.  
Худо ҳеч ерда йўқни айлади бор,  
Яратса қайтадан эрмас бу душвор.  
Удур ҳоким начукким ҳукм қилди.  
Тирил дегач ҳама олам тирилди.  
Йиғар маҳшар еринда барча жонни,  
Сўрар бандасидин яхши ёмонни.  
Ҳар ишни кўп қилибдурсан ва ё оз,  
Ҳисобин ҳам тилар ул бандадин боз.  
Худо ҳар бандасига қилса осон,  
Жавобин бергуси банда ўшал он.  
Агар қаттиқ тутар банда ҳисобин,  
Ўзи билгай анга солгон азобин.  
Билур гарчи жамиъи ҳолиминизни,  
Юборур номаи аъмолиминизни.



Юборса номани раҳмат йўлидин,  
Келур нома у қулнинг ўнг қўлидин.  
Қизил юзлик бўлиб ул ҳам сарафроз,  
Севингандин қилур ул банда овоз.  
Ўқинг номани, эй турғон халойиқ,  
Келибдур нома ихлосимга лойиқ.  
Беҳишти олия бўлғай макони,  
Ғариқи раҳмати Ҳақ жисму жони.  
Агар нома келур бўлса ғазабдин,  
Келур орқосидин ё дасти чапдин.  
Қаро юзлик бўлиб, шарманда ул қул,  
Тутарлар ҳам солурлар бўйнига ғул.  
Тақи занжир этарлар гарданига,  
Тараҳҳум қилмағай ёлборганига.  
Бўлур турлик машаққатлар ҳавола,  
Қилурлар жониби дўзах кашола.  
Илоҳо, қўрқадурман ҳазратингдин,  
Умидим кўп эрур Ғаффор отингдин.  
Йиғилғонда ямону яхши банда,  
Қулингни қилмағил шарманда анда.  
Агар аъмолима солсам кўзимни,  
Сазовори алам дерман ўзумни.  
Агар алтофинга боқсам илоҳим,  
Умидим кўп, бағишлангай гуноҳим.  
Агар сан ёпмасанг, эй олими ғайб,  
Бўлур тонгла мўаййан сони йўқ айб.  
Илоҳо, мағфират муҳтожидурман,  
Санинг кенг раҳматингдан рожидурман.  
Умидлар кўп эрур андоқ шарафдин,  
Юборсанг номамизни ўнг тарафдин.  
Ҳижоби афв ёпсанг айбимизга,  
Дури раҳматни солсанг жайбимизга.  
Илоҳо, қўрқадурмиз ҳолимиздин,  
Юборма номани сўл ёнимиздин.  
Умидлик бандадурмиз ҳам ҳаросон,  
Ҳисобимизни ул кун айла осон.  
Талаттуф бирла сўргил коримизни,  
Қаро қилма ў кун рухсоримизни.  
Агарчи номуносибман, ёмонман.  
Ўзинг айдинг қулимга меҳрибман.  
Агар чандики бўлсам зишти бадқор,  
Ҳабибинг умматиман, қул отим бор.

## ТАРОЗУЙИ ҚИЁМАТНИНГ БАЁНИ

Тарозу ҳақ эрур рўзи қиёмат,  
Анинг сидқиға нозил бўлди оят.  
Билур тангри агарчи ҳолимизни,  
Тарозуға солур аъмолимизни.  
Қилур огоҳ қулин қилмишлариға,  
Этушмас ақл эгамнинг ишлариға.  
Тарозу бориға иқдоримиз бор,  
Начук эркониға не коримиз бор.  
Илоҳо, қил оғир мезонимизни,  
Саломат тут бизинг иймонимизни.

## СИРОТ КЎПРИГИ БАЁНИ

Жаҳаннам узра бир кўпрук эрур, оҳ,  
Ўшал кўпрук сирот отлиғ гузаргоҳ.  
Қиличдин тез эрур, қилдин ингичка,  
Пушаймонлар ўшал кун тушкай ичга.  
Ажаб ҳайрон бўлур фарзанди одам,  
Қадам қўйса онинг ости жаҳаннам.  
Агар қайтай деса қўймас муаккил,  
Бўлур фарзанди одам ҳоли мушкил,  
Муайян кўрсалар халқ ул табу тоб,  
Бўлур жон ваҳми бирла захралар об.  
Юраклар қон бўлиб, кўзлар тўкар ёш,  
У манзилдин қутулғайму ғариб бош?  
Фигонлар қўпқай авлоди башардин,  
Ким ўткайким йиқилғай ул гузардин.  
Иноят қилса, баъзи одамийзод,  
Ўтар андин яшиндек, баъзи чун бод.  
Ўтар баъзиси андин югрук отдак,  
Ўтар қурбиға лойиқ баъзи қар як  
Ўтар баъзи мусулмон тоя-тоя,  
Етар охир дегон ишратли жоя.  
Қадам қўйса йиқилур баъзи инсон,  
Илоҳо, айлағил ул кунни осон.  
Агар ўткармасанг андин саломат,  
Қулинг расво бўлур рўзи қиёмат.  
Билиб, тасдиқ этиб, бу кўп хатарни,  
Бу мискин қўймади исён этарни.

## МУНОЖОТ

Илоҳо, бандани соҳиб надам қил,  
Сироти шаръ уза собит қадам қил.  
Ҳидоят пирига топшир қўлимни,  
Иноят кўйиға кенг қил йўлимни.  
Маъосий лойиға тойдирма пойим,  
Беҳишти мағфиратни айла жойим.  
Агар чандийки беҳаддур гуноҳим,  
Саломат қил хатарлардин илоҳим.  
Карамлик подшоҳо, кирдикоро,  
Раҳиймо, мағфиратлик биру боро,  
Агарчи сони йўқ исён қилибмиз,  
Умид улким, сани Воҳид билибмиз.  
Илоҳо, бирлигининг ҳурматидин,  
Саломат қил у кўприк меҳнатидин.

### КАВСАР ҲАВЗИНИНГ БАЁНИ

Қиёматда Паямбар ҳавзидур ҳақ,  
Сифотин қилди таъйин шоҳи асдақ.  
Суви ул ҳавзини сутдин эрур оқ,  
Иси чун мушкдин ҳам эрди беҳроқ.  
Даме сув ичса андин ҳар мусулмон,  
Яқин бил сувсамас ҳаргиз ул инсон.  
Худовандо, насиб эткайсан андин,  
Умиди кўп эрур бандангни сандин,

### ПАЙҒАМБАРЛАР ШАҒОАТЛАРИНИНГ ҲАҚЛИГИ ҲАҚИДА

Худо изни билан ҳақдур шафоат,  
Қилурлар анбиёву аҳли тоат.  
Шафоатким мусулмонларгадур суд,  
Ва лскин бўлмағай беизни маъбуд.  
Худо изн айласа рўзи қиёмат,  
Суюклик бандаси айлар шафоат.  
Қиёмат кун ажиб шиддатли кундур,  
Анинг қаттиқлиги аз ҳад фузундир.  
У куннинг ҳайбатидин бешаку райб,  
Бўлур кўк пора-пора, тоғу туз ғайб.  
Замин автоди барча кўҳи сангин,  
Бўлур ҳақ хашмидин чун пашми рангин.

Ўшал шиддатқа ер-кўк қилмаса тоб,  
Начук тоқат қилур бир қатраи об.  
Бўлур хам ғам билан хурдони зебо,  
Далилим "яжъалул вилдона шийбо".  
Бўлур бир-бирга душман дўст дегонлар,  
Магар тақво йўлида ғам егонлар.  
Ҳаво мисдек қизир, ер ҳам темирдек,  
Ғазаб қилгон киши бўлғай кўмирдек.  
Келур найза бўйи хуршиди тобон,  
Хижолат териға ғарқ ул биёбон.  
Бўлур ўз ҳоли бирлон одамийзод,  
Келур кўнгулға қилгон ишлари ёд.  
Агар Ҳақ ёпмаса журм айлагон жой,  
Гувоҳлик бергуси, бил, даст ила пой.  
Қабоҳатлик амаллар тушса кўзга,  
Иложин ким билур ҳазратдин ўзга.  
Муҳаммадким, эрур ҳақнинг ҳабиби,  
Маосий дардининг ҳозиқ табиби.  
Белин ҳиммат қўриға боғлаб ул эр,  
Ҳама нафсим деса, ул умматим дер.  
Ҳама ўз нафсига бўлса гирифтор,  
Муҳаммад уммати мискин учун зор.  
Агар бўлса эматурғон бола гум,  
Топилгонда начук жавлон қилур умм.  
Минг андоқ онадин хўброғу беҳроқ,  
Муҳаммаддур гариб уммат учун доғ.  
Оқар дарё бўлур ул муҳтарамдин,  
Шафоат шири пистони карамдин.  
Қилур Ҳақ изни бирла ҳар тараф жўш,  
Насиб эткон у дарёдин қилур нўш,  
Насиба этмагон фарзанди одам,  
Қолур андоғ улуғ ямдин қуруғ фам.  
Киши билмас қиёмат даштида оҳ,  
Бу қулларни дегайму уммат ул шоҳ.  
Агар уммат деса хуш давлату бахт,  
Йўқ эрса осийларға иш бўлур сахт.  
Агар уммат деса нурун ало нур,  
Йўқ эрса осийларға иш бўлур зўр..  
Ўшал султонки добияк илаллоҳ,  
Ғариб уммат учун доғ эрди валлоҳ,  
Бу умматлар ажаб зишт этди ҳолин,  
Ёпар бидъат билан суннат жамолин.

Баҳойимдек иши ичмак, емакдур,  
Қуруқ тил бирла умматмиз демакдур.  
Илоҳо, лутф қил мундаву анда,  
Йиғилғонда ямону яхши банда.  
Илоҳо, лутф қил ҳасратли соат,  
Ҳабибингдин насиб эткил шафоат.  
Айирма яхшиларни орасидин,  
Йироқ этма ҳабибинг қорасидин.

#### БЕҲИШТ ВА ДЎЗАХНИНГ БАЁНИ

Эрур жаннат ва дўзах ҳоли мавжуд,  
Яроғибдур ани халқиға Маъбуд.  
Кўнгулға солма, эй ақли пиёда,  
Сигар ул икки манзил қайси жода.  
Агар амр айласа кавнайни барпой,  
Бўлур бир пистани пўчоғина жой.  
Киран дўзахға кофир қайта ўлмас,  
Азоби сахтдин ҳаргиз қутилмас.  
Ҳамиша қолмағай иймонли банда,  
Тутар охир қўлин иймони анда.  
Агар афв этса осоми кабоир,  
Дегил жойиз удур ғофиру сетир.  
Сагирадин агар тутса Худованд,  
Дегилким, эрк анингдур, эй хирадман.  
Ўзи Қодир, ўзи Ғофир Худодур,  
Қулиға ҳар на ҳукм этса раводур.  
Наузу биллоҳ истеҳлоли исён,  
Олур муъмин кишидин шамъи иймон.  
Беҳишт ичра кишиким бўлса дохил,  
Бўлур анда ҳама мақсуди ҳосил.  
Тирикдур доимо, андин сўнг ўлмас,  
Аламдин. ҳузну ғамдин зарра бўлмас.  
Ҳамиша айш ила ишратда банда,  
Кўнгилга кечмагон иззатлар анда.  
Агар жаннат билан дўзахни авсоф,  
Қилурға жамъ бўлса қоф то қоф.  
Адо бўлмас ики манзил сифоти,  
Ани яхши билур Тангримни зоти.  
Ики манзил сифотин сони бўлмас,  
Алар ақли билан ҳеч фоний бўлмас.  
Битибдур шориҳи "Аврод" они,

Ки бўлмас аршу курсий, руҳ фоний.  
Фано бўлмас деда лавҳу қалам ҳам,  
Ақийда булдур, эй фарзанди одам.

### МУНОЖОТ

Илоҳо, эътиқоди пок бирлон,  
Мани оғишта қилгил хок бирлон.  
Дилим содиқ, тилимға бўлди қойил,  
Бу сўздин қилмагил бир зарра мойил.  
Худовандо, ўзингни ҳурматингдин,  
Карийму Ғофиру Саттор отингдин.  
Бу мискинларга муъмин исм қилдинг,  
Жамоат аҳли суннат қисм қилдинг.  
Ўшал отдин айирмоғил ҳамеша,  
Агар чандийки бўлсам журм пеша.  
Малак келса жасадин олғали жон,  
Қилур Шайтони малъун қасди иймон.  
Қилурда жони ширин жисмдин нақл,  
Азиз жон аччиғидин кам бўлур ақл.  
Кўнгил шаҳбозини қилмоқ учун сайд,  
Қилур ҳар ёнда Шайтон ҳийлау кайд.  
Мадад сан қилмасанг ул дамда, ё Ҳайй  
Урар тирноғимизға ул лаъин най.  
Худовандо, тирикда, жон чиқарда,  
Лаҳадда, ҳашрда, кўприк ўтарда.  
Жамиъи ерда муъмин отимиздин,  
Ойирма сидқимизни зотимиздин.  
Ҳамиша нафс ила Шайтон каминда,  
Мани озғирмагил дунёву динда.  
Тилоким бу, аё Суббуҳу Қуддус,  
Қулингни қилмагил расво-ю маъюс.  
Худовандо, на қилдим турфа ёздим,  
Шаётин макри бирлан йўлдин оздим.  
Пушаймонман паришон ўткан ишдин,  
Баҳору тийра моҳу ёзу қишдин.  
Ёмон ишдин ҳама узвимни пок эт,  
Кўнгил мулкин мақоми дарднок эт.  
Яна шарманда қилма қайта бошдин,  
Уётлиғ қилмагил дастору пашдин.  
Муножот этди Аллоҳёр мискин,  
Қабул эткайсан. эй дорандаи дин.

Тилим узр айғали, ё Кошифи роз,  
Тилимни минг тилим қилсам эрур оз.  
Уётлиғман вале, ё Олим ас-сирр,  
Қани узр айғали юз мингидин бир.  
Эмасман туз, карам хонинда еб туз,  
Керак тузларга қўйсам ҳар қаю юз.  
Тила айдим тила ҳар матлабинг бор,  
Деди, ҳақдур ўзи донойи асрор.  
Ўшал беҳ хавф этиб борур еримдин,  
Терим хижлат била оқса теримдин.

### МУСАННИФНИНГ ОЖИЗЛИК ВА ШИКАСТАЛИК БИЛАН АЙТГАН СЎЗЛАРИ

Ўтар дунёда Аллоҳёр маъюб,  
Шунингдек, юрганингдаин ўлганинг хўб.  
Ёмон нафсинг сани ўтдек туташди,  
Гуноҳинг бора-бора ҳаддин ошди.  
Бида олмам, аё ноқобил авқот,  
Начук жонсан, начук тансан, начук зот.  
Баҳойимсан, башар, девонасан, соғ,  
Гуноҳинг олдида арзанча йўқ тоғ.  
Муханнасмусан, эр, болиғмусан, ёш,  
Юзинг қаттиқ, тилинг аччиқ, дилинг тош.  
Фийолинг номуборақ, талъатинг шум,  
Ҳумой бахтинг ўз каъбинг бида бум.  
Наким сан аҳд қилдинг бўлди ёлғон,  
Қани сандек гуноҳ остида қолғон.  
Йироқ тушдинг нағу қурбатли йўлдин,  
Юбординг риштаи тоатни қўлдин.  
Наким қилдинг жаҳонда эрта-ю кеч,  
Риё бирла ул ишни айладинг ҳеч.  
Белингни боғла маҳкам, бўлма мафлуж,  
Кўзинг оч, корвоне қилдилар кўч.  
Ётиб гафлат қаросин суртма юзга,  
Еди халқ ўз ғамини сандин ўзга.  
Мусоҳибларки ҳам аҳд эрди мунда,  
Кетарлар боқий уйга кунда-кунда.  
Кўрарсан қофилани ўтканин фош,  
Кўтармассан хатарлик уйқудин бош.  
Кўзинг олдидаги бегонаву хеш,  
Сафар рахтини боғларлар пасу пеш.

Вале сен хамри гафлатдин бўлиб кайф,  
Ўтибсан неча расволиғ билан, ҳайф.  
Улуғлардин, кичиклардин баякбор,  
Кетарлар хонаи мақсадга ночор.  
Агар сандин кичиклар тутсалар роҳ,  
Ўтурсанму ҳануз, эй ақли кўтоҳ.  
Баногоҳ корвон султони етса,  
Санго аслий ватаннинг ҳукмин этса.  
Улуғ йўлга кирарсан хоҳ-нохоҳ,  
На қилгайсан вале бетўшан роҳ.  
Ажаб йўл уқбае ҳар бир қадамда,  
Жамиъи корвоне баҳри гамда.  
Хусусан йўлда бир ваҳшатлик уй бор,  
Кирар ёлғиз бошинг ул уйга ночор.  
Айриб корвондин қўндирурлар,  
Қизил гулдек юзингни сўлдирурлар.  
Азиз жисминга неъмат хора бўлғай,  
Қаро ер остида бечора бўлғай.  
Юз авлон бирла сўз айғон чучук тил,  
Демас фармондин ортиқ биргина қил.  
Лаҳад қурти агар келса еголи,  
Қани ул дамда дармон "киш" деголи.  
Етишса сўрғали икки фаришта,  
На қилғай бандаи ҳасрат сиришта.  
Магар Тангри таоло қилғай имдод,  
Вагарна қайда етқай доду фарёд.  
Яқин билгил муни, эй бандаи зор,  
Худодин ўзга ҳеч йўқ ҳоқими кор.  
Нағу қуллуққа боғласанг белингни,  
Саноси бирла сабз этсанг тилингни.  
Лаҳаддин барча одам ўғли турса,  
Бўлиб бир корвон маҳшарга юрса.  
Ва лекин ҳар киши ўз мотаминда,  
Бўлур охирги савдоси гаминда.  
Худо қилса нидо, эй бандаи зор,  
На келтирдинг, на турлик қилмишинг бор?  
Тану терингда тотлиқ жон яратдим,  
Баҳойим қилмадим, инсон яратдим,  
Ҳамиша айладим тарбиййатингни,  
Нағу қилдинг паришон ниййатингни.  
Сани солдим мусулмонлиғ ерина,  
Қани шукр этганинг мингдин бирина.



Тамом аъзоларингни солим этдим,  
Ариг зотим билурға олим этдим.  
Сугордим оби неъматдин тишингни,  
Қани айғил манго қилғон ишингни.  
На бергайсан жавобин, эй тан орой,  
Бу ҳасратдин фиғон, эй русияҳ, вой  
Эрур бошдин оёғинг барчаси айб,  
Магар афв айлагай донандаи ғайб.  
Яна келса нидо андин билинглар,  
Ёмонлар яхшилардин айрилинглар.  
Муслмон ўғлида турфа ёмонсан,  
Ёмонлар ўртасида бегумонсан.  
Ёмонлиғни магар донандаи роз,  
Ёпиб қўшқай саодат аҳлина боз.  
Тилингда халқ аро тасбиҳу таҳлил,  
Ва лекин ботининг тазвир ила ҳил.  
Вагарна сан жаҳон расвосидурсан,  
Халойиқ ичра фитна бошидурсан.  
Тилингда халқ ичинда вазъ ила дарс,  
Ва лекин ботинингда онча йўқ тарс.  
Кўрар кўзга ажаб сўфийнамосан,  
Ниҳонда нафси итга мубталосан.  
Магар раҳмат билан донойи асрор,  
Гуноҳларингни афв этгай баякбор.  
Ўшал ғамлик кўнгилни айлади шод,  
Некулар ўртасида айлагай ёд.  
Киши то шар қилур савдоси тўшар,  
Наузу биллоҳ, улким ҳаддин ошар.  
Башар бўлсанг қўй афъоли ба шарни,  
Абас ўткармагил исно ашарни.  
Кийибсан халқ аро фақроға малбус,  
Ва лекин ботинингда нангту номус.  
Ё нар, хунсомусан қавлингда ёнар,  
Уҳудинг нахли ҳаргиз бермади бар.  
Ёшинг еткон сари феълинг сани ёш,  
Кўзинг ёши қани, эй мағзи йўқ бош?!  
Қаноат маъданига оч кўзинг, оч,  
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин қоч.  
Сочилмасдин бурун сочгил ўзингни,  
Сўралмасдин бурун сўргил ўзингни.  
Қазилмай ер санга қайт озгонингдин,  
Ёзилмай уқдалар, ён ёзгонингдин.

Бақодир дема айши бебақони,  
Ёқони тут, ажал тутмай, ёқони.  
Макон этган ерингдур мухталит лой,  
Насиҳат гўша олсанг гўша қил жой.  
Ёниб айшу тарабдин иста рабдин,  
Ўзин билгон қачон қолғай талабдин.

#### МУСАННИФ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ВАСИЯТЛАРИ

Ман ўлсам, эй жамиъи маҳрами роз,  
Мани ўзга ўликдек қилманг эъзоз.  
Хасу хор устига ташлаб тутинг хор,  
Қилинг мандин баҳойим жисмидек ор.  
Бўсоға устига ташлаб танимни,  
Кафан айланг чирик пийроҳанимни.  
Манго ҳайф, этмангизлар тутмагон бўз,  
Агар чандийки мардум қилсалар сўз.  
Юборинг тез боротургон йўлимга,  
Мабодо қолмағайсиз шумлуҳимга.  
Кўзингиздин чиқорманг қатраи ёш,  
Жанозам орқасидин отингиз тош.  
Оёғимдин тутиб судранг лаҳадга,  
На учун қилмадим қуллик аҳадга.  
Агар чандийки ман бўлсам гуноҳкор,  
Дуоу зорийға сизлар бўлинг ёр.  
Дейингиз, парвардигоро, кирдикоро,  
Раҳиймо, мағрифатлик биру боро.  
Олиб келдик санго қочқон қулингни,  
Хатолар бобини очғон қулингни.  
Келибдур, ҳийласи йўқдур кетарга,  
Тили йўқдир бу қулни узр этарга.  
Гуноҳи кўп, боқар рухсораси йўқ,  
Бўйин сунмоқдин ўзга чораси йўқ.  
Агар берсанг жазо қодир Худосан,  
Вагар афв айласанг сан подишосан.  
Илоҳо барча отинг ҳурматидин,  
Ариг зотинг, сифотинг ҳурматидин.  
Бу қочғон бандага қилғил тараҳҳум,  
Вагарча қилди қуллик риштасин гум.  
Муҳаммад отли дўстинг ҳурматидин,  
Насиб эт охиратнинг роҳатидин.  
Ҳама ўтган расулнинг ҳурматидин,

Жамиъи яхши қуллар ҳурматидин.  
Агар чандийки бандангдур бад афъол,  
Раҳи исёна савби мағфират сол.  
Муҳаббат аҳлининг асрори учун,  
Раҳи харду дили хунбори учун,  
Ғазот қилгон эронлар жони учун,  
Шаҳидларнинг муборак қони учун,  
Улуғларнинг сақоли оқи учун,  
Йигитларнинг дили муштоқи учун,  
Ажузларнинг оқаргон боши учун,  
Етимларнинг кўзининг ёши учун,  
Шикаста беваларнинг дарди учун,  
Асир халқининг оқи сарди учун.  
Агар чандики йўқ илгимда ҳеч шай,  
Бу қочқон қулни расво қилма, ё Ҳайй.  
На бўлғай бу дуолардин Худойим,  
Бу қочқон бандага ўтқай жароим.

#### ҲАР БИР ИШДА БИР ЕТУК УСТОЗ ИСТАМАКНИНГ БАЁНИ

Кел, эй толиб, бу дундин юз ўгирсанг,  
Тариққ каъбаи мақсуда юрсанг.  
Қадам қўйсанг агар бул водийға,  
Қўлингни топшир аввал ҳодийға.  
Ажаб йўлдир анинг поёни йўқдир,  
Хатарлик ерларини сони йўқдир.  
Талаб қилгон ўшал роҳи адамда,  
Ҳалокат чоҳидур ҳар бир қадамда.  
Ажаб йўлдир тамоми меҳнату ранж,  
Ва лекин ҳар қаришда бир ниҳон ганж.  
Ўшал ганжи ниҳон ётқон заминда,  
Муҳайёдур қароқчилар каминда.  
Агар бўлмоса йўл бошлоғучи пир,  
Солур бўйнга Шайтон доми тазвир.  
Агар бўлмоса бир соҳиб каромат,  
Эмас мумкин киши етгай саломат.  
Қачон ҳар пир билур қутлуғ йўлингни,  
Таниб эр яхшисин топшир қўлингни.  
Ўшал пирики эрнинг эри бўлғай,  
Тариқат пешасининг шери бўлғай.  
Тахаллуф қилмаса ҳеч шаръ ишидин,  
Тамаълик бўлмаса ҳаргиз кишидин.

Олиб қўлга чароғи илми зоҳир,  
Улуми ботинида бўлса моҳир.  
Фано бўлса тану жондин тўлойдин,  
Қутилса мосиводин, лутфи Ҳаййдин.  
Қаю эрмиш фано бўлгон нишони,  
Такаббур бўлмаса миқдори дони.  
Киши ўз нафсини гар билмаса пок,  
Бўлиб қуллуқда айтса "мо абаднок".  
Агарчи бўлмаса фориг ишидин,  
Ўзин кам тутса ҳар мўмин кишидин.  
Эшитмоса киши ҳеч ман дегонин,  
Ўзи ҳам билмаса фоний эконин.  
Ўзи айтса фано бўлдум, эмасдур.  
Фано бўлгон киши ҳаргиз демасдур.  
Ўзининг бошини сотса ўзи қул,  
Қачон оқил киши бергай анга пул.  
Агар рў берса ҳам баъзи макошиф,  
Ишонмасдур анга ҳеч марди ориф.  
Агар кўргон билан ўздин кетибдур,  
Етибсан деб анга Шайтон этибдур.  
Бу кунни туш била туш қилма анжом,  
Баён қилмак била қолгонини шом.  
Агарким бўлса кўрмакдин махофат,  
Етар ахшом сабо бу тушдин офат.  
Ўзин айгон киши албаттадур хом,  
Вилоят тахтига босқон эмас гом.  
Агарчи ҳар кеча кўк бўлса тавфи,  
Бурунғийдин зиёда бўлса хавфи.  
Мабодо фирраи тушса кўнгулга,  
Бу фирра бошласа офатли йўлга.  
Бўлур ҳолатлик эр албатта хомуш,  
Агар етмоса май ҳеч қилмағай жўш.  
Кўтармас ун вилоятлик хирадманд,  
Садо чиқмас у найдин боғласа қанд.  
Демак ҳар кимга асрори ҳақойиқ,  
Агар топилса ганж ихфоси лойиқ.  
Киши учқон билан сўйи самовот,  
Таварруъ қилмайин бўлмас камолот.  
Валий улдур чиқарса мосивони,  
Ҳаводиндур талаб қилмоқ ҳавони.  
Набий табъиййатидур риштаи ҳубб,  
Вараъ қилмоқ камолоту тақарруб.

Агар филдек эрур, манҳий вагар қил,  
Вараъ асҳоби айтурлар ҳазар қил.  
Агарчи кўп эрур жуду сужуди,  
Кўринмас заррача ориф вужуди.  
Агарчи зоҳиру ботин деса дарс,  
Сақар олдида тургондек қилур тарс.  
Расулуллоҳнинг амрин қўйма зинҳор,  
Шаётин шатталар айрилсанг, эй ёр.  
Набийнинг амрига қилсанг итоат,  
Саодатдур, саодатдур, саодат.  
Гадойи кўчаи даргоҳи бўлсанг,  
Умиддур мулки дилни шоҳи бўлсанг.  
Киши қилса хилофи ҳукми шаръий,  
Ани жинни дегил ё марди саръий.  
Агар сув устида юрса ўшал кас,  
Дегил чандон бўлур сув устида хас.  
Ҳавога учса гар монанди жиндур,  
Ани ҳодий дема шайтонидиндур.  
Кўран ортиқ эмасдур, кўрмагон кам,  
Ким атқо бўлса индаллоҳи акрам.  
Керак тобиъга матбуъи мукаммил,  
Улуғ тандин бўлур пайдо улуғ зилл.  
Керак кўп толиб ичра бир неку рой,  
Ёритмас мунча юлдуз бўлмаса ой.  
Улувв ҳиммат йигитларга керак пир,  
Камонсиз учмагай кўп бўлса ҳам тир.  
Ўшал жундийки харб олотин осар,  
Агар босар юруса ёвни босар.  
Соғайтар телбани пири забардаст,  
Қуюннинг шўришин дарё этар паст.  
Тушиб шоҳ илгина бози қочар боз,  
Бўлур зоғларга бози, эй сарафроз.  
Бу таърифларга содиқ бўлса райинг,  
Ва лекин бўлмаса равшан замиринг.  
Эрур нуқсон ўзингдин, кўрма кимдин,  
Бўлур саъй албатта мўмин дегондин.  
Расул фармонидан қилсанг тахаллуф,  
Таассуфдур, таассуфдур, таассуф.

Кел, эй соқий, икавлон айлали шурб,  
Ўшал шурбикки халқ андин топар қурб.  
Шаробе берки дил андин бўлур саҳв,  
Қилур бир муддаодин ўзгани маҳв.  
Агар фағфури Чиндур, қайсари Рум,  
Муҳаббат жомидин топса киши баҳр,  
Муҳаббат аҳлини олдида маъдум.  
На қилсун мулки моли Мовароуннаҳр.  
Кўнгил мулкига бир олий сифатдур,  
Муҳаббат ганжи боғи маърифатдур  
Ризойи ҳазрати маъбуд ўшанда,  
Жамиъи истагон мақсуд ўшанда.  
Анингдек мулкни султони бўлсанг,  
На ҳожат ер юзини хони бўлсанг.  
Агар ҳардалча бўлса меҳри агёр,  
Бўлур ботин кўзинг маҳжуби асрор.  
Начукким заррача хас тушса кўзга,  
Қилур албатта кўрмакликни ўзга.

ҚАЗОҒА РОЗИ ВА БАЛОҒА САБРЛИ БЎЛМОҚНИНГ БАЁНИ

Кел, эй соқий, муҳаббат жомидин май,  
Харидор илгина бергил паёнай.  
Харидор ул эрур жуз ниййати фард,  
Кўнгил кўйлокина юқтирмагай гард.  
Қаю ҳолатда бўлса эрта-ю кеч,  
Хилофи ҳукми маҳбуб этмагай ҳеч.  
Бу йўлнинг барчасин тай қилғон эрлар,  
Ризо бермак мақом аълоси дерлар.  
Агар бошида юрса осие санг,  
Ризо жўянда ҳаргиз бўлмагай танг.  
Агар ҳар кунда ичса заҳр аёгин,  
Суюклик бандаси чатмас қабогин.  
Кишиким розилик номинда бўлса,  
Қилур шукр аждаҳо коминда бўлса.  
Ризо айвонида топқон киши жо,  
Демас во боби офат бўлса ҳам во.  
Агар мағзи дилинг айрилса то пўст,  
Йиғини йиғ агар чин қулсан, э дўст.  
Сўлар ғам тушса ҳам озода эрга,

Ўчар ўт тушса чандин холи ерга.  
Худо амрига оқил ғам емасдур.  
Демас гардун қилур гар дун эмасдур,  
Анинг ҳукмига ҳар ким бўлса мамнун,  
Кўтармас ун агар бошин қилур ун.  
Бу тоққа сурсалар ташлаб у тоғдин,  
Санодин ўзга чиқмас ақли соғдин.  
Агар киндур вагар минг қилсалар қийн,  
Қачон тушкай чин эрни кўнглина чин.  
Қаю ҳолат билан жон бўлса танда,  
Бўлар шокир ҳамиша рози банда.  
Улуғ йўлдин адашқон неча беақл,  
Қилур эрлардин ул ёлғончилар нақл.  
Кишиким ошиқи дийдори ҳақдур,  
Муҳаббат аҳли бирлан ҳам сабақдур.  
На ҳожат ўзгача тоатлар андин,  
Бўлур юзи қаро мундоғ дегондин.  
Буюрғониға ҳар ким бўлса мункир,  
Гумон йўқдур бўлур албатта кофир.  
Ўшал халқики кўп беақл эмишлар,  
Худонинг душманин ошиқ демишлар.  
Дилу жон бирла бўлгон ошиқи зор,  
Хилофи ҳукм қилмас зарраи кор.  
Буюрғон ишларин шоди-ю ғамда,  
Қилур бирдек фароғатда, аламда.  
Агар тўлдирсалар ерни юзини,  
Қизил тилло билан солмас кўзини.  
Бало ўқи қадалса урмағай оҳ,  
Қилич бошиға келса бузмағай роҳ.  
Кишиким қилса ошиқликни лофин,  
Қилурму ҳеч маъшуқин хилофин.  
Мусулмонени юз чўп урди бир дун,  
Ўшал озодадин ҳеч чиқмади ун.  
Деди бир нозире қўб ҳокима бор,  
Бу айди ҳокимим ҳозирдур, эй ёр.  
Тану жон барчаси амлоки рабдур,  
Мақосид истамак биздин ажабдур.

ТОЛИБИ ҲАҚ УЛДУРКИ ЖАҲОН САВДОСИДИН МОСИВО БЎЛСА

Кел, э кўнгил, жаҳон савдосидин кеч,  
Қадам ғам кишварьяна урмағил ҳеч.

Жасад қолмасдин илгори нафасдин,  
Ҳаво кўп қилмағил кечгил ҳавасдин.  
Дари тавба очиқда иста мақсуд,  
Иш ўткон сўнг пушаймондин начук суд.  
Эгил тезроқ худонинг тоатиға,  
Кейин қўйма бу дами соатиға.  
Йигитликда ажаб хуш, хавфу зори,  
Ёғинлик келса хўб йилни баҳори.  
Кўзидин ёш агар қўрқиб тўкар ёш,  
Дури раҳмат бўлур ҳар ёшиға чош.  
Мабодо тавба қилмасдин бурунроғ,  
Ажал келса кетарсан тавбасиз доғ.  
Ўлимни доимо ёнингда билғил,  
Анинг илгин гирибонингда билғил.  
Ўлимнинг соқийсин пешонада бил,  
Лабингни доимо паймонада бил.  
Ажал тортиб турибди ёй билан ўқ,  
Ёшунур ер, қочар дармонимиз йўқ.  
Кўторибдур қилич бизға солурға,  
Киши билмас қўярми дам олурға.  
Билурсан, йўқ бу дунёнинг баҳоси,  
Қадам қўйгон еринг жарнинг яқоси.  
Таажуб мундин ўтмас жар лабинда,  
Баний одам ҳануз ўз матлабинда.  
Қадам дарё юзинда рўйи хасда,  
Ҳануз авлоди одам минг ҳавасда.  
Саҳар бўлса нидо айлар фаришта,  
Эшит, эй одамий, гафлат сиришта.  
Сани халқ айлогон султони ғолиб,  
Ҳамиша бандасидин тавба толиб,  
Эгамнинг мағфират дарёсидур жўш,  
Ажабдур бандасидин гафлат оғуш.  
Эгамдин лутфу раҳмат бобин очмоқ,  
Ажабдур бандасидин мунча қочмоқ,  
Ётурсан табакай эмди уйонғил,  
Дилу жонинг билан ҳазратға ёнғил,  
Наким қилмишларингдин тавба қилғил,  
Бошингни кўп юқори қилма эгилғил.  
Агар ер юзини султони бўлдинг,  
Ўлим чанголига охир тутилдинг.  
Агар топсанг ҳаёти ҳазрати Нуҳ,  
Қилур бир кун ўлим жонингни мажруҳ.



Агар топсанг ҳаёти Хизру Илёс,  
Кетарсан бу жаҳондин аййуҳаннос.  
Агар топсанг тирикликни ду бора,  
Санга йўқдур ўлумдин ўзга чора.  
Надур тавба демоқ, ёнмоқ гуноҳдин,  
Тузук йўлга юрумак ўзга роҳдин.  
Худо даргоҳида чун айладинг аҳд,  
Ани синдурмағил нафс айласа жаҳд.  
Агар тавба демак чиқди тилиндин,  
На суд ул бўлмаса жону дилиндин.  
Дилу жон бирла қилғоннинг нишони,  
Яна қилмоса тавба қилғон они.  
Агар чин ёнасан тирмаш бу ёна,  
Таҳи поёнадур айрилма ёна.  
Надам нурун кўлгиндинқилма ғойиб,  
Агар тоиб эрурсан кетма тойиб.  
Улар бир аҳд ила бир хайли бўлса,  
Агар чандики ишрат майли бўлса.  
Кўнгил тасдиқи решадур, амал шох,  
Улуғи тавбадур синдурма густох.  
Синиқ шох зарби бирла захм олиб асл,  
Мабодо қилмағай хушк охири фасл.  
Жарима чирки бирла зоҳиру сирр,  
Бўлибсан кир надам дарёсиға кир.

### ҲИКОЯТИ РОБИЪА

Эшитгил Робиъанинг ашкин, эй шоҳ,  
Бировнинг чодирига гомди ногоҳ.  
Деди, юв чодирингни, эй қариндош,  
Қизил қондир кўзимдин сочрагон ёш.  
Ўғлиғ осиядин, эй гузийда,  
Бўлибдур қона табдил обидийда.  
Агарчи Робиъадур маръа биззот,  
Эронлар қўйдилар тожур-рижол от.  
Ўзин судраб ҳарамға жони бирлон,  
Етишди етти йилда ёни бирлон.  
Анинг шаъниндаги касбу камолот,  
Ададиндур берун азвоқи ҳолот.  
Мунингдек йиғласа андоғ неку рой,

Бизингдек русияҳнинг ҳолига вой.  
Ҳамиша завқимиз айшу кулишга,  
Етишмас эрта қилғон тавба тушга.  
Илоҳо, лутф қил ман мубталоға,  
Тушибдурман биёбони балоға.  
Ётибман юз тубан иссиғда сувсоб,  
Киши йўқдур томизгай қатраи об.  
Қуриб қоним етибдур лабга жоним,  
Тушибдур ерга оғзимдин забоним.  
Базийёт аҳли атрофимдадур пур,  
Умидликман ҳануз ё кошиф аз-зурр.  
Карам баҳридин, эй султони ваҳҳоб,  
Ато қилсанг манго бир журъан об.  
Саодат қувватин қилсанг иноят,  
Рафиқим бўлса тавфиқу ҳидоят.  
Бериб синмас асои тавба қўлга,  
Талаб дарди билан солсанг бу йўлга.  
Таварруъ зоди бўлса қўйнимизда,  
Убудийят таноби бўйнимизда.  
Юругуб яхшилар кезгон субулни,  
Ризо мулкига кўндирсанг бу қулни.  
Мунингдек ишлар, эй донои асрор,  
Санго осон эрур гар бизга душвор.  
Кўторибман умид бирлон билакни,  
Худовандо қабул этгил тилакни.  
Эрур жовиун лутфинг баҳридур жўш,  
Эрурбиз чун хатогар, сан хато пўш,  
Агарчи барча ишим бўлди маъюб,  
Ман айбимни лутфинг ёптоғи хўб.

#### КАМТАРИНЛИК ҲАҚИДА МАВЪИЗА

Кел, э нафс, очмағил кўз ҳар қаёна,  
Йўқ эрмиш эътимод ушбу замона.  
Муяссар бўлса тиллодин санга тахт,  
Ўзингдин пастга зинҳор аймағил сахт.  
Агар берса жаҳон султонлиғи даст,  
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.  
Агар рутбанг эрур аълои офоқ,  
Йиқилғон хасталарнинг ҳолига боқ.

Бу рифъат бирла кўкни кўр ҳамиша,  
Юзидур ер сари, эй яхши пеша.  
Агар чандики ўрнинг бўлса афлок,  
Қуёшдек ўп туриб рухсорай хок.  
Агар дунёда бўлса зўр бозу,  
Вале анда қуруғлугдур тарозу.  
Тараф мўри-ю санда қуввати фил,  
Мусулмонлиғда анда марҳамат қил.  
Агарча ул аёғ остидадур хор,  
Худо махлуқидур оғритма зинҳор.  
Такаббур қилмағил, эй бемаъоний,  
Фулоний ўғлидурман деб фулоний.  
Агар олдингдаги кул бўлса волий,  
Кўнгилни гийнасиндин айла холий.  
Бурунги ҳолиға қилма назора,  
Ани Тангрим азиз этса на чора.  
Ишонма отаға қолма талабдин,  
Сўролмасдур қиёматда насабдин.  
Ҳасаб фақви насабдур, эй неку ҳол,  
Ипақдин ўткарур хўб ишлаган шол.  
Қароча ўғли хўжа ўғлидин кам,  
Муъаллам бўлса саййиддин ўтар ҳам.  
Агар соҳиб насаб туздур ишига,  
На сўздир икки хислатлик кишига.  
Агар қилсанг сафар дорул ҳаёта,  
Хўб ота бор дема, тормаш хўб ота.  
Агарчи Нуҳ эди ҳодийи инсон,  
Туғубдур андоғ эрдин номусулмон.  
Агарчи Нуҳ ўғлин арзин этти,  
Худодин "Лайса мин аҳлик" эшитти.  
Абу Толибки аммдир мустафоға,  
Ота эрди Алийул-муртазоға.  
Кичикдин мустафоға эрди мушфиқ,  
Ва лекин бўлмади динда мувофиқ.  
Диёнатсиз ўшалким бўлди нобуд,  
Паямбар шафқати ҳам қилмади суд.  
Анинг ҳукмидадур идбору иқбол,  
Тикондин гул чиқорди, заҳрдин бол.  
Халилуллоҳ эдилар Озар ўғли,  
Тақи Лути набийдур Ҳозар ўғли.  
Ҳасуд этган киши дуну дағалдур,  
Бу бир сўз халқ аро эски масалдур.

Чироғийники ҳақ ёндирди ҳўйди,  
Ани ким пуф деди саққоли куйди.  
Худонинг сунъидин кўрдинг карашма,  
Бир эски ердин оқти янги чашма.  
Ани банд эткали олди биров бел,  
Муни ғарқ айлади ногоҳ келиб сел.  
Агар торий қиши зулм этса тортар,  
Вале мазлум дегонни ажри ортар.  
Мусулмонийга бўлма ҳеч мукобир,  
Борур жо бир эрур, эй нафси жобир,  
Тушурма нафъи йўқ ранжиш миёна,  
Сани элтур зиёна тозиёна.  
Тирик юргунча золим ўлгани ҳўб,  
Гуноҳдин ҳар неча кам бўлғони ҳўб.

### ҲИКОЯТИ ҲАЖЖОЖ

Мусулмонегга бир кун айди Ҳажжож,  
Дуойи хайр учун бизга қўлинг оч.  
Дуога қўл кўтарди ул неку ҳол,  
Деди, ё раб, бу золим жонини ол.  
Деди, Ҳажжож ўшал марди Худога,  
Тилинг борди начук бундоғ дуога.  
Деди, Ҳажжожга ул марди неку сайр,  
Санга ҳам барча мўъминларгадур хайр.  
Гуноҳинг кам бўлур ўлсанг агар тез,  
Кетар зулминг аларни бошидин тез.

### ТАМАЪДИН ТИЙИЛИШ ҲАҚИДА

Кел, э озода, бўл ҳиммат билан ёр,  
Тамаъ зиндонига бўлма гирифтор.  
Бир игна бўлмаса дунё ишидин,  
Қил истиғно, тамаъ қилма кишидин.  
Худойинг ҳарна берса қил қаноат,  
Кўнгилни қилма миннатдин жароҳат.  
Югурсанг кунда бир кавдий учун чанд,  
Бухоро ўлкасидин то Самарқанд.  
Бадахшондин кўтарсанг юз сари тош,  
Баҳоси Балх ичинда бўлса бир мош.

Агар боши билан чоҳ қазса банда,  
Кўзини ёшича сув топса анда.  
Вагар қазса ариқ киприк била мард,  
Анга бир хўшае жў қилса парвард.  
Бу меҳнат бирла топсанг парчаи нон,  
Кишини миннатидин улдур осон.  
Қидиргон бирла ризқинг қадрин тошмас,  
Кетар қадринг қадардин ҳаргиз ошмас.  
Таваккул ганжидин, эй юз ўғиргон,  
Буюргонга мухолифдур бу юргон.  
Оло бўлгон оло юргондин ортиқ,  
Кўмилгон термулиб тургондин ортиқ.  
Агар тош чайнаса элдин чиқиб тош,  
Кишига элмагай ҳимматли қул бош.  
Тамаъ нониға лаб очқунча ўл оч,  
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин қоч.  
Агар қарни бирор тўймаса қарни,  
Кишига айтмагай эр банда сирни.  
Тамаълик сийлади беҳдур силингон,  
Тилангондин эрур ортиқ тилингон.  
Тамаъ қилма топарга зар нигорин,  
Бу зар меҳри бузар динни ҳисорин.  
Кишини матлаби сим бўлса ё зар,  
Халилни отаси ҳам бўлса Озар.  
Мусоҳиб билмагил дунё хасимин,  
Насийми маърифат иста на симин.  
Эмаклар тушса кетса эт билан пўст,  
Тамаъ қилма кишидин тўша, эй дўст.  
Ғараз дунё бўлиб, эй одамийзод,  
Азиз умрингни ҳаргиз қилма барбод.  
Кишини хизматида боғласанг қўл,  
Жиловида югурсанг бир қадам йўл.  
Бу юргандин фано кечконинг ортиқ,  
Бу неъматдин заққум ичконинг ортиқ,  
Ва лекин текса хос эрнинг жилови,  
Саодатдур дилинги дардига дори.  
Алингдек эрни даргоҳингда қиш-ёз,  
Азиз умрингни ўтқарсанг эрур оз.  
Ўшал эрни эриким бериёдур,  
Қадам тупроғи кўзга тўтиёдур.  
Анингдек бандани бўлсанг гадоси,  
На давлатдур Худойимнинг ризоси.

Анинг парвонасидур хирмани зар,  
Дами сувдур ул эрдин мушку анбар.  
Соадатлик киши ул ҳақ раҳинда,  
Билур йўлбошчисининг даргаҳинда.  
На расво пир эрур нафси учун хор,  
Муриди эшикида юрса ул зор.  
Ҳаё йўқ, шарм йўқ ҳаргиз аларда,  
Битиклик ҳодийлардин нусхаларда.  
Кеча-кундузга кимнинг қути етса,  
Ҳаром эрмиш ўзини соил этса.  
Набий айди қиёмат бўлса, эй дўст,  
Тамаъликни юзида бўлмағай пўст.  
Билай десанг бу сўзни иста "Мишкот",  
Тамаъ бирла кечирғон ҳайф авқот.

### ҲИКОЯТИ САВБОН

Ажаб мард эрди Савбон атқиёда,  
Ул отлиқ эрди бир кун, эл пиёда.  
Қўлидин ерга қамчи тушди ногоҳ,  
Тушиб олди ўзи ул марди огоҳ.  
Ёронлар айди ул покиза хулқға,  
На бўлғай эрди амр этсанг бу халқға.  
Деди, Савбон, тамаъдин бўлмағай деб,  
Олиб бергил демакни кўрмадим эб.

### ЁМОНЛАР СУҲБАТИДИН ҚОЧИБ, ЯХШИЛАР СУҲБАТИНДА БЎЛМОҚНИНГ БАЁНИ

Кел, эй толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Муҳаббатсиз кишидин қуш бўлиб қоч.  
Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлғил,  
Ўшалким учради қурбони бўлғил.  
Кишининг кўнгликим бегона бўлса,  
Эрур душман агар ҳамхона бўлса.  
Муҳаббатсизки, бўлди ҳар қаю зот,  
Агар фарзанди шириндур эрур ёт.  
Муҳаббат бўлмаса ҳар кимда, эй хайр,

Отанг бўлса эрур бегонау ғайр.  
Ақориб юрмаса кўнгли ақориб,  
Қўлингдин келса ҳеч ўлтирма бориб.  
Агар бегонаенинг доғи бўлса,  
Анга сарф эт кўзингни ёғи бўлса.  
Жигарбандинг юрокинг гўшасидур,  
Анинг меҳри қиймат тўшасидур.  
Анингдек ёр ила чун айладинг аҳд,  
Ичурса заҳр ани билмак керак шаҳд.  
Тилоса бўркни бермак керак бош,  
Агар жон истаса қайтармағил қош.  
Агар бўлсин десанг енгил оғирлар,  
Чиқиб бир ёна топ бирён бағирлар.  
Қилур суҳбат асар эй толиби роҳ,  
Мунингдек жорий бўлди одатуллоҳ.  
Наким туз конига тушса бўлур туз,  
Ки андин ўтса неча кеча-кундуз.  
Агар чандики ноқобиллигинг бор,  
Некулар жамъидин айрилма зинҳор.  
Агар чиқса йипакнинг жамъидин лос,  
Бўлур ғарқи сиёҳи аййуҳаннос.  
Ўзин қилса қаю мис нуқраға замм,  
Қўяр мис отини халқ ўғли дирҳам.  
Олур суҳбатда бир-бирдин киши баҳр,  
Агар кўп чашма бир бўлса бўлур наҳр.  
Жамоатдин ўзингни қилма мумтоз,  
Чопар кўп тўпдин айрилгон қуша боз.  
Галага бўри чопса, эй фулоний,  
Қаю айрилса ул ҳам тишлар они.  
Юрусанг'якка дев бошингни янчар,  
Қароқчи тўпдин айрилгонни санчар.  
Худонинг раҳмати бўлса жамоат,  
Эрур раҳматдин айрилгон шамоат.  
На ул жамъийки ғафлат аҳли бўлғай,  
Баҳомийдин зиёда жаҳли бўлғай.  
Аларнинг суҳбатин бил заҳри қаттол,  
Бузар кўб суҳбатини бир бад афъол.  
Керак суҳбат' эли бир тану бир ранг,  
Барас бар рўйи нохун бўлса ҳам нанг.  
Агар келса музирр нафрат қил ондин,  
Йилондин не зарар кўрсанг ел ондин.

## ҲИКОЯТИ ДЕВ

Деди бир деви ҳосид ёна бирга,  
Бориб кайдо эт фалон фоҳишли ерга.  
Деди, ул фирқадин фориг бўл, эй ёр,  
Алардур бир-бирига раҳбари нор.  
Билибдур зоҳирий душманларин дўст,  
Эмас ҳожатки кирсанг раг била пўст.

## ДУНЁДИН ТАЖАРРУД БЎЛМОҚЛИК ҲАҚИДА

Кел, э солик, ўзингни йўлга солдинг,  
Улуғ ҳиммат асосин қўлга олдинг.  
Агар қолмай десанг киргон йўлингдин,  
Тажарруд давлатин берма қўлингдин.  
Кейинга боқмағудек бўлса банда,  
Етар мақсудига тез излаганда.  
Агар боқсанг кейин бу тоғу чўлда,  
Мабодо қолмағайсан ўрта йўлда.  
Машаққат бўлмаса сунгон бўйинда,  
Беҳ андин бўлғони ернинг кўйинда.  
Ибодат бандани манзури бўлса,  
Беҳ ул эрни уйда чўри бўлса.  
Ва лекин этмаса шаҳват жудолиғ,  
Кўнглига тушса қасди кадхудолиғ.  
Диёнат иста, гўдакни талаб қил,  
Агар топилмаса кунжида хаб қил.  
Агар зангий бачадур кўзлари кўр,  
У ким мастура бўлса бил ани ҳур.  
Агар чандики бўлса банда зода,  
Ани соҳиб насабдин кўр зиёда.  
Тили нек ўзининг шарму ҳаёси,  
Юзининг оқидур. эрнинг ризоси.  
Ўшал хотунки номаҳрам назардур,  
Агар шамсу қамардур мочахардур.  
Агар чандики бузрукзодадур ул,  
Яқин бил тўрт оёқлик модадур ул.  
Ўшал хотунки ёширмас юзини,  
Ки номаҳрамга кўрсотур ўзини.  
Ани манъ этмас эрдур беҳамият,  
"Хулоса"да эрур мундоғ савият.



Бағайрат эр эрур рози қазоға,  
Юбормас хотунин тўйу азоға.  
Бўлур рози қаро ерга тиқарға,  
Қачон рози бўлур уйдин чиқарға.  
Ғараз, эй бандалар, нозир бўлинглар,  
Ёмон йўл фарқиға ҳозир бўлинглар.  
Баний одамда бордур бир фарийқа,  
Тутарлар ўзларин аҳли тарийқа.  
Алар шаръи набийнинг душманидур,  
Аларнинг оти яъни "Равшаний" дур.  
Алар ўзлориға ориф қўйиб от,  
Ўқирлар омиларға яхши абёт.  
Ва лекин айтишур беҳуда маъни,  
Ўзини йўлиға солмоққа яъни.  
Аларда бўлмағай ҳеч яхши нийят,  
Аёлу аҳлида бўлмас ҳамият.  
Жамиъи жониворлар тушса кўзга,  
Ҳамиятлик бўлур тўнғиздин ўзга.  
Аларнинг феълидур тўнғизга ўхшаш,  
Шариъат мункиридур оғзиға тош.  
Аларнинг феълини ким яхши билди,  
Бўлиб кофир яна ўтқа йиқилди.  
Бўлибдур ҳам тақи бир фирқа пайдо,  
Оти мўъмин, вале нафсиға шайдо.  
Йиғарлар пораи бўйни йўғонни,  
Солурлар ўртаға қизу жувонни.  
Агарчи "Равшаний", эрмас, бу авбош,  
Вале бул иш шарийъат ҳукмидин тош.  
Битибдур Бул Ҳасан ул яхши банда,  
Китоби "Танбиҳ уз-золлин" ичинда.  
Бу айғон фирқақим золлу музиллдур.  
Шариъат аҳли бу элдин хижилдур.  
Инонсун деб тақи бир неча беақл,  
Қилурлар Хожа Аҳмаддин муни нақл.  
Худонинг дўсти бўлса Хожа Аҳмад,  
Қилурми ҳеч мунингдек бидъати бад.  
Шариатда эди ул офтобе,  
Қолибдур бизга ул эрдин китобе.  
Ўшал султон битибдур балки анда,  
Чиқар мундоқ фақир охир замонда.  
Анингдек фирқа малъуни Худодур,  
Аларнинг феъли суннатдин жудодир.

Бу ишлар бешаку райб, эй мусулмон,  
Ўшал қутби замонга эрди ёлгон.  
Қаю эрдинки нақл этса бу ишни,  
Инонманг зинҳор андоғ демишни.  
Валий бўлса улуг йўлдан тоярми,  
Хилофи шаръи пайғамбар этарми.  
Анинг шаънинда ёлгондур бу афъол,  
Агар чин бўлса эрмас соҳиби ҳол.  
Валий билмасмиз ул айгон кишини,  
Қилиб ўткон экон Шайтон ишини.  
Олиб борса киши аҳлу аёлин,  
Кўторур беҳамиятлик ваболин.  
Ҳаром ишники тоат билса инсон,  
Эрур бу эътиқоди номусулмон.  
Биродарлар, билинглар роҳи ҳақни,  
Тутинг душман ўшал айгон фирақни,  
Қиёмат кун қўшилса жон ила тан,  
Қўпар ҳар одами ўз дўсти бирлон.

#### ҲИКОЯТ

Паямбар дорида бир кун гадойи,  
Келиб эрди тилаб хайри худойи.  
Туриб эрди қарошиб баъзи азвож,  
Ғазаб бирла қароди шоҳи меърож.  
Дедилар, эй шаҳаншоҳи қабоил,  
Биз андин қочмадик кўр деб бу соил.  
Аларга дедилар султони аброр,  
Агар кўр бўлса ул, сизларда кўз бор.  
Алар биз билмадик деб зори қилди,  
Гуҳарлар кўзларидин жори қилди.  
На сўз пайғамбар азвожга, эй хок,  
Агар эрди жамиъи шубҳадин пок.  
Таажжуб фитналикдур бу замона,  
Тушибдур эрлар аҳволи ямона.  
Хирадмандо, эшит мандин неча панд,  
Бу сўзга бўлмадим омил агар чанд.  
Замона хотунини йўлга солмоқ,  
Эрур осон ул ишдин жанг қилмоқ.  
Узилмас солмани бўйнингга солма,

Агарчи олмадур рухсори олма!  
Дами айшики бўлгай охири сард,  
Ани хушлаб қабул этма узун дард.  
Бола деб солмагил жонинг балога,  
Бола бирла бўлурсан мубталога.  
Мусулмон оли бўлсанг олма олин,  
Агар олсанг қабул этма ваболин.  
Қўйиб Тангри таолонинг ризосин,  
Начук тандур қилур зан муддосин.  
Агар ёр олғонингни яхши ҳоли,  
Дема хотун, дегил диннинг камоли.  
Хуш ул зан билмаса беҳуда дерни,  
Сучук лафзий билан шод этса эрни.  
Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,  
Уни чиқмас уни айтурга бир кун.  
Билур эр олдида додук ўзини,  
Ва гар юз тепса қайтармас юзини.  
Агар ўйса кўзин кулфат била шўй,  
Туриб уйдин чиқорга айламас ўй.  
Сирин фош айламас гар ғамда ўлсун,  
Агар танг бўлса айтур бўлса бўлсун.  
Агар занни мунигдек бўлса хешти,  
Ани билгил бу дунёни беҳишти.  
Илингга тушса мундоғ нозанин гул,  
Дегил, бу сандадур бўсанда, ман қул.  
Саройи охиратни зодидур ул,  
Иноят гулшанини бодидур ул.  
Қора дема, қара хуш фелу хўйи,  
Некудур на кўча кўрса на кўйи.  
Ғанимат бил топилса хулқи хуш кўр,  
Балодур жонинга моҳи сухан шўр.  
Оқизур оқлигин гар келса тилга,  
Қизил деб олмагил бадхў қиз элга.  
Ёмон бўлса наузубиллоҳ андин,  
Ёмондин ўзга ҳеч келмас ёмондин.  
Ёмон хотун шаётин қамчисидур,  
Қўлинг боғлагучи арғамчисидур.  
Ду олам нори бўлса нори кетсун,  
Кўзинг кўрмаска шум дийдори кетсун.  
Агар ул кетмаса сан кет олиб бош,  
Кўториб юрмагил тоғдин оғир тош.

## ҲИКОЯТ

Неку зотега айди бир неку ҳўй,  
"Эрурсан булажаб мунқодаи шўй!"  
Деди, қасдим мани тангрим ризоси,  
Битар бу ўртада эр муддаоси.  
Агар тоат мяяссардур бу ишда,  
Начук сунмай бўйун амр айламишда?!

### ШАЙХИ КОМИЛ ИСТАМАКНИНГ БАЁНИ

Кел, эй Сўфи, умид этсанг сафодин,  
Қариш чиқма тариқи мустафодин.  
Амал қил, иттико қилмай амалга,  
Таваккул айлагил азза ва жаллга.  
Амал қилмай сафо бўлмас кўнгилда,  
Аёғсиз ҳеч киши юрмади йўлда.  
Қачон қўлсиз киши бўлгой шиновар?  
"Шиноварман" деса ҳеч қилма бовар!  
Солибдур аҳли суннат роҳи ома,  
Бу йўлдин чиқмағил ўзга мақома.  
Дема, тутдим фалон бузруг ишини,  
Қўя кўрма набийни қилмишини.  
Ўшал бузругки соҳиб ҳимматидур,  
Расулulloҳнинг хос умматидур.  
Паямбар қилғонидин қилмағай тош,  
Агар чандики бўлса кўз билан қош.  
Шариат ҳукмидин ташқи риёзат,  
Эмас тоат, қабоҳатдур, қабоҳат.  
Амал қилмоқ учун кирсанг бу йўлда  
Керакдур шамъи илм албатта қўлда.  
Қоронғуда қадам қўйсанг ёзарсан,  
Агар кўз бўлмаса йўлдан озарсан.  
Эрур чунки ажойиб пурхатар роҳ,  
Қадам қўйсанг аёғ остидадур чоҳ.  
Тузук йўл, деб қадам ўтру солурсан,  
Қудуқға тушгонинг билмай қолурсан.  
Кўзинг гар бўлмаса, эй ақли ҳушёр,  
Асокашсиз қадам ҳеч қўйма зинҳор.  
Агар олим сўзин ҳўб билса омил,  
Ани омий дема, эй марди комил.  
Удур жоҳил, билиб муршид ўзини,

Қулоқға олмағай олим сўзини.  
 Диёнат бехидур илми ақоид,  
 Тамурсиз шоха су бермак на фонид?  
 Бу маҳкам туб шажарни шохи аъмол,  
 Либоси бўлди тақво, меваси бол.  
 Ажаб аслеки, фаръи фиссамодур,  
 Чиқорур ҳодийи илм раҳнамодур.  
 Бидуни илм агар қўйсанг анга пой,  
 Тойиб кетсанг санинг аҳволинга вой.  
 Иликға домани ҳодийи илм ол,  
 Чиқиб шояд еғайсан меваи ҳол.  
 Ажабдур ердағи тургон амоға,  
 Узотур илгин асмори самоға.  
 Заифе этса бефиқҳи зарурий,  
 Муяссардур манга тоат сурури.  
 Ўқуй билмоса зоҳир лафзи Қуръон,  
 Нечук тафсирина билгай ул инсон?  
 Агар мағзин билибдур марди тоҳир,  
 Начук қолди кўринмай қишри зоҳир.  
 Эрур дин илми, чун зардолу, эй дўст,  
 Мулаззздур ани ҳам мағзи, ҳам пўст.  
 Биродарлар, будур бу қулнинг арзи,  
 Валий бўлғойму қилгон тарки фарзи.  
 Эрур фикҳи зарурий фарзи айни,  
 Ямондур турфа нодонлиғни шайни.  
 Бу тарк узра бўлур тарки фаройиз,  
 Нечук бўлғой валий тонгла аройиз?  
 Агар ул билмаса илми ақойид,  
 Бўлур ул акбари осома ойд.  
 Анингдек телба касни, эй неку зот,  
 Валий билма агар кўрсанг кушүфот.  
 Юмуб кўз уйқуда кўрган била кас,  
 Валий билмас ани марди суханрас.  
 Югурмакдин ўзин билса зиёда,  
 Дегил, отдин тушиб бўлди пиёда.  
 Бурунғи ҳолидин қилди таназзул,  
 Тушар саркашли қулнинг бўйнига гул.  
 На яхши ёр ўзин билта гуноҳқор,  
 Бўлур кўрган сари қўрқунчли бисёр.  
 Агарчи бўлса кўб пинҳон сужуди,  
 Кўрунмас заррача ориф вужуди.  
 Ризойи ҳақ ани мақсуди бўлса,

Ҳаёву илму ҳилм жуди бўлса.  
Жамиъи ишларин солса Худога,  
Қўлин топшурса Ҳодийи ризога.

### ҲИКОЯТИ ИМОМ ШАЙХ БАСРИЙ

Имоми аҳли суннат Шайх Басрий,  
Умид улдурки жаннат бўлса қасри.  
Ани бор эрди бир омий муриди,  
Ва лекин танда эрди кашфу диди.  
Муриди келмади бир неча айём,  
Ўзи топди анк ул шайхи ислом.  
Деди, қилмоқ учун ул омини ол:  
Манга асроринг айғил, эй неку ҳол.  
Деди, ҳар гаҳки хуфтон келса қарши,  
Етарман лаҳзада айвони Арши,  
Малоиклар бўлиб Арш ичра мумтоз,  
Худо бирлан узун шаб айтаман роз.  
Деди, борсанг ўшал манзилга чун бод,  
Бу мискин отини ҳам айлагил ёд.  
Яна кечага ул манзилга етди,  
Ҳасан отин тилига жорий этди.  
Бузулгон кўрди жойи дилкушойин,  
Нажосатхонаеда кўрди жойин.  
Яқин билди муни Шайтон қилиб кайд,  
Қилур эркон муни ҳар кечаси сайд.  
Инобат қилди бориб қайта бошдин,  
Муяссар қилди илм отлиғ қуёшдин.  
Ёзар ботилни туз олимни оти,  
Фа-кайф ул ерда ҳозир бўлса зоти.  
Ариғ илму амалдур раҳбари ҳол,  
Бу ики бол илан учган ичар бол.  
Агар бўлмоса илминг, эй сабук сайр,  
Билур болинг ва болинг барчасин хайр.  
Агар билсанг неку афъол баддин,  
Наузубиллоҳ андоғ мўътақиддин.

### МАВЪИЗА

Кел, эй ошиқ, буюрсанг ақлинг ишга,  
Ўзингдин кетмағил доно демишга  
Агар боло чиқиб кетсанг ўзингдин,

Йиқилгойсан тойиб ерга юзингдин.  
Ўзин боло тутуб кибр айламоқдин,  
На чобуклар йиқилдилар аёқдин.  
Агарчи ҳар кеча дил махзанина,  
Боқарсан кўб туруб кўбтурма сийна.  
Агар чандики бўлсанг қутби аброр,  
Дегил, не донишим, не донишим бор!  
Ниҳоли меҳнатим берсин десанг бар,  
Ризойи ҳақ учун илм эт муяссар.  
Агар боғингда бўлса гул риёси,  
Қачон бўлгай чироғингни зиёси?!  
Агар холи риёдин холи эрмас,  
Ҳақиқат ул кишининг холи эрмас.  
Ўқур бўлсанг ўқ ур нафсинг гўрина,  
Қара чин кўз билан Мусҳаф юзина.  
Муҳаққиқ олим улдур одил ўлса,  
На кўб жо дил югуриб жодил ўлса.  
Жадалдин қолга қил устиндадур қол,  
Йиқитсанг ё йиқилсангдур забун ҳол.  
Вужудинг уқбаси эрмас алоша,  
Тал оша келган ўлтурмас талоша.  
Ўқурдиндур ғараз Тангри ризоси,  
На ул ил еки бўлғой халқ изоси.  
Ёниб келгонда меҳнат шамъи, эй ёр,  
Ёниб тутма ҳаво бодига зинҳор.  
Замона халқи аксар толиби қадр,  
Бўлай деб садри мажлис қон қилур садр.  
Ўқубдурсан агар холис маъоний,  
Юрак қони илан осори қони?  
Агар қилдинг муяссар илм ишидин,  
Аёгинг босма эгри, кўр кишидин.  
Мувофиқ илмига қилса ишини,  
Дегил арбоби илм андоғ кишини.  
Таварруъ шартида, эй марди корий,  
Керакдур албатта қори ва қорий.

### ҲИКОЯТИ БАДБАХТОН

Битибдур "Жомиъи Мишкот" ичинда,  
Набийдин сўрди бир сўргувчи банда.  
Ёмонларнинг ёмони қайси инсон?

Жавобин бермади онга ўшал он.  
Уч айгон сўнг жавобин берди они,  
Ёмон олим ёмонларнинг ёмони!  
Яна айди ўшал ҳамрози маҳбуб,  
Ки хўбларни хўби ҳам олими хўб!  
Деди, пайгамбари оламга ҳодий,  
Эрур дўзахда бир шиддатли водий.  
Ўшал водийни жуббул-ҳузи атоди,  
Риёлик қорилар жойи у водий.  
Жаҳаннам кунда тўрт юз қатла андин,  
Паноҳ истар Худойи зул-минандин.  
Худовандо, йироғ этгил риёдин,  
Айирма сидқу ихлосу зиёдин.

### МАВЪИЗА

Кел, эй зоҳид, қўлунгдин берма тоат,  
Зиёд эт тоатинг соат басоат.  
Уётлиғ пеша қил хавфи тамаъдин,  
Риёзат айла тақвову вараъдин.  
Фароғат бирла ҳеч ошиқ ётарму,  
Киши роҳат элин ошиқ ётарму.  
Агар қул хожасин жўянда бўлса,  
Ётарму йўлда ошиқ банда бўлса.  
Енгил кам кеча турмоғдин есанг ғам,  
Бўлур иш кам агар кўб тўйса ишкам.  
Эгам аҳд этса "фатлубни тажидни",  
Қўёрму бандалар бу жаҳду жидни.  
Оғир жисминг агар бўлсин десанг соғ,  
Саноч оғзин сан оч албатта камроғ.  
Риёзат мевасидур мисли янғоқ,  
Агарчи зоҳири шах, ботини ёғ.  
Маишат зоҳири нарм, охири қахр,  
Йилонни тоши юмшоқдур, ичи заҳр.  
Белингни боғлагил хизматга чун най,  
Шакар тўлдирса шояд қалбинга Ҳай.  
Риёзат хокиға ҳар кеча ур бош,  
Юрак қон боғласа, лаъл отанур тош.  
Билур оқил бу дунни сижни бадбўй,  
Баланд уй истасанг нафсинг кўзин ўй.  
Тўшаб қолин, ёпиб тоат жамолин,



Қўйубсан бошинга болин ваболин.  
Тила нафсинг тила тоатга кам-кам,  
Магар бўлғай эгилмас гарданинг хам.  
Кўзингдин айла гафлат уйқусин дур,  
Ва лекин бўлмағил тоатга мағрур.  
Агарчи бўлсанг аҳли илм, зуҳҳод,  
Такаббур қилмағил, аслингни қил ёд.  
Такаббур айламоқ Шайтон фиъоли,  
Йиғиву зоридир одамни ҳоли.  
Риёзат бирла ҳам очсанг кўзингни,  
Азозилдек улуғ тутма ўзингни.  
Агар ерни, юзиға айласанг дарс,  
Такаббур бўлмағил, бўлғил худотарс.  
Сани кирган йўлинг турфа узоқдур,  
Арода сони йўқ банду тузоқдур.  
Ажаб йўлдур арода кўб хатар бор,  
Киши билмас чибин етгайму шунқор.  
Киши билмас бу уммон остида фош,  
Жавоҳир пора қийматдур ва ё тош.  
Агар чандики гавҳар порадурсан,  
Яқин бил бандасан, бечорадурсан.  
Ҳамиша бандадиндур зои қилмоқ,  
На ҳаддур бошини юқори қилмоқ?!  
Тавозуъли бўлиб тутғил ўзинг кам,  
Шажарким, мевалик бўлса бўлур хам.  
Теракким, ул кўтарди юқори бош,  
Самарсиз бўлди кўрдунгми ани фош?  
Кишиким, хокроғдур, бериёдур,  
Яқин билғилки кўзга тўтиёдур.  
Кетар кунда тўлойдин паст ўтар кун,  
Сабо чиқса бўлур оламдин устун.  
На бўлғай қатрадек қилсанг ўзинг гум,  
Гуҳар бўлсанг тақилсанг тожи мардум.  
Агар файз истасанг қилма такаббур,  
Буюкға оқмағай баҳр ўлса ҳам пур.  
Агар тутсанг тариқи Мустафони,  
Ёмон кўйдур такаббур, куйдур они.  
Оғир тутди ўзини санги хора,  
Талаб бозорида кирмас шумора.  
Кичик билди ўзини ҳолини дур,  
Баҳосидур харидор олдида пур.  
Оғирмиш жазби ишқ ишкаста касни,

Йиғар гирдоб аксар хору хасни.  
Агар нафсинг ҳамиша тутмасанг кам,  
Дуруст ихлос бирлан бўлмағай хам.

#### ҲИКОЯТИ АЗИЗИ КОМИЛ

Азизе комилени жоҳили хом,  
Қабиҳа лафз бирлан берди дашном.  
Тутиб саққолини ул марди хушхў,  
Дер эрди ўз танига, эй хунук рў,  
Сани расволиғингни эрта-ю кеч,  
Ўзум айғонға бовар қилмадинг ҳеч!  
Бу мўъминдин эшитиб келтур инсоф,  
Некулар аҳлиман деб урмағил лоф.  
Ана инсоф, ана хулқ, эй биродар,  
Ўзингни айбинга сан ёпма чодар.  
Агар сан қилмасанг нафсинг шикасти,  
Етар сақолинга ҳар кунда дасти.

#### БАЁНИ ТАВАККУЛ

Кел, эй ошиқ, кўнгилни айлағил бир,  
Тариқи каъбаи мақсудинга кир.  
Начук бўлғой дебон андеша қилма,  
Таваккул айла, ўзга пеша қилма.  
Таваккул бандани йўлдоши бўлса,  
Ажаб эрмас қаро тош оши бўлса.  
Агар ҳиммат кишини ёри бўлса,  
Ажаб йўқ жазралар бозори бўлса.  
Етар охир таваккул айлаган қул,  
Таваккул қил, таваккул қил, таваккул.  
Эрур бир ихтиёри жузъи сандин,  
Талаб қилгонинга еткурмак андин.  
Агар тутса Худо қул хотирин фош,  
Чиқар ҳар гўшадин Хизру Илёс.  
Агар биткурса Мавло қул ишини,  
Қилур мушфиқ кўзиға ҳар кишини,  
Агар лутф айласа бўстон бўлур чўл,  
Олав ўртасида пайдо бўлур йўл.  
Ўтарда аждар оғзин сурса пойинг,  
Зиён этмас амон этса Худойинг.  
Эгам "қум" деди, бул "қум" дин бўлур чўст,

Муҳаббат қумқумидин қил ўзинг шўст.  
Бузуқ ерда ётиб бўлмас ишинг беҳ,  
Маконан таййибан ф-азҳаб би-авнеҳ.  
Агарчи бўлса санда аҳли фарзанд,  
Яротибдур аларни ҳам Худованд.  
Ўзи қилди аларга жисм ила жон,  
Берур албатга жон берган Худо нон.  
Азиз жон чиқмаса қолибларидин,  
Камаймас неъматини ҳақ лабларидин.  
Саноглиқ умридин то жон туганмас,  
Яқин билгил оғзидин нон туганмас.  
Агар дарё тубида бўлса жойинг,  
Баҳона бирла еткургай Худойинг.  
Гараз ҳар қайда, эй фарзанди одам,  
Саноглиқ рўзи ҳаргиз бўлмагай кам.  
Кишини бўлса мундоғ эйтиқоди.  
Анга бўстон эрур ҳар қайси водий.  
Вужудинг хору хошоки қолиндур,  
Ёлинсанг ҳам ҳаво ўчмас, ёлиндур.  
Миниб ҳиммат буроқин чиқ қолиндин,  
Ёлин маҳкам тутиб сачрот ёлиндин.  
Етибдур соли умринг, эй табаҳ ҳол,  
Таваккул соли мақсад баҳрина сол.  
Кириб жон баҳрина, эй нафси золим,  
Дема, солим мани етгайми солим.  
Етар-етмаслигидур ҳукми рабда.  
Эронлар шартидур ўлмоқ талабда.  
Таваккулни талаб қил, одамизод,  
Югуртил казбаи мақсадга чун бод.  
Кириб йўлга, кўриб аълому осор,  
Узун бар деб гумонбар бўлма зинҳор.  
Бу бормоқда агар бормоқ солур шер,  
Қачон қайтар таваккул айлаган эр.  
Хатардин аҳли ҳиммат хира бўлмас,  
Агар эл тира тутса, тира' бўлмас.  
Таваккулдин кишиким олса баҳра,  
Қачон заҳра урар фарқ бўлса заҳра.  
Ема рўзи гамин ҳеч ерда, эй ёр,  
Ким асроринг билур ул яхши асрор.  
Худога қилса ҳар ким ҳўб таваккул,  
На ерда бўлса зое қолмас ул қул.

Муборак ўгли бир кун озғишиб роҳ,  
 Ажойиб сувсоғонда кўрди бир чоҳ.  
 Кечурди кўнглида топилди матлуб,  
 Агар далву расан бўлса эди хўб.  
 Ўшал дамда бир оҳу келди сувсоб,  
 Тошуб чиқди қудуқни оғзиға об.  
 Ул ичган сўнг ўшал шаҳ борди чаҳға,  
 Етар-етмасда ул сув тушди таҳға.  
 Деди, ё раб, берурсан оҳуға об,  
 Манга бермассан, эй султону Ваҳҳоб.  
 Нидо келди ўшал важҳи Ҳасанға:  
 Тилинг борди сани далву расанға.  
 Ўшал оҳуки кўрдинг чиқти барға,  
 Таваккул қилмади мандин дигарға.  
 Эшитиб бу нидони бўлди беҳуш,  
 Ичидин қулзуми завқ айлади жўш.  
 Муҳаббат жоми ҳўл қилди томоғин,  
 Тирикликда унутди сувсағонин.  
 Эди аввалда эр ҳам атқиёда,  
 Юз онча ҳиммати бўлди зиёда.  
 Мани мискин таваккул бобида доғ,  
 Тушубдур ҳимматим кун-кун забунроғ.  
 Ҳамиша нафси зиштим мубталоси,  
 Манингдек борму ҳеч мўъмин балоси.  
 Илоҳо, жоми ҳимматдин қилиб сер,  
 Мани хунсоға эрлар нашъасин бер.  
 Эрурман ақли йўқ, идроки йўқ қул,  
 На тамкин бор, на ҳиммат, на таваккул.  
 Гиладотгим, гила қилмам кишидин,  
 Кўрарман барча ўз нафсим ишидин.  
 Бу мўъминлар ичида бир баломан,  
 Бузуқ йўлдин чиқолмай мубталоман.  
 Бўлубман фарқи баҳри изтироба,  
 Хароб ўлмиш тушуб нафси хароба.  
 Эрур кўнглимда кўб рози ниҳони,  
 Юзум йўқтур туруб айтурға они.  
 Ўзунгсан олими сир ул-хафийёт,  
 Муъайяндур санга мажмуъи ҳолот.  
 Агар қайтармасанг ройим вародин,

Қутулмасман мунигдек можародин.  
Агарчи сони йўқ бу қул гуноҳи,  
Гирифтори ғазаб қилма, Илоҳи!

#### ДАРВЕШЛИК БАЁНИ

Кел, эй дарвеш, агар дарвеш атондинг,  
Тариқат аҳли, некандиш атондинг.  
Агар отинг хилофи бандалиқдур,  
Қиёмат кун начук шармандалиқдур.  
Қуруқ от бирла ўтган ҳайф авқот,  
Уётлиғ, бўлма мағрури қуруқ от.  
Қуруқ юрма, қуруқ дасти ажалда,  
Солур ногоҳ гумон этмас маҳалда.  
Ўзингдин кетма ихлоси авома,  
Суюнма нома келмай яхши нома.  
Киши рўда кириб гар юрса рўда,  
Қачон восил бўлур дурри шуҳуда.  
Сивони нафй эконин айла исбот,  
Таваккул баҳрина бот, эй кўнгул, бот.  
На бўлғай кирса қўлга дурри мақсуд,  
Вагарна сувда юргондин начук суд.  
Кўнгил ҳақ файзига бўлсун десанг чок,  
Ки аввал мартаба ҳалқингни қил пок,  
Ема зарра ҳаром оғишта нондин,  
Бўлур чоҳ нажас бир қатра қондин.  
Агар ош манҳи бўлса кўз юмуб ош,  
Вагарна тонгла қорнингдин чиқар тош.  
Ҳаром оз бўлса ҳам кўбдур ямони,  
Самони бўлса ҳам, билгил, самм они,  
Битибдур "Ширъа"да эй лобиси далқ,  
Фаройиз аъзамидур покийи халқ.  
Қаю тоатки ул марзойи рабдур,  
Яқин бил қуввати луқма сабабдур.  
"Кифояи Шаъбий"да ҳам битилди,  
Расулуллоҳ сўзидин нақл қилди.  
Ариғсиз луқма бирлан қилса тоат,  
Қабул эрмас ўшал қилғой ибодат.  
Худонинг манъини нафс истаганда,  
Агар бир заррасин тарк этса банда.  
Ибодатларки бўлғой инсу жиндин,  
Бу айғон бандалиқ афзалдур андин.

Агар тарк этса зарра шубҳа, эй ёр,  
Деди, юз ҳаждин ортиқ, эй некукор.  
Рисолаи Абуллайс ичра мазкур,  
Набийдин қилди нақл ул маъдани нур.  
Либосида ҳаром оғишта бўлса,  
Ўшал оғиштаси бир ришта бўлса,  
Ўшал тун бирла ўткарган намози,  
Қабул эрмас деди ул Фаҳри Розий.  
Сиём ила агарчи ўтса кунлар,  
Қиём ила кечурса барча тунлар,  
Риёзат бирла ўткарсанг баҳар кайф,  
Ариғ бўлмоса луқманг меҳнатинг, ҳайф.  
Маноҳий рангидин ошинг бўёғлиғ,  
Бу ёғлиғ ош иладур ҳайф уёғлиғ.  
Фаройиз аъзамин қилгон киши тарк,  
Муҳаббат бўйини қайдин қилур дарк.  
Отинг чиқти ибодат аҳли халқа,  
Эгирдинг халқа шубҳа солма ҳалқа.  
Мулойим тил билан беҳарбу безарб,  
Бировни келтирурлар Шарқдин Ғарб.  
Эронлар олмайин бир игна қўлга,  
Солурлар неча гумроҳларни йўлга.  
Сучук тилдур ажаб ганжи муаззам,  
Ато қилгон билан ҳеч бўлмағай кам.  
Дема, ҳарфики бўлмаса бемаоний,  
Агар тил заҳрлик бўлса тил они.  
Калиди ганжи маъниким забондур,  
Анга бир нуқта кўб бўлса зиёндур.  
Қилур қаттиғ такаллум ўнг ишинг чап,  
Сўзинг тиклаб кўнгил бузгунча тик лаб.  
Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,  
Ани сўз демоғил, эй мажлис афрўз.  
Агар тутсанг улуғларнинг ишини,  
Набот эт тил, на бот оғрит кишини.  
Совуғ айғунча, эй халқи замона,  
Забона хавфидин хавф эт забона.  
Чу Нуъмон мўҳрида бу эрди мактуб,  
"Кул-ил-хайра ва илла фа-скут", эй хўб.  
Совуғ сўздин бўлур иймон қоронгу,  
Зарардин ўзга йўқтур нафъи борму?  
Ба ҳар жое тилингни сақла зинҳор,  
Киши тилни ямонидин бўлур хор.

Ямон тил коҳ сарғайтур юзингни,  
Тубон бошингни, телмуртур кўзингни.  
Ямон тил икки оламда зарардур,  
Ғаҳе исён, ғаҳе хавфи хатардур.  
Ямон тил шумлиғики жонға урғай,  
Ғаҳе жондин ўтуб иймонга урғай.  
Мусулмон ўғлиға яхши қилиқ қил,  
Тилингни хуш, чиройингни илиқ қил.  
Оғиздин соч еринда дурри маъни,  
Агар бўлмоса хомуш айла яъни.  
Агар бўлмоса санда сўзға етмак,  
На давлатдур сукут этмак, эшитмак.  
Эшит, аммо қаю сўз бўлса беҳроқ,  
Қулоғингга ани ҳалқа қилиб тоқ.  
Қулоқ, кўздин, қўлунгдин, поларингдин,  
Сўрар тонгла тамом абзоларингдин.  
Эшитсанг нафъи йўқ, сўз, эй неку зот,  
Ани ҳам гўша олма, гўша чиқ ёт.  
Киши санчиқ сўз айтса сан чиқ ондин,  
Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ёмондин.

#### ҲИКОЯТИ ҲАЗРАТИ ЛУҚМОН

Насиҳат қилди фарзандиға Луқмон,  
Санга жоҳил киши баҳс этса, эй жон.  
Жавоб айғил анга ширину юмшоғ,  
Магар бўлғай жаҳолат хамридин соғ.  
Агар наф этмаса қилма ибода,  
Бўлур айғон сари жаҳли зиёда.  
Анга суд этмаса аймоғ савоби,  
Сукут этмакдур андин сўнг жавоби.

#### ИККИ МЎЪМИН БИР-БИРИҒА ХАЙР ҚИЛМОҒИ

Кел, эй мўъмин, ҳамиша хуш инон бўл,  
Мусулмон бўлса ҳар ким меҳрибон бўл.  
Очилғойсан ани кўрганда гулдек,  
Тавозуь бирла хизматкор қулдек.  
Сариг ёғдек анга бўлғил мулойим,

Сучукликни асалдек айла доим.  
Тут ул дўстингни сут устида қаймоқ.  
Азиз жонингга кўргил, балки беҳроқ.  
Худонинг буйруғидин тойса ногоҳ,  
Биродарлик ўшалдур қилсанг огоҳ.  
Биродар жисмига жондек югурсанг,  
Талаттуф бирла ул йўлдин ўгурсанг.  
Агар чандики қилсанг меҳрибонлиғ,  
Сани айғон сўзинг билса ямонлиғ.  
Тилинг заҳми билан қилгил жароҳат,  
Уёлиб шояд эткай истимоат.  
Агар тил заҳми анга қилмаса кор,  
Қўлингдин келса қилгил зарб ночор.  
Буларни барчасидур меҳрибонлиғ,  
Тараҳҳумдур анга эрмас ямонлиғ.  
Бу саъй эткон билан ҳеч бўлмаса туз,  
Кўрарда ошинолиғ риштасин уз.  
Вале ботинда шоғил бўл дуоға,  
Ани аҳволини солғил Худоға.  
Кишиким бўлса мўъминлиғда мавсуф,  
Эрур вожиб у қулға амри маъруф.  
Кўзи йўқ мўъминне борур эди роҳ,  
Назар қилдинг они олдидадур тоҳ.  
Хабардор этмасанг улдур хиёнат,  
Қаю инсоф эрур, қайси диёнат?!  
Фигону дод ўшал бино қулидин,  
Агар қайтармаса дўзах йўлидин.  
Киши ёпса қудуқ оғзиға чодар,  
Начук дерсан анингдекни биродар.  
Ва лекин амри маъруф айлаган мард,  
Ўзи бўлғай амаллик соҳиби дард.  
Агар этмоса росух ўз ишига,  
Қачон таъсир этар ўзга кишига?  
Агар олдингга тифле бўлса ногоҳ,  
Ёнар ўтға тушарни билсанг огоҳ.  
Узатмас бўлсанг анга дасти алтоф,  
Начук бўлғай мусулмонлиғда инсоф!  
Бизнингдеқ шарми йўқ, инсофи йўқ жисм,  
Бошида мағзи йўқ маъно қуруқ исм.  
Ишимиздур риёву ҳийла тазвир,  
Қилур айғон сўзимиз кимға таъсир?!.



Кел, эй мўъмин, агар тарсанда бўлсанг,  
 Кўзингни сақлагил, ҳар қанда бўлсанг.  
 Қуйи бўлсин ҳамиша нуқтаи чашм,  
 Мабодо бўлмағай боло тушуб хашм.  
 Назар қилгунча бад, эй нафси маъйуб,  
 Тушуб кўз нуқтаси кўр бўлғони хўб.  
 Саодатдур назар бўлса қадамда,  
 Тажовуз айлаган бўлса надамда.  
 Агар қон чашма бўлса чашма, эй меҳ,  
 Хатарлик ерга тушгандин эрур беҳ.  
 На хушдур дийдаи тарсанда бўлса,  
 Вагарна косасидин қанда бўлса.  
 Хатардин юм кўзинг, ўғлон, хийфа,  
 Начукким, юмди қўрқуб Бу Ҳанифа.  
 Юроким соф эрур деб урмағил лоф,  
 Аларча бўлмағойсан, келтур инсоф.  
 Қароринг қўймасанг, элтиб қароринг,  
 Олур Шайтон зимоми ихтиёринг.  
 Бақосиз маъсиятларга бақосиз,  
 Начук ўз жонингизга ўт ёқосиз!  
 Баногоҳ тушса номаҳрам кўзига,  
 Икинчи боқмағил зинҳор юзига.  
 Икинчи чунки шаҳватдин хатардур,  
 "Ниҳоя" ким китоби мўътабардур.  
 Дедиким, боқса номаҳрам юзига,  
 Қуярлар тонгла қўрғошин кўзига.  
 Битибдур "Ширъа"да ул соҳиби базл,  
 Кишиким қилса номаҳрам била ҳазл.  
 Ани ҳар сўзига, эй хирадманд,  
 Бўлур дўзахда то минг йилғача банд.  
 Агар ул илтизом этса ҳарома,  
 Яна ул нусхада тортилди кома.  
 Қиёмат кунга дору гир этарлар,  
 Ани Шайтон била занжир этарлар.  
 Лаъин Шайтонки бўлғай душмани шах,  
 Анинг бирла бўлур мадҳули дўзах.  
 "Хулосаи Хизона", "Шарҳи Аврод",  
 Битибдур, балки чандин нусхада ёд.

Жувон хотунки, номаҳрам эмишдур,  
Салом этмак анга мамнуъ демишдур.  
Бериб бўлмас жавоб этса саломи,  
Эрур аврат ани савти каломи.  
Жувон хотунки, аврат бўлса овоз.  
Қабоҳатдир кишиким бўлса дамсоз.  
Гараз, эй одами, сақла ўзунгни,  
Ки номаҳрам сари солма кўзунгни.  
Ки номаҳрам сари боқгунча беқил,  
Беҳ улким кўзлариға тортсалар мил.  
Бу дунё мели ўткай бир замонда,  
Қиёмат мелидин тутқай амонда.  
Қиёмат кун ажаб шиддатли кундур,  
Гуноҳкор одам ўгли сарнигундур.  
Қизир кўб фарқи сар иссиғда чун тос,  
Бўлур саргашталар парвонадек нос.  
Тегар ўтдек аёғ остида туфроғ,  
Бўлур юнгдек замин устидаги тоғ.  
Бўлур кўб халқ ўзини жонидин сир,  
Бу ғамдин токи гўдаклар бўлур пир.  
Ёшурмоқ бўлса қайси русиёҳлик,  
Илик сўзлаб, аёқ бергай гувоҳлик.  
Тамом аъзолари даъво қилурлар,  
Халойиқ олдида расво қилурлар.  
У кун даъвосини ҳеч дафъи бўлмас,  
Пушаймон бўлғой, аммо нафъи бўлмас.  
Анингдек воқеалардин бурунроқ,  
Ўзингни айла ғафлат хамридин соғ.  
Пушаймон бўлсанг ул қилмишларингдин,  
Дилу жон бирла ёнсанг ишларингдин.  
На бўлғайким, қабул этса Худойим,  
Қиёмат шиддатин қилса мулойим.  
Қаю қулни худойим қилса мамнун,  
Бўлур йўлбошчиси пайғамбар ул кун.  
Бошида соя бўлғой Арши Аъзам,  
Фаришталар кўнгил бергай дамодам.  
Иноятномасин қўлга олурлар,  
У куннинг ўтконин билмай қолурлар.  
Илоҳо, айла мухлислар бирла ёд,  
Бу қулни айлагил у кундин озод.

Қаригон палласида Шайх Бастом,  
Ўзидин соате кетти бир оқшом.  
Ўзиға келди эрса айди асҳоб,  
Нағу бўлдинг мунингдек, эй дури ноб?  
Деди, болиғ бўлур ҳолатда бу роҳ,  
Кўзумға бир жамила тушти ногоҳ.  
Ёниб бори дигар солдим нигоҳим,  
Чиқиб эрди эсимдин ул гуноҳим..  
Эсимга тушди ҳоло ул назора,  
Юрогим бўлди қўрқуб пора-пора.  
Муборак оғзидин кўб томди қони,  
Ўшал хавф ила охир чиқти жони.  
Шунингдек йиғласа андоғ неку рой,  
Бизнингдек русияҳнинг ҳолиға вой!  
Ҳамиша завқимиз айшу кулишга,  
Етушмас эрта қилгон тавба тушга.  
Ўтар дунё учун тутдек муқаддам,  
Гуноҳ айнуқса кўб; қўрқунчимиз кам.  
Худовандо, ўзунгсан олими ғайб,  
Мани мискиндадур ҳеч сони йўқ айб.  
Гуноҳи бениҳоят бандадурман,  
Бўлур шар манда чун шармандадурман.  
Абас бирла қўлимдин кетти вақтим,  
Амал меҳрин ёрушди абри мақтим.  
Жаримама беадад бўлса агар чанд,  
Ҳижоби мағфират ёб, эй Худованд.  
Ювуб раҳмат билан важҳим қаросин,  
Насиб эт барча неъматлар саросин.

**ХУДОНИНГ НЕЪМАТЛАРИГА ФИКР АЙЛАМОҚ БАЁНИ**

Кел, эй озода, воқиф бўл кўнгулға,  
Кўнгил йўлбошчидур қурбатли йўлға,  
Тафаккурнинг қушин ҳеч қилма ғофил,  
Талағда бўлмағай то байзаи дил.  
Таваккур мурғи доим бўлса дамсоз,  
Умид улдурки андин учса шаҳбоз.  
Анингдек боз элға айласанг қайд,  
Кўнгил қушлорини қилса бўлур сайд.  
Кўнгил ҳар гоҳ салоҳиятда бўлса,

Топар банда қаю ниятда бўлса.  
Ҳама аъзо раъиятдур, кўнгил шоҳ,  
Амонлиғ бўлғуси шоҳ адлидин роҳ.  
Агар султон ўзи қилса ямонлиғ,  
Қачон бўлғай раъиятда амонлиғ.  
Кўнгил жўш этмаса кўз бўлмағай нам,  
Чиқарму сув қуруқға тошмаса ям.  
Эшитгансан ани дилдур назаргоҳ,  
Назаргоҳдур кўнгил бир бўлса ҳар гоҳ.  
Юурса ул кўнгилким ҳар тарафга,  
Қачон лойиқ бўлур бундоқ шарафга?  
Кўнгил дарсини дерлар хуш сабақдур,  
Тамоми маърифатда ишқи ҳақдур.  
Кўнгил дарсин савол этдим бир эрдин,  
Талаттуфдин деди, сўрма бу ердин.  
Вила олмонг бу шарбат тотмағунча,  
Ўзингни яхшиларға қотмағунча.  
Агар они унутса банда они,  
Тирик эрмас агарчи бўлса жони.  
Кўнгил буржинда ғафлат иллати пур,  
Давом улдур давом этсам тазаккур.  
Ўшал дамни надам дер аҳли маъни,  
Оғиздин чиқса ғафлат бирла яъни.  
Кўнгил анда ҳамиша қўл ҳам иша,  
Қачон бўлғай мунингдек яхши пеша.

#### БАНДАИ МУЪМИННИНГ ИШҚДА ҲАРИС БЎЛМОҒИ

Кел, эй содиқ, ҳариси ишқи ҳақ бўл,  
Кўнгил ёрони бирла ҳамсабақ бўл.  
Агар кезсанг тариқи маърифатни,  
Муяссар айласанг турлук сифатни,  
Мақомоти ҳақиқат айладинг тай,  
Кўнгилда бўлмаса жуз ҳолати ҳай.  
Бурунғидин зиёда дар талаб бўл,  
Агар дарёлар ичсанг хўшклар бўл.  
Бу йўлнинг чунки ҳеч поёни йўқтур,  
Агар етдим деса имкони йўқтур.  
Дегил бир лаҳза: "Аллоҳумма зидни",  
Деди ҳақ чунки: "Ф-атлубли тажидни".  
Талаб амрин эшитса банда рабдин,  
Ўзин билғон қачон қолғой талабдин.

Набийдин йўқ кишини қурби боло,  
 Ани айди ҳабибим Ҳақ тало.  
 Анга ҳам айди Ҳақ: "Қул, рабби зидни",  
 Қўёрма ўзгалар бу жаҳду жидни.  
 Сучук жон шарбати то бўлса лабда,  
 Керакким бандаси бўлса талабда,  
 Белингни қуввати борда олиб бел,  
 Кўнгил боғин суғор кетмай туриб сел.  
 Етар йўл юргали ҳалоки ҳолинг,  
 Юрокўр бир кунни кетгай мажолинг.  
 Юрага қолмаса вақтики дармон,  
 Эмакла қолмасун то ичда армон.  
 Эмаклар қуввати ҳам кетса қўлдин,  
 Ўзингни судра ҳаргиз қолма йўлдин.  
 Кўзинг ҳам бўлмаса бўлсун кўнгилда,  
 Бу матлаб бирла жон чиқса бу йўлда.  
 Етушмас судралурга ҳам мажолинг,  
 Кўзинг тик йўлга то еткунча ҳолинг.  
 Агар мундоғ талабда чиқса жонинг,  
 Уланса боқиға бу жисми фонинг.  
 Умид улдур Худойим деса банда,  
 Тилоган мақсадингни берса анда.

#### БАНДАНИНГ МИЁНАИ ХАВФУ РАЖОДА БЎЛМОҒИ

Кел, эй хоиф, ўлумни ёдин эткил,  
 Кетар манзилни истейдодин эткил.  
 Лабин термай туруб марқад лабин халқ,  
 Қўёрсанму тафаккур бобини галқ.  
 Йиғиб ҳийма ваҳима қилмай анда,  
 Ётибсан устида гафлатли банда.  
 Ўлумни ўти турғондур суёниб,  
 У ёниб ўртамай қочғил уёниб.  
 У ёнмасдин бурун ўртансанг, эй қул,  
 Мабодо бўлмагай кул ишларинг кул.  
 Бурунга боди ғам тегмай бурунроғ,  
 Ўзунгни қил ҳавас бозоридин соғ.  
 Ёпушмасдин бурун сўнгок била пўст,  
 Ўлум бирла ўзунгни айлагил дўст.  
 Яқин дўстинг сани, эй одамизод,  
 Билур ҳам одам ўғли бўлса уйғоқ,  
 Ватанни аслидур бизларга туфроқ.

Яқин билғил жаҳони пурхатарға,  
Келибмиз неча кун савдо этарға.  
Етушган ушбу шаҳри муҳтарафга,  
Ёзилди корвоне ҳар тарафга.  
Ўзин билгонлариким йўлга солди,  
Ҳиялсиз нақд умрин қўлга олди.  
Уруб яхши деганлар узра бошин,  
Муяссар қилдилар тоат қумошин.  
Қилиб савдоларини чобуку чуст,  
Сафар рахтини боғлаб қилдилар руст.  
Қачон юк қўй деса тайёр эрур зод,  
Киарлар йўллариға хурраму шод.  
Ва лекин корвондин баъзи инсон,  
Кўрар бу фоний уйни боғи хандон.  
Кўруб яхши ани нақшу нигорин,  
Унутқойлар ўшал келгон диёрин.  
Қулоқ солгон тағаннийу навоға,  
Кўнгил бергай ҳавас бирлан ҳавоға.  
Ажаб маккорадур дунёи фоний,  
Минг алвон жилва бирла алдар они.  
Ўшал маккораким солса қўюнға,  
Суюнгандин кирар Шайтон уйунға.  
Киар инсон ани ёлгон сўзиға,  
Югуртуб сурмаи гафлат кўзиға.  
Гаҳе уйғониб уйни айласа ёд,  
Талаттуф бирла дер, эй одамизод,  
Ошуқма бир кун савдо қилурсан,  
Бу кун гар бўлмаса, тонгла қилурсан.  
Бу ол ила ўшал маккоран дун,  
Адо қилгай жамиъи нақд умрин.  
Адо қилғоч бисоти умрини пок,  
Берур рухсат қошидин чусту чолок.  
Урар селики дер, кеткил бу ердин,  
Дегай, безор эрурман сандек эрдин.  
Назар қилмас фиғону ноласиға,  
Урар шатта ани дўнболасиға.  
Қўйилмай эркиға судраб яқодин,  
Чиқорурлар жаҳони бебақодин.  
Фиғон айлар: кетарни билғоним йўқ,  
Кетарға тўша ҳозир қилғоним йўқ.  
Фиғон суд айламас, аммо, у касга,  
Қачон муҳлат қўярлар бир нафасга.

Кейин қайтай деса бўлмас мажолӣ,  
Кетар аслий ватанга даст холи.  
Будур, эй одам ўгли, ҳасби ҳолинг,  
Бошингдан ўтган онча моҳ-солинг.  
Қулоқга тиқма ғафлат латтасини,  
Ема Шайтони малъун шаттасини.  
Суюнма гар сани дунё суюбдур,  
Суюбман деб кўзингга қум қуюбдур.  
Кима кўрсатти бу фоний вафони,  
Азалдин душмани жон билгил они.

#### УМРНИНГ ФОНИЙЛИГИ БАЁНИДА

Кел, эй мўъмин, яқин билдинг кетарни,  
Ҳисоби умри бесомон ўтарни.  
Ўтар дунё учун бўлма гирифторм,  
Ўлумса йиғилмагил монанди кафтор.  
Агар дунёга ҳирсинг бўлса фажсан,  
Нажосатни йиғарга калҳамажсан.  
Эсиз умринг нажас йиғмоқ раҳинда,  
Қолурсан бир куни охир таҳинда.  
Ўрамчидек ҳамиша тор этарсан,  
Қаноатсизлигинг изҳор этарсан.  
Қилурсан риштаи жонинг била қайд,  
Мағасдек мурни қилмоқ учун сайд.  
Супурса соҳиби хона баякбор,  
Ўрамчи ҳам кетар, ҳам сайду ҳам тор.  
Қолибсан танга деб аҳволи танга,  
Машаққатлар бошингда ранга-ранга.  
Югурма жиға кўб йиғмоқга йил-ой,  
Бўлай деб бой, бисотинг бермагил бой.  
Яқин билгил шуни, эй соҳиби ҳол,  
Ҳарис эрмас зиёд этгон била мол.  
Ҳарис улдур агар дунёи фоний,  
Йиғай деса муҳаббат бирла они.  
Агар бўлса кишида моли саҳли,  
Кўнгул берса эрур дунёни аҳли.  
Бисотида бир арпа қўрси бўлса,  
Ани дун аҳли де, гар ҳирси бўлса.  
Кишининг кўнглида бу фони бўлса,  
Эрур дунё ила бир дони бўлса.  
Агар бир қулда юз харвор зардур,

Агар бўлмоса меҳри зарардур.  
Агар минг кўза тилло тушса кўза,  
Қачон давлат билур аҳли дил ўза.  
Қаюдур меҳри йўқ эрнинг нишони,  
Буюргон жойига сарф этса они.  
Деса, меҳрим йўқ, аммо, тутса маҳкам,  
Эрур ёлгончи ул фарзанди одам.  
Киши молига беэҳсон эмасдур,  
Худонинг фазлидур, дунё эмасдур.  
Дема, дунё чироғи охиратдур,  
Худойимдин нишони мағфиратдур.  
Бизоат бўлса ҳам кам айла инфоқ,  
Узумдур барги кам раздин сучукроқ.  
Керак аҳли карам халқ этгали жам.  
Ўзини дамбадам кам этса чун шам.  
Кишининг эътиқоди бўлса солим,  
Демас, гўру кафанликдур бу молим.  
На ғам иймонли қулнинг ўлганида,  
Танида бўлмаса уч газ танида.  
Саломат ўлса иймони билан кас,  
Агар орий кўмулса орий бўлмас.  
Карамлик бандаси гар бўлса чўлда,  
Ичар-ер бўлмаса бир зарра қўлда,  
Қўпуб ўлтурғали қолмай мажоли,  
Ҳалокат палласиға етса ҳоли.  
Агар кўз ёшига сув топса анда,  
Қилур ярмини сарф ўзга банда.  
Топилса луқмаи жону жигардин,  
Дариғ этмас ани ёри дигардин.  
Карамлик бандаға ёлғуз еган ош,  
Бўлур хок оғзида, балки, бўлур тош.  
Шакар нўш этса ёлғиз топмай баҳр,  
Бўлур қон оғзида, балки, бўлур захр.  
Қаро сув ичсалар икки биродар,  
Кўрар шарбатча, балки, оби кавсар.  
Ики ҳамдил еса бир луқма нондин,  
Сучук билгай асалдин, балки, жондин.  
Киши нондек қилур эҳсонда хўйин,  
Олур таннур ичинда обрўйин.  
Қизил юзлук бўлуб чиққон замони,  
Тушар халқ оғзиға эҳсони они.  
Кулуб меҳмон қошиға чиқғил, эй қул,



Шажар меводин олдин кўрсатур гул.  
Агар эҳсон этар бўлсанг эшит ҳарф,  
Ани ҳам жойиға қилмоқ керак сарф.  
Билиб бер жойиға кадди яминни,  
Зироат айлама шўра заминни.  
Ёмон ерга ани сарф этма бори,  
Бўрини йирториға берма ёри.

#### НАФСИ ШУМ БАЁНИДА

Кел, эй кас, бўлма акнун тобеи нафс,  
Сўлура ахшом сабо бу гардани ғафс.  
Ҳама тоатларинг хўби-ю софи,  
Яқин билсанг эрура нафсининг хилофи.  
Қўяр кечликға доим нафси бад юз,  
Қачон ўт туз ёнар ёлборсанг ўттуз.  
Эрура нафсининг димоғи турфа еллик,  
Қачон эллик қилура ёлборсанг эллик.  
Ўзинг паст айласанг нафсининг забардаст,  
Бошининг чайноб солура чун уштури маст.  
Бурунға боди кибр эсмай бурундин,  
Бурундуқ сол анга қўпмай бурундин.  
Риёзат бандиға беркит оёгин,  
Кўтарма бошидин тақво туёгин.  
Йиқилиб қолмағудек бер емишни,  
Зиёда айла кам-кам қаттиқ ишни.  
Қўюб андозаи ҳолиға юкни,  
Ибодат йўлиға кўндур бу лукни.  
Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,  
На бўлғай мутмаинна бўлса бир кун.  
Семиз кўб қилма бу тишлар этингни,  
Қутуруб ёрмағай ногаҳ бетингни.  
Йилонни асрадинг неча йил они,  
Улуғ бўлгон сори усти зиёни.  
Ўтубдур қўл билон бўйнин тутардин,  
Хатардур куч қилиб бошининг ютардин.  
Етибдур қўйғоли кўксин юзунга,  
Кима дерсан ўзунг қилдинг ўзунга.  
Дило, қўб ҳоли ҳам тутма ўзунг суст,  
Белиннга боғла ҳиммат фўтасин руст.  
Таваккул сайфини сидқ илкина ол,  
Қил ични холис андин сўнг қилич сол.

Таажжуб билма фазли бебаҳодин,  
Амон этса мунингдек аждаҳодин.  
Фараз мундоғ адувни қилма фарбеҳ,  
Агар келса қўлунгдин қатъи сар беҳ.  
Семурса нафс агар ичмак-емакдин,  
Юз онча эт олур яхши демакдин.  
Яна юқори ўтмакдин олур баҳр,  
Бу нафси жоҳила дунёйи бадқаҳр.  
Ўторман деб ўторда бўлмағил шод,  
Ўтунг дейдур ўтинг олғой бу жаллод.  
Киши билса ризо шаҳдини завқин,  
Билур бирдек мажолис тахту фавқин.  
Турар ўз ҳолида бисёру камда,  
Юрушин бузмағой ҳеч шоду гамда.  
Киши кўрса Худодин жузву куллини,  
Билур хайрият ул иззат ва зуллини.  
Эрур ҳолоки боби тавба мафтўҳ,  
Ёмон нафсингни қилғил тобеи руҳ.  
Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,  
На бўлғой фоида етмиш ёшингдин.  
Агар нафсинг муродин изламаксан,  
Агар саксанга умринг етса сак сан.  
Азал кундин агарчи хавфи йўқсан,  
Агар тўқсанга етсанг кўнгли тўқсан.  
Азалдин қилса кимнинг кўнглини реш,  
Дегай ўн беш ёшин кўб, балки ўн беш.

#### БАНДА АҲДИДА ТУРМОҒИ БАЁНИДА

Кел, эй содиқки қилдинг сидқ лофин,  
Ўлонча қилмағил ваъда килофин.  
Хилоф этгон забунлардин забундур,  
Бу дунёву у дунё сарнигундур.  
Халойиқ олдида кўтаҳ забондур,  
Худо даргоҳида андин ёмондур.  
Хилоф этсанг агар айғон сўзунгдин,  
Кўтар эркаклик отини ўзунгдин.  
Додук қийғочи дасторингдин ортуқ,  
Сани йўқ бўлғонинг борингдин ортуқ.  
Чиқармоғил оғуздин қилмас ишни,  
Қилурман дема қўлдин келмас ишни.  
Оғуздин чиқса сўз қайтормағил қош,

Агарчи кетса ҳам ул сўз учун бош.  
Керак эрман деганни ваъдаси туз,  
Агар туз бўлмаса андин кўнгил уз.  
Яқин билгилки тузликдин асони,  
Эронлар олдилар ўнг қўлга они.  
Хусусан туз керак эр эътиқоди,  
Бўлурми эгри ҳеч масжид имоди.  
Сўзин бузғон киши бузмасму иймон,  
У кимса бирла қилма аҳду паймон.  
Сўзин бузғон кишини яхши эрлар,  
Қусуб қайта ани ичгонча дерлар.  
Қаю таййиб киши ичгой қайидин,  
Тириксан қолмағил аҳдинг пайидин.  
Мабодо узсанг ақволи уқудинг,  
Тўкулуб қолмағай йиқғон нуқудинг.

### ҲИКОЯТИ ИСМОИЛ АЛАЙҲИС САЛОМ

Халил ўғлики Исмоилдур, эй саъд,  
Ани ёд этди Тангрим содиқ ул-ваъд,  
Анинг содиқлигин, эй одамизод,  
Қилубдур бир ҳикоят қилгучи ёд.  
Борур эрди ўшал шаҳ бир тарафга,  
Йўлуқти мўъмине ул бошарафга.  
Деди, турсанг бу ерда, эй неку кор,  
Уйимда, яъни баъзи ишларим бор.  
Бориб келсам қўшилсам сизга минбаъд,  
Турай деб ваъда қилди содиқ ул-ваъд.  
Келурман деб қошидин кетган ул кас,  
Унутди ваъдасини бўлди келмас.  
Қилибман ваъда деб ул соҳиби роз,  
У ерда олти йил ўлтурди қиш-ёз.  
Ўшал ваъда унутқонни гузори,  
Етушди олти йилдин сўнгра бори.  
Ўшал ваъда учун турғонни билди,  
Уят боди билан тутдек тўкулди.  
Оғиздин дафтари узрини очди,  
Дури ашқин оёқ остига соғди.  
Забиҳуллоҳ анга лутф этди чандон,  
Эди чун ғунча гулдек бўлди хандон.  
Сучук тилни аңга сарф этди чун бол,  
Ана ваъда, ана афву ана ҳол.

Кишини ваъдаси чун бўлмаса рост,  
Муҳаббат аҳдин андин қилма дархост.  
Ишонма айғониға, эй хирадманд,  
Агар чандики, ул ёд этса савганд.  
Сўзин бузғон киши бузмасу иймон,  
У кимса бирла қилма аҳду паймон.  
Агар тузлук билан барпо бўлурсан,  
Алифдек жон ичинда жо бўлурсан.  
Агар каж бўлса афъолинг бу дундек,  
Қолурсан балки қон остида нундек.  
Қилич бошинга келса айма ёлғон,  
Ўлумдиндур батар чунки уёлғон.  
Агар ёлғончиликда ўтса отинг,  
Қиёмат кун начук бўлғай уётинг.  
Нажас мурдор эмас ёлғончиликдин,  
Мусулмонларға шарм эт бу қилиғдин.  
Шариат ҳукми бирла, эй неку роӣ,  
Ғаҳе чин сўзни ҳам кўнглунга қил жой.  
Намимани ёмон деди шаҳи дин,  
Сухан чин бўлса ҳам бўлма суханчин.

#### ЯХШИ ҲАМРОҲ БАЁНИДА

Кел, эй, озим, агар бўлсанг сафарда,  
Рафиқи топ тариқи пурхатарда.  
Керакдур эр кўнгиллик-яхши ҳамроҳ,  
Рафоқатга яромас ҳар қаю доҳ.  
Начукким, мағзини жонда тутар пўст,  
Муҳаббат йўлида андоғ керак дўст.  
Ўзин қул, ёрини султони билса,  
Ўзини тан, рафиқин жони билса,  
Аёғига агар текса тикони,  
Қадолғонча кўзига билса они.  
Совуқ ел текса йўлдошин юзига,  
Агар қўлдин келур олса ўзига.  
Анго келди дегон тири балоға,  
Қилиб жонин сипар тутса ароға.  
Ёмон йўлдош эрур чун мори афъи,  
Зарардин ўзга йўқдур зарра нафъи.  
Ёмон бўлмай, ва лекин бўлса номард,  
Қуруғ сурат эрур қилғил кўнғил сард.  
Ўлукдур бўлмаса ҳар кимда гўрда,

Тирилмасдур кўтаргон бирла мурда.  
Эмас эрнинг нишони решу олат,  
Нишони ҳиммату ғайрат, саховат.

#### ҲИКОЯТИ САЪИДУ САЪД

Саъиду Саъд қилди аҳди ёри,  
Сафар бўлди аларнинг ихтиёри.  
Дилу жондек эди ул икки оғаҳ,  
Қазодин оқдилар дарёга ноғаҳ.  
Бирисин тутди маллоҳе ўшал ҳол,  
Деди, қўйғил мани ёрим қўлин ол.  
Муни қўйди ани чун тутти мазбут,  
Бу ҳам айди, мани қўйғил ани тут.  
Томоша қил алардин аҳди ёри,  
Ана қавли дуруст эрларни ҳоли.

#### ХАВФ ВА РАЖО ХУСУСИДА

Кел, эй тан, бўл ҳамиша илтижода,  
Давомул-умр бўл хавфу ражода.  
Кўтарма ҳеч ражову хавфдин раъс,  
Яқин бил куфрудур ҳам амну ҳам яъс.  
Сенинг олдингда пайдодур ики йўл,  
Бири ўнг қўл сари борғой, бири сўл.  
Киши билмас қиёмат даштида оҳ,  
Кетар банда ики йўлдин қаю роҳ.  
Агар сонсиз ато қилса худойинг,  
Беҳишти Адн эшигин сурса пойинг,  
Қариш йўл қолса жаннат этгали тавф,  
Бурунғидин зиёда айлагил хавф.  
Наузу биллоҳ ул боргон йўлунгдин,  
Агар қайтарса не келгай қўлунгдин.  
Агар дўзах лабинда бўлса пойинг,  
Умид узмаки ғофирдур Худойинг.  
Ажаб эрмас агар қайтарса ондин,  
Насиб этса беҳишти жовидондин.  
Агар устунгдаги етти табақни,  
Кезиб дарс айласанг етмиш сабақни,  
Малоикдек агар паррандадурсан,  
Яқин билгилки, охир бандадурсан.  
Сани отингу зотинг банда бўлса,

Начук хавф этмасанг жон танда бўлса.  
Эрур қулнинг иши қўрқунчу зори,  
Қабул этмак эгамнинг ихтиёри.  
Агар афв этмаса бечорадурсан,  
Қаю йўл деса анда борадурсан.

#### ҲИКОЯТИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Муҳаммадким, шаҳи дунёву диндур,  
Сифоти раҳматан лил-оламиндур.  
Замину осмонни халқу хайли,  
Яротилди ўшал эрнинг туфайли.  
Ўқурда бир куни тангри китобин,  
Ўқуди анда дўзахнинг азобин.  
Ул оят ваҳмидин кетди ўзидин,  
Йиқилди ерга ул дамда юзидин.  
Саҳоба ҳар қаю бир ҳола бўлди,  
Замину осмон дар нола бўлди.  
Замондин сўнг кўзини айлади боз,  
Саҳоба айдилар: – Эй маҳрами роз,  
Сани халқ афзали қилди Худойинг,  
Муҳайё бўлди жаннат ичра жойинг,  
Сифотинг раҳматан лил-оламиндур,  
Худодин мунча қўрқунчинг надиндур?  
Деди: – Гарчи расули жузву куллман,  
Начук хавф айламай зероки қулман.  
Агар юз минг башорат берса Борий,  
Керак қулдин ўшанча хавфу зорий.  
Кишининг исми зоти бўлса банда,  
Бўлурми форигийят қул деганда?

#### ХУДОНИНГ РАҲМАТИДИН УМИДВОР БЎЛМОҚ БАЁНИДА

Кел, эй тан, бермагил вақтингни қўлдин,  
Югур дарёи раҳматга бу чўлдин.  
Гуноҳим қўб эрур деб бўлма маъюс,  
Ажаб эрмас агар афв этса Қуддус.  
Дилу жон бирла тавба қилсанг, эй ёр,  
Магар лутф айлагай донойи асрор.  
Абасдин эмди йиглаб, титра йиглаб,  
Тила жону дилиндин раҳмати Рабб.  
Ҳавони паст эгар ашқинг нужуми,

Кавокибдур Шаётиннинг ружуми.  
Агар лутф айласа Саттори олам,  
Битар бир лаҳзада кори ду олам.  
Юрак ёгин кетар бўлсун десанг боз,  
Қилур кўз ёгини ич ёгини оз.  
На давлатдур келиб айбингга шарминг,  
Дили гарминг сани айрилса гар минг.  
Худонинг хавфидан бир қатраи ашк,  
Азозил олдида чандон бўлур рашк.  
Саодатлик киши еб доимо ғам,  
Кўзин ҳақ хавфи бирла қилса шабнам.  
Ғараз, узма умид, эй толиби роҳ,  
Деди: – Ло тақнату мин раҳматиллоҳ.  
Ўтулмас журми ширк, эй марди солик,  
Ўтар лутф айласа мо дуна золик.

#### ҲИКОЯТ

Эшитгил, фосиқи ёнди гунаҳдин,  
Пушаймон бўлди аҳволи табаҳдин.  
Қилур эрди ёмон нафсин маломат,  
Гуноҳдин муддате эрди саломат.  
Ёмон нафси тақозо қилди ёна,  
Ёмонлиғ орқасидин кетди ёна.  
Саҳаргоҳе уёнди ул гуноҳсоз,  
Пўшаймон ўлди қилгон феълидин боз.  
Бўлуб эрди дилу жони билан нарм,  
Ва лекин қилди бузгон аҳдидин шарм.  
Йўқ эрди захраси тавба қилурға,  
Яқин, етди юроки ёрилурға.  
Нидое келди хотифдин ўшал ҳол,  
Кейин боқма ўзингни илгари сол.  
Ҳамиша мағфират дарёсидур жўш,  
Даме оби ўшал дарёдин эт нўш.  
Агар чандики, буздунг аҳди баста,  
Неча тавба этиб қилдинг шикаста.  
Дилу жонинг билан чун айладинг оҳ,  
Эрур тавбанг сани мақбули даргоҳ.  
Эшитди бул нидойи марҳаматнок,  
Уруб наъра яқосин айлади чок.  
Ўзидин кетди-ю ушбу риёдин,  
Худойим қилди охир авлиёдин.

Тараххум бандага кўбдур Худодин,  
Умид узмак раво эрмас гадодин.  
Яқин бил гарчи Гофирдур Худованд,  
Анго ҳам бўлма мағрур, эй хирадманд.  
Ўтар деб ётмагил қонға бўёниб,  
Уёниб лутфига ўлтур суёниб.  
Агарчи лутфи кўбдур, қаҳри ҳам бор,  
Бошинг гар кўкка етса қулсан, эй ёр.  
Санинг олдингда чандондур хатардин,  
Начук гофил эрурсан хавф этардин.  
Иноят қилса ҳақ ўлган замонинг,  
Узулса нури иймон бирла жонинг.  
Жавоби қабрни берсанг чу беҳроқ,  
Қиёмат кунга қўбсан юзларинг оқ.  
Тарозуға оғир келса савобинг,  
Агар ўнг илгингга келса китобинг.  
Жаҳаннам устидин ўтсанг саломат,  
Беҳишти жовидон қилса каромат.  
Булардин ўтмайин, эй одамизод,  
Начук форуғ юрарсан хурраму шод.  
Жаҳон кулгу ери эрмасдур, эй қул,  
Магар бу кулл хатардин отласанг кул.

#### ҚАЗОҒА РОЗИ ВА БАЛОҒА САБР АЙЛАМАК БАЁНИ

Кел, эй банда, ўзингни сол Худоға,  
Қазоға рози бўл, сабр эт балоға.  
Яқин бил банда бўлса асли исминг,  
Худонинг мулки бўлса жону жисминг.  
Анингдур молу мулку, ҳар на бори,  
Начук қилса ўзининг ихтиёри.  
Бўйин сунгил начукким қилса фармон,  
Бўлурми бандада ҳужжату бурҳон.  
Кишиким бўлмаса рози қазоға,  
Агар сабр этмаса келгон балоға.  
Агар шукр этмаса Ҳақ неъматига,  
Қачон лойиқ бўлур банда отига.  
Худоға ҳар ишинг қилсанг ҳавола,  
Бўлур жаннат бу ўлтурғон қавола.  
Кўнгилда қолмағой дунё гамидин,  
Олурсан баҳра ҳар ўтгон дамидин.  
Қаю қулға муяссар бўлса бул ҳол,



Агар оғу ичар билгой ани бол.  
Худонинг ганжидин бул бўлса яхши,  
Ризожў қул ани кўрмасму яхши.

### ҲИКОЯТ

Ғулومه олди Абдуллоҳи Ансор,  
Деди: – Эй қул, отингни айла изҳор.  
Деди: – Эй хожа, сан қўйсанг қаю от,  
Манинг отим ўшалдур, эй неку зот.  
Деди: – Эй қул, севарсан қайси хўрок?  
Деди: – Сандин не текса беҳдур, эй пок.  
Деди: – Қайси кийим кўнглунгда марғуб?  
Деди: – Сан қайсини берсанг ўшал хўб.  
Деди: – Эй қул, надур касбингу коринг?  
Деди: – Ҳар қайси бўлса ихтиёринг.  
Деди: – Бори қилурсан қай хунардин?  
Оқузди ашкин ул қул чашми тардин.  
Деди: – Эй, яхшиларнинг шаҳриёри,  
Бўлурми қул деганнинг ихтиёри.  
Агар амр айласанг ҳар қайси юзга,  
Надур чорам бўйун сунмоқдин ўзга.  
Эшитди хожа ул қулнинг сўзини,  
Йиқилди ерга ҳам урди ўзини.  
Яқосин чок этиб дер эрди анда:  
Эй Абдуллоҳки, кўрдунг феъли банда.  
Ўзунгни сол Худоға жузву кулдин,  
Тариқи бандалик ўрган бу қулдин.  
Кел, эй нозир, мусулмон бўлса ҳар ёр,  
Назар қилма ҳақорат бирла зинҳор.  
Фақирни билма кам дунё элидин,  
Ҳадисе келди пайғамбар тилидин.  
Деди: – Ал-фақру фахрий, яъни ул шоҳ,  
Начук ортуқ кўрорсан ҳашмату жоҳ?!  
Амалдур яхши қулларнинг камоли,  
Вараъдур ҳашмату жоҳу жалоли.  
Эмас дунёси бўлгон бирла маҳбуб,  
Ҳисоби охират кам бўлғони хўб.  
Агар беҳ бўлса бўлгон бирла моли,  
Ки Қорун бўлғой эрди аҳли ҳоли.  
Қувонди неча кун дунё уйиға,  
Юборди моли бирлон ер қуйиға.

Агар дунёси йўқдин бўлса эр хор,  
Муҳаммадға Билол эрмас эди ёр.  
Муҳаммадким, набийларға эди тож,  
Ато қилди Худо ул кеча меърож.  
Мақоми Сидраға етди у банда,  
Билол наълини савти келди анда.  
Балойи фоқага сабр этган инсон,  
Диёнат мулкидадур марди майдон.  
Агар чандики бўлсанг бибизоат,  
Сулаймонсан агар қилсанг қаноат.  
Қаноатдур кўнгилларнинг сафоси,  
Қаноат барча иллатнинг шифоси.  
Қаноатким табиби ҳар касалдур,  
Қаноат аҳлига оғу асалдур.  
Бировнинг ҳукми етса шарқдин ғарб,  
Бировнинг бошиға муре қилур ҳарб.  
Ажал жаллоди кўксин айлоғоч чок,  
Қилур ҳар иккисин бирдек қаро хок.  
Бировнинг нуқраву тиллоси мўл-мўл,  
Биров кўргони йўқ умрида бир пул.  
Муни муфлис демас, тонгла ани бой,  
Бўлур ҳар иккига зери лаҳад жой.  
Биров ўткорди умрин айш ила фош,  
Биров тотқони йўқ оғзи тўла ош.  
Ажал жон аччиғин кўрсатган андек,  
Бўлур ҳар иккалоси кўрмагандек.  
Бировда бўлса доим меҳнату дард,  
Бировнинг кулфати бўлмоса бир гард.  
Алар бўлса ўлумнинг мубталоси,  
Бўлур ҳеч кўрмагондек иккалоси.  
Ғараз бўл сўздин, эй фарзанди одам,  
Ема ҳаргиз ўтор дунё учун ҳам.

### ХИЁНАТДИН ЙИРОҚ БЎЛМОҚ БАЁНИДА

Кел, эй комил, камол этсанг диёнат,  
Кишига қилмагил ҳаргиз хиёнат.  
Хиёнатким, келур қўлдину кўздин,  
Аёғдин, узви пинҳондину сўздин.  
Муни билгай жамиъи одамизод,  
Эмас ҳожатки, бир-бир айласам ёд.  
Хиёнатким, эрур пайдо кўнгилдин,

Муни англа диёнат берма қўлдин.  
Наким тушса кўнгулга ё кўзунга  
Раво кўрмосанг ул ишни ўзунга.  
Раво кўрсанг мусулмонга они,  
Муни дерлар хиёнатнинг ёмони.  
Қаю ишга ризо бўлсанг кўнгулда,  
Агарчи қилмасанг бўлдинг у йўлда.  
Эрур исён ризоси чунки 'исён,  
Ризойи куфрдур куфр, эй мусулмон.  
Мусулмон ўғлини кўрсанг ўзингдек,  
Зарарда, нафъда билсанг ўзунгдек,  
Қаю қулни мунигдек бўлса ҳоли,  
Будур бешак мусулмонлиғ камоли.  
Агар чандики бўлса шубҳаи кам,  
Раво кўрсанг агар ўз нафсинга ҳам.  
Раво кўрма мусулмонга зинҳор,  
Агар кўрсанг баногоҳ айла изҳор.  
Хусусан бермагил тақволик эрга,  
Муғилон сепмагил райҳонли ерга.  
Тақийнинг кўнглидур дор ус-сиёнат,  
Сиёнатхонага қилса хиёнат.  
Агар топилса неъмат олдиға соч,  
Ва гар бўлмоса оғзин узр учун оч.  
Агар минг халта берсанг, халта кўб зар,  
Санго андин нечук суд, эй биродар.  
Агар берсанг ариғдин қатраи об,  
Эрур чандон савоб, эй гавҳари ноб.  
Кишига берса ким моли ҳароми,  
Умид этса савоб ул марди оми,  
Бўлур кофир умид этган ул инсон,  
Билиб олиб дуо қилгон ҳам ул он.  
Хиёнатнинг бириким бўлди мавсуф,  
Билиб қилмоса ҳар ким амри маъруф.  
Ва гар наҳй этмаса мункар ишини,  
Хиёнатлик дегил андоғ кишини.  
Биров йўл билмойин юзлоса чўлга,  
Билиб сан солмасанг гар яхши йўлга.  
Начук инсоф эрур қайси диёнат,  
Эрур андоғ улуғ бухлу хиёнат.  
Агар олдинда тифле бўлса ногоҳ,  
Ёнар ўтга тушарин билсанг огоҳ,  
Ўзатмас бўлсанг анга дасти алтоф.

Начук бўлгой мусулмонликда инсоф?!  
Жамиъи бандаи мўмин саросар,  
Эрурмиз бир-биримизга биродар.  
Биров чиқса тариқи охиратдин,  
Ўгурса юз мақоми мағфиратдин,  
Агар кўрсатмаса йўл кўрган инсон,  
Бахиллик мундин этмас, эй мусулмон.  
Сен айгон сўнгра туз бўлмоса ҳоли,  
Ўзининг бўйнига бўлгой ваболи.  
Очибдурсан биродарликнинг бобин,  
Топибсан амри маъруфнинг савобин.  
Агар келмоса қўлдин ё тилиндин,  
Ёмон бил ул ишини жон дилиндин.

### ЖУВОНМАРДЛИК НИШОНИ

Кел, эй инсон, агар бўлсанг чин эрдек,  
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.  
Агар тепса сани ҳар қайси мавжуд,  
Зиён қилма тақи еткур анга суд.  
Юрокинг қилсалар оҳан била чок,  
Чиқар олдиға турлук неъматин пок.  
Агарчи олама сандин тегар нафъ,  
Ўзунгдин қилма туфроғ отини рафъ.  
Отанг ердур, санам ердек қилиқ қил,  
Ёмонлиғ айлагонга яхшилик қил.  
Киши тош урса боша, эй хўжаста,  
Қулуб боқғил юзига мисли писта.  
Бу синдурмоқға дилтанг ўлма зинҳор,  
Умид улдурки хўш кўргай харидор.  
Оёқ остида қолдим деб дема вой,  
Бўлур чин коса кўб тепки еса лой.  
Агар душманға дўстлуғ қилсанг изҳор,  
Бошинг ёрғон кишиларни десанг ёр.  
Ризо мулкида тамкин айлогон нос,  
Жафо олмоси тегса қаттиқ олмос.  
Демас осиб ани халқ урса осиб,  
Ва ё меҳнат жиболи ётса босиб.  
Жаҳолат аҳли қилмас кина таркин,  
Қачон дар кин бўлур гар бўлса даркин.  
Агар рози еса минг зарбаи яд,  
Дуони ҳаргиз анго қилмағай бад.

Зарарга рози бўлмас ҳаргиз акмал,  
Ҳидоят бирла тавфиқин тилар бал.  
Сўнар кин дардидин ҳолат жамоли,  
Кетур гардин керак гар дин камоли.

#### УҲУД ТОҒИДА БЎЛҒОН МУҲОРАБ

Уҳуд тоғида Пайғамбар тишини,  
Шаҳид этди яна етмиш кишини.  
Ажаб кун тушди мўъминлар бошига,  
Умар келди Паямбарни бошига.  
Деди, йиғлаб: аё султони аброр,  
Дуо қилгил қирилсун барча куффор.  
Ва лекин қилмади ул даъвати бад,  
Ҳидоятга дуо қилди Муҳаммад.  
Ушал рўзики, анбуҳ эрди куффор,  
Абу Суфёну Холид эрди солор.  
Ижобат бўлди Пайғамбар дуоси,  
Мусулмон бўлдилар ҳар иккалоси.  
Ул икки эр билон кўб аҳли тугён,  
Уҳуд кофирлари бўлди мусулмон.  
Чу Холид олди диннинг шаҳдидин баҳр,  
Мусулмон бўлдилар илгинда минг шаҳр.  
Ироқ ила Дамашқу хутгаи Шом,  
Абу Суфён қўлида топти ислом.  
Муҳаммад олди олам хулқи хушдин,  
Муяссар қилмади олтун кумушдин.  
Агар сан марди соҳиб ҳимматисан,  
Расулulloҳнинг хос умматисан.  
Тутарсан жон ила феъли набийни,  
Қилурсан ҳар маҳалда пайравини.

#### ҲИКОЯТ

Баҳо ул-Ҳақ вад-Дин тоба масвоҳ,  
Авонега йўлуқдилар баногоҳ.  
Авон бир сўз деди, ул банда бир сўз,  
Авон қўйди ёмонлиғ бобина юз.  
Юзиға солди қамчин марди ҳоли,  
Қизил қон бўлди сунбулдек соқоли.

Ўшал қонлик соқолин олди қўлга,  
Деди: – Ё раб, муни сол яхши йўлга.  
Ғазаб қилма анго, қилғил ҳидоят,  
Муҳимми ухравийсин қил кифоят.  
Бу сўзни англади ул марди бебок,  
Уруб наъра яқосин айлади чок.  
Юзини ерга суртуб нола қилди,  
Кўзининг ёшини чун жола қилди.  
Олиб ҳиммат асосин кирди йўлга,  
Қўлин топшурди ул ҳимматли йўлга.  
Ана хулқу ана ҳилму ана ҳол,  
Ама давлат, ана нусрат ва иқбол,  
Ана ҳиммат, ана ҳуллат, ана кор,  
Ана табъияти султони аброр.  
Ёмонларнинг ишидур кина тутмоқ,  
Мусулмонлик-ёмонлиғни унутмоқ.  
Ўзининг нафсини кам айлагон қул,  
Қилур қанча жафо келса таҳаммул.  
Ва лекин бу таҳаммул айлагон нос,  
Ҳамийятда керак чун қаттиқ олмос.  
Ҳамийят бобини ўткармагай мард,  
Агар чандики ул иш бўлса бир гард.  
Ҳамийят қайсидур билсанг батаъйин,  
Назар айла китоби мужтаҳиддин.

#### ЭШОНИ СЎФИЙНИНГ ЁРОНЛАРИГА ВИДО ҚИЛГАНЛАРИ

Биродарларки, бизга қилдингиз аҳд,  
Олурмиз деб муҳаббат жомидин шаҳд.  
Топилмас бандада сиз истаган ҳол,  
Очилмас осийдин сиз айғон ишқол.  
Талаб қилманг бу ноқисдин каромот,  
Кушүфоту мақомоту аломот.  
Била олмам ниҳоний тарбиятдин,  
Олиб эрдим илик нафсониятдин.  
Пушаймонман паришон ўтган ишдин,  
Баҳору тирамоҳу ёзу қишдин.  
Пушаймонман илик олғонларимға,  
Тамаъ нониға қўл солғонларимға.  
Боринг эмди ёронлар ҳар қаёна,  
Юсрунлар бир мукамал эр таёна.

Қуруғ құл олғонимдин дар изоман,  
Азизе истангиз сиздин ризоман.  
Мани деб қолмангиз ўз корингиздин,  
Уётлиғман сизнинг рухсорингиздин.  
Баҳил айланг келиб кетгонингиздин,  
Елиб-югуруб умид этгонингиздин.  
Кечурмас бўлсангиз ман қулдин, эй қавм,  
Менинг ҳолимга мушкулдур сабо явм.  
Тониб мандин, тониб авраъ кишини,  
Тутунг маҳкам анинг қутлуғ ишини.  
Керак муршид деган чун баҳри уммон,  
Муборак ботини чун дурру маржон.  
Жаҳолат даштидин ким келса сувсоб,  
Анинг зоҳир сувидин бўлса сероб.  
Агар бўлса кишиким толиби дур,  
Чўмуб ботинга жийбин айласа пур.  
Деманг, топилмағой бу нашъалик кас,  
Жаҳон айвони кенгдур холи эрмас.  
Топилғонда мунингдек лужжаи хос,  
Қани ихлоси кўб ҳимматли ғаввос.  
Чумуб олғой илиға дурри мақсуд,  
Ва гар на құл солиб қочмоқ начук суд.  
Агар сиз топсангиз бир яхши шаҳни  
Хабардор айлангиз ман рўсияҳни.  
Қилой ман ҳам юзин кўнглум зиёси,  
Қадам туфроғини кўз тўтиёси.  
На бўлғай сиз биродарлар пайидин,  
Манга ҳам берсалар ваҳдат майиндин.

## ЭШОНИ СУФИЙНИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА НАСИХАТ ҚИЛҒОНЛАРИ

Таваллом улдур, эй фарзона фарзанд,  
Нигоҳдоринг сани бўлсун Худованд.  
Кўзумни равшани содиқ Муҳаммад,  
Йироқ бўлсун кўзингдин дийдаи бад.  
Эшитмам хастадин бир неча қавли,  
Йигитликка сани еткурса Мавли.  
Ёмон юрма, ёмон андиша қилма,  
Отангдек рўсиёҳлик пеша қилма.  
Яротғон тангриға қилғил таваккул,  
Тамаъ қилма кишидин биргина пул.

Тамаъ бир парча бўлса қилмағил рой,  
Бўлур бир парчадин юз парча бежой.  
Юзунгдин парда кам-кам бўлмасун паст,  
Ҳаёдин орий юзни ори бўлмас.  
Тамаъ бирла кечургон нафси ҳаммос  
Агар оғзин тилар бўлсанг тилар боз.  
Ниқоби шарм очилмасдин бурунроғ,  
Ани берк айла ҳар ёқдин тоқиб боғ.  
Қаноат қил, маломат мулки бўлма,  
Отангдек халқу элга кулки бўлма.  
Паямбарлар фийолидур қаноат,  
Анго вобастадур мажмуи тоат.  
Белингни боғла маҳкам, бўлма мафлуж,  
Кўзунг оч корвоне қилдилар кўч.  
Белингни боғла маҳкам бандаликка,  
Отангдек қўйма юз шармандаликка.  
Шарорат аҳлининг пайванди бўлма,  
Ҳаво бирла ҳаваснинг банди бўлма.  
Кичикликдин ибодатга бўйин қўй,  
Қиёматни ўйун қилсанг ўйун қўй.  
Ажаб хушдур кичикликдин бўлуб соғ,  
Бу кулмоғни қўйуб ғамдин букилмоғ.  
Шабоби тўкса кўздин ҳар шаб оби,  
Ани айнайн дегил раҳмат селоби.  
Риё гардини юқтурма этакка,  
Отангдек бўлма тобеъ нафси сакка.  
Товозуъдин кўтарма юқори бош,  
Такаббур қилмағил монанди хашхош  
Такаббур хотирингга келса филҳол,  
Азозил қиссасини ёдинга ол.  
Кўнгилнинг манзилин қил гўшаи фақр,  
Қиёмат зоди қилгил тўшаи фақр.  
Жаҳоннинг ҳирсидин қилгил ўзинг дур,  
Отангдек бўлмағил дунёга мағрур.  
Умид этгон кўзимнинг нури болам,  
Отангдек бўлмағил расвои олам.  
Агар чандики бўлсанг қўл-қанотлиғ,  
Худо даргоҳида бўл мискин отлиғ.  
Уруғлиғман дема тонгла уруғ бор,  
Ҳисобу номаву вазну сўруғ бор.  
Ўзунгни айла кўб бўлгон сари хўб,  
Неча ман кўб деганлар бўлди манкуб.



Бўлуб хешутаборинг бирла мағрур,  
Дема ман зўр агар дин бўлса манзур.  
Бу дунёдин агар ўтсанг қуруғ лаб,  
Кўнгилга солма ҳаргиз ёди мансаб.  
Ўтар дунёда ҳар ким бўлса динлик,  
Билур мансабдин ортуқ хўшачинлик.  
Ажаб офат эрур жоҳу зарофат,  
Шар офатни била кўрма шарофат.  
Билиб дунё мақомин ғайри маъмур,  
Бўлур зийрак вазирақ отидин дур.  
Кўтарсанг бошга ортуғ бўлма ортуғ,  
Бўлур маълум сабо урса малак буғ.  
Худодин ҳар на келса айлағил сабр,  
Отангдек қилмағил ўз нафсинга жабр.  
Худонинг амрига қилғил итоат,  
Зиёд эт тоатинг соат-басоат.  
Муҳаббат фўтасини боғла белга,  
Отангдек қилмағил ўз нафсинга жабр.  
Худонинг умрингни ўткарма елга.  
Ҳавас дунёда қилма муҳтарамлик,  
Вале бўл ҳолинга лойиқ карамлик.  
Агар уч кунда топсанг парчаи нон,  
Ема ёлғуз яъни ярмин қил эҳсон.  
Агар бир йилда пайдо бўлса бир пул,  
Емас ёлғуз Худони истаган қул.  
Кетарни билса ҳар ким жойи танга,  
Емас танга ғамин бу нафси ланга.  
Жаҳон меҳрин кўнгилдин айла зойил,  
Отангдек бўлмағил дунёга мойил.  
Ишингни айлағил кун-кундин ақво,  
Худони суйганидур аҳди тақво.  
Агар тақво ишин қилсанг баихлос,  
Дегай шояд сани Ҳақ бандаи хос.  
Агар бўлсун десанг жону дилинг жам,  
Вараёйин бўлуб илм ойин эт шам.  
Агар илму амал бир бўлса ранги,  
Ҳар ойина кетар ойина занги.  
Агар топсанг Худо даргоҳида қурб,  
Муҳаббат косасидин берсалар шурб.  
Саҳарлар кўб, кўтар дасти дуони,  
Тила мунглуғ ато бирла онони.

Кел, эй Оллоёр, сўз кўтоҳ қилғил,  
 Белингни боғла азма роҳ қилғил.  
 Қаро сангдур сани аслинг қаросанг,  
 Берибаурсан риё қони била ранг.  
 Ўдум тўфони бу сирни қилиб фош,  
 Агар ич бўлмаса суд айламас тош.  
 Қариб жисминг қариб бўлдинг ҳавасга,  
 Начук шармандалик сан тусли касга.  
 Оқарди соч, надомат ашкини соч,  
 Яқонг ушла даҳони маъзират оч.  
 Ёлинг оқи асар қилмади ҳола,  
 Уёла юр боқиб ҳар дам у ёла.  
 Ҳаво бирлон тузук иш қилмадинг ҳеч,  
 Бўлубдур кеч ҳавас безоридин кеч.  
 Санго айди ўшал пири қўҳансол,  
 Агар қол аҳлида топилмаса ҳол,  
 Амалким айлоғой ўз қоли бирлон,  
 Қолур иззат ва ҳурмат оли бирлон.  
 Бўлур ортуқ ҳавас бирлон ҳавоси,  
 Эрур ҳол ушбу иллатнинг давоси.  
 Қалам қилдинг қаро, кўнгилунгни қил оқ,  
 Ўшал эрнинг сўзини ҳалқа қилиб тоқ.  
 Ўзунг қилмай кўнгил бозорини тай,  
 Кишига сўзламак то чанду тоқай.  
 Агар бўлса кўнгилнинг ихтиёри,  
 На бўлғой қолса мандин ёдгори.  
 Битибсан форсий тилда китоби,  
 Тамом анда масоилнинг жавоби.  
 Ҳама фатвову тақвонинг баёни,  
 Ўн икки мингдин ортуқ байти они.  
 Дединг шайъи қалили туркий тилдин,  
 Кеч эмди албатта бу қолу қилдин.  
 Агарчи яхши сўз қанду шакардур,  
 Хатосидин вале хавфу хатардур.  
 Хатоси бўлмағай айғон сўзунгни,  
 Тазарру ҳолига сургил юзунгни.  
 Худога нола қилғил ортаву шом,  
 Ишингни пухта қилғил қолмағой хом.  
 Ҳижоби мағфират ёнғой хатога,  
 Сазовор айлоғой турдук атога.

## РУБОИЁТ БАТАРИҚАИ МУНОЖОТ

Холиқо, қойилман ўз нуқсонима,  
Кўб жафо қилдим ўзимни жонима,  
Зоти покингдин иноят бўлмаса,  
Ҳеч ишончим йўқ амал қилгонима.

Холиқо, қилдим фиъоли гандани,  
Қилмагил расво мани шармандани,  
Сан агар раҳмат ниқобин ёпмасанг,  
Айби кўб, нуқсони кўбдур бандани.

Холиқо, тўктум ибодат тосини,  
Сан тузарсан бандани кам косини,  
Қулларнинг булғонса исён лойиға,  
Оқизурсан мағфират дарёсини.

Холиқо, қилдим гуноҳи беҳисоб,  
Тонгла сан сўрсанг на бергайман жавоб?  
Мен очарман жўрми исён чехрасин,  
Сен ёпарсан авфи раҳматдин ҳижоб.

Холиқо, қилдим гуноҳи беадад,  
Жон берур ҳолатда сан бергил мадад,  
Нафси шайтон илгидин қутқормасанг,  
Бўлди мушкул ҳолимизга, ё Аҳад.

Холиқо, ё Аввало, ё Охиро,  
Нафси шайтон жонима бўлди бало,  
Гарчи Оллоёр ўточидур ямон,  
Қўймагил душман қўлиға мубтало.

Холиқо, тутдум фароғат хобини,  
Истадим дойим жаҳон асбобини,  
Гарчи Оллоёр эрур фарқи гуноҳ,  
Оч анга ўлганда раҳмат бобини.

Холиқо, умр айладим фони билан,  
Эмди баданг зор этар жони билан,  
Гарчи Аллоҳёр эрур зеру забун,  
Жонини ол нури иймони билан.

Холиқо, пой ишларим бош айлагил,  
Хирмани тоат манга чош айлагил,  
Мунда тавфиқим чироғин қўлга бер,  
Анда иймонимни йўлдош айлагил.

Холиқо, афви айла ўтган ёшима,  
Яхши қулларни ато қил қошима,  
Гўр ичида келса икки сўргучи,  
Анда сан раҳм айла ёлғуз бошима.

Холиқо, кўнглумда дунёйи дунни,  
Ман эрурман бандаларнинг озғунни.  
Гарчи банданг мунда бўлса русиёҳ,  
Юзларин оқ айлаким маҳшар куни.

Холиқо, ҳайф ўти моҳу солимиз,  
Бўлмади нофиъ аёлу молимиз,  
Сан ҳисобимизни осон этмасанг,  
Рўзи маҳшарда на кечгай ҳолимиз?

Холиқо, ярлоқа халқи оммани,  
Ўртада мандек маосий хомани,  
Ҳашрда ҳар кимга келса бир битик,  
Анда бергил ўнг қўлумга номани.

Холиқоқим, изладим кўйи амал,  
Яхшилардек юрмадим суйи амал,  
Сан карам бирла қиёмат даштида,  
Айлагил оғир тарозуйи амал.

Холиқо, дийдамга ашки жорий бер,  
Кўнглума дойим муҳаббат ёри бер,  
Оби кавсардин мани сероб этиб,  
Ҳам яна кўпрук ўтарда ёри бер.

Холиқо, лутф айла жанноти наъим,  
Қилмагил ҳаргиз гирифтори жаҳим,  
Ман гуноҳлик қул эрурман Сан Ғафур,  
Ман хатолик бандадурман Сан Карим.

Холиқо, туз айлагайсан роҳимиз,  
Мустажоб эткил дуою оҳимиз,

Тонгла ҳайрон бўлса халқ ўз ҳолига,  
Мустафони қил шафоатхоҳимиз.

Холиқо, лутф эт гадойи зоринга,  
Бандадурман, розиман ҳар коринга,  
Мағфират дарёсиға фарқоб этиб,  
Кўзларим шийиста қил дийдоринга.

#### ҒАЗАЛИЁТИ ЭШОН СЎФИ ОЛЛОЁР

Ҳожатим ўлдур по ишим бош айласанг,  
Мунда тавфиқ, анда иймонимни йўлдош айласанг,  
Илкима берсанг асои ҳиммат, оғзимға сано,  
Кўнглама ишқ оташин солсанг кўзим ёш айласанг.  
Бор умидим гарди исёнимни ювгай оби афв,  
Варна йўқтур чораси банданг қаро тош айласанг.  
Чеҳраи журмимни ёбқил пардаи исмат билан,  
Анда мушкулдур гуноҳим халқ аро фош айласанг.  
Гарчи Оллоёр эрур ноқобилу номустақим,  
Лутф этиб бир муршиди комилға йўлдош айласанг.

Хуш кариму корисозу бандасиға меҳрибон,  
Ўн саккиз минг олам ичра сунъини айлаб аён.  
Бирини қилди кўру шолу, бирни қилди қару гунг,  
Қудратини кўрсатибдур халқа бешакку гумон.  
Эй Карим, дардимни айтай раҳм қил ман хастага,  
Бу ғариб бечорани Сан шод қилғил ҳар замон,  
Бир худони ишқида девонадурман оқибат,  
Хуш ажаб савдони солди бошима андар жаҳон.  
Беқарору бенавову музтариб аввораман,  
Лайли-ю Мажнун каби офсонадурман дар жаҳон.  
Кеча-кундуз тангрининг ёди билан девона бўл,  
Бехабар бўлма даме ёдини айғил ҳар замон.  
Гоҳилар девона бўлуб, гоҳилар масту хароб,  
Бир ҳақиқат ёр учун ҳар дам қилиб оҳу фиғон.

Эй биродарлар, мани яхши деманглар зинҳор,  
Зоҳирим сўфинамодур, ботиним кину ниқор.  
Шумлуғим, расволиғим тегди вилоят халқиға,  
Онинг учун тоғу тошу чўлни қилдим ихтиёр,  
Бу сабабдин мухталит бўлдим ғариблар қавмига,

Қайси ҳолда ўлганимни билмасун хешу табор.  
Бош олиб чиқтим тутуб аҳли таваккул доманин,  
Асроғой шояд мани халқ айлаган парвардигор.  
Ҳар биродар гар сўрорса ёр мискин ҳолини,  
Айтингиз яхши дуосин кўз тутар ул дилфигор.

Жон агар ҳамсуҳбати тандир жаҳонда ғам ема,  
Бу лазиз меҳмон боринда ғуссаи олам ема.  
Бир қаршилик йўлга кирсанг қўйма бейўлдош қадам,  
Бир мавиз олдингда ҳозир бўлса беҳамдам ема.  
Икки кунлик лаззати дунёи бепоен учун,  
Фикр этиб ғам тўьмасини, эй бани одам ема.  
Тангидаст ўлдум деб Оллоёр кўб фикр этмагил,  
Юз надомат бирла оламдин кетарсан, ғам ема.

Эй хуш, ул умрики ўтса бир неча шайдо билан,  
Танлари халқ ичра бўлса, диллари Мавло билан.  
Бағри бирён, кўзлари гирён ёронларни қўюб,  
Хайф ўшал умрики ўтса, бизнингдек расво билан.  
Жон фидойи ул биродарким бу дунё мулкидин,  
Кўрмаса бир пул юзини ўтса истиғно билан.  
Аждаҳо бирлан тўқуш қилгон кишини эр деманг,  
Эр ўшал эрудурки турса, бандалик тамғо билан.  
Токи Оллоёр истарсан тириклик иззатин,  
Қоч ўшал тандинки фикри бўлмаса тонгло билан.

БУ НАЗМДА ЎЗ НАФСЛАРИҒА ХИТОБ ҚИЛГОНЛАРИ

Оллоёр, югурки маҳмил кетди,  
Ётқон сари илкингдаги ҳосил кетди,  
Ҳам қофиланинг каросидин айрилдинг,  
Йўл билгучи шижоатдил кетди.

Оллоёр, туруш надур, эл кетди,  
Бу чўлда даме сув ичмайин сел кетди,  
Анбори амалға донас киргузмай,  
Фарёд хирмани ҳаваси ел кетди.

Оллоёр, эл кўпи шошиб кетди,  
Дарёлар ўтуб, уқбадин ошиб кетди,

Сан мунда начук фи роғ ила ётқойсан,  
Ҳамроҳларинг санга қарошиб кетди.


Оллоёр ўзин билар кас кетди,  
Ҳар ердаги мардуми суханрас кетди,  
Шаҳбозлар илгари талаб қилғонда,  
Фарёдки, толсин қуши паст кетди.

Оллоёр уруғ нишонлар кетди,  
Рухсораси зарду бағри қонлар кетди,  
Сан мунда начук тоқат этиб тургойсан,  
Сирдош ёронлар, нигаронлар кетди.

Оллоёр, югурки даврон кетди,  
Дўстлар ҳамма интизору ҳайрон кетди,  
Гурбат кўрини белға солиб тилмурушуб,  
Гирён-гирёну бағирлари қон кетди.

Оллоёр, югурки савдо кетди,  
Кўб қофилаи мақсуди аъло кетди,  
Охир сани ҳам кетмасга муҳосил қўймас,  
Тезроқ қадам урки, қуввати по кетди.

Тешти кўксум, эзди бағрим доғи ҳижроним мани,  
Бу аламда мунча ғамда чиқмагон жоним мани.  
Дилда сабрим, юзда шармим, бошида ҳушим қолмади,  
Кўзда ёшим, рангда қоним, танда дармоним мани.  
Дарда тўлсам, ғамда сўлсам, телба бўлсам ишқида,  
Ҳасратида мундоғ ўлсам йўқдур армоним мани.  
Ҳолатим бад, ҳасратим беҳад, фиғоним беадад,  
Қил мадад мандек йиқилгон қулға Султоним мани.  
Ғуссан дил, қиссан мушкулға қолдим ойу йил,  
Обу гил ичра хижил қолгон тану жоним мани.  
Айтур Оллоёр йиғлаб зор ҳар лайлу наҳор,  
Тири ишқи ёр тўкса кошки қоним мани.



Массовое издание

На узбекском языке

СУФИ ОЛЛОЁР

Издательство "Меҳнат" – Тошкент – 1991

*Книга издана по заказу и финансирована творческим объединением "Ижод". Отпечатана на бумаге, приобретенной по договорной цене.*

Бўлим мудир **М.Тўйчиев**  
Кичик муҳаррир **Қ.Дориломонова**  
Рассом **О. Бакликова**  
Техник муҳаррир **Н. Сорокина**  
Мусаҳҳиҳа **М. Тожиева**

ОИБ №1220.

Теришга берилди 29.04.91. Босишга рухсат этилди 15.05.91. Ўлчами 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
№2 қоғозга "Таймс" гарнитурда ротап rint усулида босилди. Шартли б.т.  
12,32. Шартли бўёқ ўлчами 12,53. Нашр т. 12,73. Нуска 50000.  
Буюртма Баҳоси **7** с.

"Меҳнат" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий 30. Шартнома №83–91.

Макет–оригинали "Меҳнат" нашриётида техник ва программа воситаси АСПТИ асосида тайёрланди.


Ўзбекистон ССЖ Матбуот Давлат комитети, Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.



که حکم این دست با برین دست صفا



سعی همام ملا محمدی و مطبوعه



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

یرانی قطره دین کو ہر پاک  
 جہانہ حکیمینی کو رسا مطلق  
 نبی آدمغہ اندین استقامت  
 قیلور مہر فصل نور کو کثاہ حاصل  
 قیلور برقرص دین عالم کوزین  
 قیلور بر لفظ و اپہلماس دانا  
 پنچو کیم ایلا دی انامی ہر کم  
 فالور تا آستیندہ این جہا پر پاک  
 ویکدین لکما ہول نوح ایاعنی

شا اللخالق غبر او افلاک  
 سماوات او نبی تو تہی معلق  
 قیلینب رین ذمہ حوت  
 پدید آیتد جہان کچرہ قوا  
 عجب صنوع عجب احکام تقدیر  
 ارادہ تیک او لچی تو انا  
 صفی نفر این شیکاج جا الینہ  
 خلد اس اتیا برونی رب الافلاک  
 پنچو کیم تو بند طوفان شت تا

خلیل احمد ایچون بایندور دلاز  
 غضبت عا دلاز قیلدی نابو  
 بایغ فاریند اپز صا کرمت  
 اکر امرایتی پیر فارق الو  
 نچو کیم دوستی سلط کونین  
 اکر هر کیم کا پیر سا عزامه اد  
 سلیمان کیم ایکورد اوشن دین  
 غرض قدرت نایغ ایلا دفا  
 دیدی رحضرت روح الامین  
 اینیک بک جبرئیل سدره پرداز  
 اکر قیلسا بر او نینک تو بیغنی  
 کلیم ایلیکید اکی قوتلوغ عصانی  
 غرض قدرت نایغ ایردای  
 عززایت قیوعطنی و شال شاه  
 سلیمان خدمتید ایلدی پرواز

سید  
 علی

قدم تو یما او شال اوت بلر کلر ا  
 اید اول سبیل سیم تابع هود  
 چیله و لتوردی حقیقی سلا  
 کیلور پیر لخط دا غراب سیدین  
 یتوردی ساعتی ده قاب سبین  
 کیلور خدمتکا جنت ادنی زار  
 انا فرمانی ایردی پرنکین دین  
 و کونه قدری ایردی پر دم تا  
 قنات باز سا تو تار روزین  
 محمد ایکنید ایتور ایدی برار  
 شهادت پر کوچی کلوره ده  
 کسی کو پروک ایدی که از دها  
 و کونه ایرد پیر قد چوب بی پوت  
 اکر چا استیخه تو شتا پار جا  
 حین سلما کان شایین باز

دیدی سلطانغہ آرمی لٹیک  
 حبیب اشارہ ایریلور اے  
 چقار دلخظردہ نال آستیدین کرد  
 بلایغ تیوہ توغدی حکمید طاغ  
 سیچہ مائدہ تو شدنی فلک دین  
 خلیل اوغلی نیک اتیصالی بوعد  
 کور زمان باش آتد دید ایزیر ماش  
 بہت آتد یغہ کیلس باسما غما کام  
 تیوشمای قطرہ کمرہ لبینہ  
 اولوغ ذریا لبینہ خشک لبینہ  
 چقار دسومکانیدین کچورق  
 قراسودین کوز نوریدیک  
 ایرور قاصر عقول آدمی زار

ولی پرشت پرہد چر آید پیک  
 مدد قیسا خدای عالم آرا  
 کلیمین جب سدرین قبل اس خون  
 پنجو کیم حضرت صالح او چوقا  
 یبارک در میہ روز ملک دین  
 از لہ کبر شینے ابل اسعد  
 اگر فوج اتیلا قایتار مغابا  
 کہا پر سا جہالت بدین جام  
 یبار رحمت سوی کوک کو کبینہ  
 کورنک بو طالب بلہ بولیب  
 اگر جہ اوت پہلہ سود ابو کور  
 اگر چند مکہ شمع اوتدین بلور  
 قیوہر قدر تین قیلمات کر اک یاد

رسول اللہ صلی اللہ علیہ وسلم نذیک نعت لار

رسول رحمة للعالمین عنہ

درود بعد ہاد و نیغہ

خدا اینک دوستی هم نسل قریشی  
ایمان موجود اینک یک مهربانک  
اوشال شاهنشهر کیم شیخ دین  
دیدمی معبود اینک آتی محمد مصطفی  
تو شور ما کیر یوز یکا سایه سینی  
قدم باسکان نیا رال یرد پر  
جمال نعمت مطلوب کونین  
شرافت موندین او تاسنت فرض  
همه دیندین لوبوب ردینی بالالا  
خدا اینک رحمت بولک سودام

مدام امتا دی چون تلخ آر در مشر  
دلیل اولدور که کیلدی اولدور  
اینک دانه سر روح الامین دور  
مقاماتیکاهم کز یتیمادی حسنه  
یتور کعشر او بییکا پایه سینی  
سجایا بعض یرد یا شیغه چتر  
کمالیدین منسور قابضین  
یوروسه تا خروج دابه الارض  
کواهی حضرت و رجب تعالی  
اینک اولاد اصحابیغه هم

### تالیف سببی بیابیندا

یا زبیدی فارسی نیل پر لا مکتوب  
انی کیم کوردیلار ترکی یر انلار  
بتاسه ترکی نیل پر لا عقیدت  
ملن قیلدی لار چون بر نیچیا

عقیده افروغ قرب محبوب  
دیدیلار کرد عاقیلس ایر انلا  
لوتکل لار بوسه اندین آسیده  
علم تانهای خدا بولک سودا

<p>مینکایوقتور مفصل قلیغالی مال      کرفتار ملامت دادور مین      اشارت قیلدی لاکیم پرنجی دست      سواد ایتیم نیچه منظومه ناچار      انکا قویدوم ثبات العاجزین      نسادین هم اندک ایلادیم یاد      کوی کار ماس تاشه نغیور یا هم کوی</p>	<p>ولیکین ایلایین سوزلارنی اجمال      من بچاره چونکه عامی دورین      اگر چندیکه بوسم معز یوق بوسست      الارنی سوزلارین بورا من      عقیده سورلارنی قیلدیم سب      اوزورمدیک خسته بولعا مود      نصیحت تیکلا ماس لسخه محجوب</p>
---	---

مَعْرِفَةُ اللَّهِ نَبِيكَ بَيَانِيْنْدَا

<p>اوزیدین فانی حقیقه با بولماق      کینیس تبرماق فعال نارودین      قضاغه راض بولماق با بولماق      یانارودین خیر نیت با بولماق      کسین سالماق مخالف اجتهادین      فالور خیر اوی ناصدین با بولماق</p>	<p>نیدور قو لوق فی شت با بولماق      تاینماق تنگرنی تانمق هوادین      بویون سومان اکیلیان قل همیشه      امید ایماک اوشال قدر کیشی      یقین سلماق جماعت عقادین      اویالماس رطلب امرنی انعان</p>
---	---

تَوْجِیْهِ نَبِيكَ بَيَانِيْنْدَا

خداوند یک پروردگار بی شک و شب  
 اینک فرماندین مجکیم قوتوں کے  
 ایرو اول بار چہ عالم نینک خدا  
 ایرو ر حاضر ہمیشہ یوق مرکا  
 اوزی بی شہدہ فرہم بی غونہ  
 کو نکلہ کچہ کوز کا تو شب ہر  
 او دور جا کیم کہ صلیب دوز کا ایجا  
 خوشہ لار نبی ریتما دی لار  
 ولی فکر ایت خدا نینک قدر تیغہ

رو ایو قدر انکا اور تاق ایلہ  
 تو انا دور ہمیشہ اوز کا بولک  
 اینک یوق ایت ایسی انتہا ہے  
 انکا قیلخان ایما س بقت زما  
 رو ایر ماس انکا چون جکونہ  
 ایرو ر اندین منزہ خالق جی  
 اینک ذر تیغہ مجکیم عقلے ستیا  
 بویون سوزدی لار فکر انما دی لار  
 عجایب لار ایسی ہم صنعیتغہ

واجب تعالی نینک صفاتی تینا

ثبوتید ورا نینک سیر صفاتی  
 حیات علم قدرہ ہم بصیرت  
 حیاة اول کم تیر یک دو اوز کا  
 اوز نبی ایتدین جی وراوشا  
 کیر اکما س ر خدا غہ فر قوشی

صفت ذاتی ایما س نے غیر ذاتی  
 ارادہ کلام نکون دو ر الحج  
 الوہ ہر ذی نفس کز اول اولک  
 ویکیاں جسم ایلہ جان دین منزہ  
 غنی و در بار عالم دین و شان جی

ایمانس مخاج بیج اشکا حق تعالی  
 اگر موند ایوبار و رسن کونکلنی  
 صفا تیدین بر بی و علم یارا  
 خلاقی دین کجیک دوریا الوغ  
 تو روشد وریا یوروشد و خیر شد  
 کونکل غه تو شپ قس طایر همیشه  
 پیلور بر کیمید ابول معرفت  
 نفس لیک یا نفسیر بود نابود  
 ضرر دور نفع دور یا خیر دور  
 خلاقی فی صحیح فعل و قولی  
 اراده ایلا کاج خلاق عالم  
 نه اتسه ایر که بار و قوتی بار  
 تیلکنی سا قلاموناع قولند  
 کلام حقه کیم چون ایلا دی یاد  
 انمه سیدی قان کغنی سر توز

یوبار ماغیل کونکلنی شیت لا  
 سالور شیطا کونکل غه اوزکا  
 ایرورد انامی نجیب آشکارا  
 بولوبود و مزبزش این بولغولوغ دور  
 نیکیم تسکیه نکا نفع و ضرر دین  
 ایمانس شیده علمدین همیشه  
 ستر می قدرت ایرور سکنیز صفت  
 نه کیم ایکی جهاند ابول موجود  
 یقین سلکیل قضا و رحیم قدر  
 ایماس پر زوره بی تقدیر مولی  
 هر شینی بولدی بی لدمی اشاکم  
 قولی پر لیراتی دیمه زینها  
 خداوند رحیم منتره دور جسد دین  
 انینک پرو صیفه رامی اوجی  
 کونکلنی قویما غین سمن قویوز



بصیرم سمع اینک صفین بلا  
 نه کم موجود ایدر دنیاودین د  
 ایشتمک ماک بی شک بی رس  
 ایشتمک ماک در قدر تیدین  
 قولان کوزنده کاجا ایدر بس  
 ترلین خرت دای خیدار  
 ولی کورمانی چون چنان پیل  
 بیلور هر آدینی بولسه سی  
 کلامی حادث ایدر ماس قدیم پیل  
 خلائق سوز لایا لاسر کام تل  
 بتلسه باوقوسه آس ایل یاد  
 خدایم فی کلاین بخش پیل باز  
 نلیم مخلوقیدا بار ایدر سه ای شه  
 صفایینی بری سید در آرا  
 قدسه پرتیکان با تو شه بری قیل

بصیرم غر کور ماک سمع ایشتمک  
 فلک این یوقاری زیر زمین ده  
 ایدر هر دیک همیشه ظالم غیب  
 قولان قدرین کمزورین بر ما بلیلیل  
 خدا هیچ فایر کامیج ایدر ماس  
 خدایم کور ساتور دوستلارغه دیدار  
 جهت نیشل نیشل پیل مکان پیل  
 کلام ایدر صفایینی بری  
 انی ایغان سوزی بی کام بی پیل  
 خدایم حاج ایما س هیچ کسین کز  
 بولار عادت ایدر کادجی زار  
 سوزینی ذایتغه یوق حرف اوار  
 خداوندیم ایدر اندین مثره  
 مونی پیلکان کشر بیتکای مراد  
 اراده نیشرا مین هیچ این تقین پیل

اگر میری قویا رسر اوستیکا یا  
 صفاتی نینک برین تگوبینک لاز  
 یراتی کچه پنچون سیرنی منرنه  
 اگر چند بکه قویا سیر کچه منیر کا  
 سنا سب اشک وریا نامناسب  
 اوشا پنجه آستیا جزئی با  
 نه کیم زرقیکا بوسه شیب بالا  
 چرا میدین ولی منع ایتی منرنی  
 خدا راضی ایما سنا منیر عه  
 کیشی راضی ریه عصیا قیلو  
 خدا ظلم ایما دهمی سچ بند لار  
 اوشال خلقیغه توزیولدن آزلار  
 عذاب تیره عالم با او عالم  
 نفس سیر خلق دور یا ذمی نفس  
 اگر عفو ایلا سا اذ فضلده در اول

و کچه پر ذره چه قم بوسه بیجا  
 خدا دین خلق غه روزر بارچه ایشلا  
 تقی خلق ایتی منرنی فعلی منرنی  
 پیردیت راختیا رجزنی پنکا  
 انی قیلما قعه بنده بولدی کا  
 تا پار بنده جزا کوپ یا آرز  
 یر ایتد و رانی و درجب تعالی  
 پیردیت اختیا رجزنی منرنی  
 رضا سید اینک احسان منیر عه  
 ایتمه حکمید در کافر بولور غه  
 ولی توزیولنی کورسک الارعه  
 الار اوز جان ریه ظلم تیار  
 ابر و بولعد لای فرزند آدم  
 اینک ادملکیده روح ظلم ایما  
 بود و در صد اخلاصینک بود و بول

تو توب محکم بو یون سوناق کیلیک	یتار پیر عامی لرغه مونچه بلیک
قدم قوی مایا پاریر لر کار نهیا	الوغ یولنی قویوب اولکونچه ای بار

### ایمان نینک بیانی

تیلینک برلایینه اقرار قیلغیل	خدا دین مهنه کیلسه ارسا بلیکل
مونی پیلما کس کشر تا نکلا شپمان	مسلمانلیغ یولیدر اولدور ایمان
ایر دور پر دیک یاده بولما غاکم	یقین بلیکیل که ایمان بولما کلم
جدالتی بوسوز کامر فریقی	بوسوز دور اهل نینک طریقی
تا پار نخیشر عملدین اجزاسن	بولور اما عمل زانیده نقصان
عمل دین داخل جنت بولور	عمل ایلانکد ییکین ایماغی نیر
عمل کاترکا قیلما ی عمل قیل	نصیب بهشت اولدور فضلده
عمل قیلغیل عملد ابد دما نور	عرض اول کم عملد بولما مغرور
دیدیلار نور ایمان دور زیا	عمل قیلماق دین اهل استفا
عقیده بول دور ای فرزندانم	و کر نه بولماس ایمان زایدوم
چجان بلغور عمل قیلغان پن	عملتی تفعر هم ایمان پیلان
قول ایتماس خدر ایچ پیرا شینی	نعوذ بالله ایمان پیر کیشنه

اگر چه بخشش را ر اعمالین تپسہ  
 ریاضت بہر لہ بولہ برتہ و کچ  
 بولور و فرخ اینک آخر مکاشفہ  
 اگر ایان نصیب تپس کبشر کا  
 اگر چند ی یا یلینغ قیاس پچہ  
 اطر عاصی بچارہ دور سیز  
 قوناق نبر بر کچہ دنیا ی بچہ  
 بوتونہ توت بوتون یا نیمیزی  
 اگر بوتک منی جالبیغہ جامی  
 اگر سن سا فلا سا مک رحمت بولیدین  
 ینہ ایان دا ایدی ابل تحقیق  
 خدا اینک فعلی اول مخلوق بکس  
 ویدیلار معرفت ہر لاد اتر  
 پنچو کم بندہ فی خلق اتی مولی  
 ازور ہر مغز و ایان و اسلام

تصدق یر یوزنی مالین تپسہ  
 او شاک کم صد بوتور قیاسی بچہ  
 قوتولاس کی ہر کز جسم جانی  
 ہر در اجزہ اینک خرقہ قلمیشرا  
 تموغہ اقالاس ی یا یلینغ توبہ  
 ہوا نفس ابل او درہ دور سیز  
 نہ ایش لاری کچا دور پز دین بولکچہ  
 صا قوتقار بوتون دین جانیمیزی  
 تو زار کلد یک عمد لازی تا کی  
 عد و قل کیلسہ کیلکای قولیدین  
 خدا دین دور مذہب ہر لہ توستی  
 گیش ہر کزانی مخلوق دیاس دور  
 او شاک کم بندہ سینر فعلیدین بار  
 تقی مخلوق یرور فعلی قولی  
 مونی پلسا اگر اک ہر حاضر مرنام

اٹمہ قولینی سیک و شلا زنیہا  
جدنی نفع یوق بوسہ و کا

### فرشتہ لارنیک بیانی

ملائک را اور لار عالم الار فارغ ایر و ایچاک یماک ناب ایر ماس لار فی وضعی ارم الار بار چه خدا نینک طاعتدا اکر چه بر چه سی طاعت بر شسته مسلمان لار اذ قور قرآن کا تقی پیغمبر پیروین برون سل باری سی حق تعالی نینک کلانی کلامی و صیفه رای دینراد	ہمہ حق بند سپد و رشک یان قبلماق قیامت سوز و یما بلا شہوت تراشہ عالم ایما س غافل لار ایچ پر عتیبہ مقرب بعضیدین بعضی فر شسته ایر و بار چه کلام حق تعالی خداوند ہم کتب لار قبلدی نال مونی بیاید کر اک میر خاص دعا قیلیب ایر و ہم صفا با بید ایاد
---	---

### پہمغبر لار کا ایمان کیلنو ماک بیانی

شاو حمد قدره یلغ خدا غمہ الار فی اولی کیم آدم ایرد باریلار تنکرنی سیوکان لیدر	کہ ایمان کیلنور و بنیر انبیغہ محمد بار چه سیغہ خاتم ایرد باریلار جنت و رضون کلی دور
---	---

خدا ینک حکیمین بر فعل و سوز کا  
 یثو شمس سج ولی الار جا لاریکا  
 الار دور ذریات آدم پاک  
 الار دین بعض ایشلا رقیله لاری <sup>اقتل</sup>  
 اول الشیخ صده ایما س دور ابتیا <sup>دین</sup>  
 الار قصه ایله بر کز قیلما دی لاری  
 باری دریا رحمت الید عرق  
 باری تنکدین پاید <sup>اول</sup> خطاب  
 رسولغ ایردو شرای نگو نام  
 نبی در هر رسول انکلا غوجی یول  
 سلف کیم ایلا د لطف عنایت  
 بش پیغمبرین سلطان اعدل  
 بو سوز دور مذہب سنت <sup>جماعت</sup>  
 دیدی رعا فرزند آدم  
 کتاب کانی کیم پر با صفا دور

نبی رقیلما دی پر ذره اوزکا  
 یثو سما سن بلکه خاک پالاریغہ  
 کنه دین انبیانی بارجہ سی پاک  
 قیلور تا ویلنی نعمان باقل <sup>عقل</sup>  
 الار غہ لغوشن با دور خطا دین  
 بو مورغان امریدین ریلما دی لاری  
 رسول ایله نبی بولکد بوزق  
 نبی غہ شرط ایما س اما کتاب <sup>اول</sup>  
 ولی بولدی باریغہ وحی ولیم  
 ویلین نبی ولما س سوال ادل  
 ایرور او لغوسی مشهوریت  
 ملک یغبریدین قیلدی <sup>فضل</sup> ا  
 الار میرنه دیدی قلیغیل <sup>عزت</sup> طاک  
 ملک نی عامه سعدین لیدی <sup>اکرم</sup>  
 دیدی عامه بویرده اتقیاد

بهاجم و یک بر در بل هم ضل دور	بشده و در چند آن بجل دور
ولیکن بعضی می در بعض فضل	پیمبر تنگ با رمی عا دل عدل
مسک و دور بنوت پر لا ارسل	ثواب رتبه فضل ابرو در حال
حسب حق نکیس انبسا دور	بار نی بهتر بلا مصطفی دور

مسک  
صغار

